

HUQUQ

04

(423)

YURIDIK GAZETA

Yanvar

D.	30	2	9	16	23
S.	31	3	10	17	24
Ch.	4	11	18	25	✓
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Y.	1	8	15	22	29

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Чилла заботига олаяпти

Киш ўз номи билан киш. У ўзининг қорли, қировли кунлари билан завқли. Аммо ҳар нарса-нинг меъёри бўлгани маъқул экан. Бунга Европанинг бир қатор давлатларида, Россияда кузатилаётган вазият мисол бўла олади. ОАВ хабарларига кўра, об-ҳавонинг кескин совуб кетиши жиддий муаммоларни келтириб чиқараёпти.

Мамлакатимизда бу борада аҳвол ташвишланарли даражада бўлмаса-да, юртимизнинг шимолий худуди бўлиш Қорақалпоғистонда киш ҳар йилгига қараганда совуқ келди. Қорақалпоғистон Вазирлар кенгашининг бўлим бош-

лиқлари Фанибой Садиров ва Жумагул Уснаддиновалардан олинган маълумотларга қараганда, республиканинг узоқ Устюрт қўرғонида кейинги кунларда кечалари 34-35 градусгача совуқ ҳаво кузатилган.

Нукус шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда ҳам айрим кунлари ҳаво ҳарорати минус 29-30 градусга етганлиги айтиляпти.

Республика раҳбарияти аҳолининг қийналиб қолмаслиги учун қишга вақтида тайёргарлик кўришга ҳаракат қилди. Мактаб, касалхона ва аҳоли пунктларидаги аҳвол ўрганилиб, тегишли чоралар

кўрилди. Ҳатто режадаги қўшимча 2200 тонна суюқ ёқилги, 4000 тонна кўмир ғамланди.

Қиш бошланиши олдида Қорақалпоғистон Жўрғи кенгеси раиси М.Ерниязов бошчилигида бир гуруҳ мутасаддилар кир-адирларда меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг ҳолидан хабар олиб, тегишли ёрдам кўрсатишди.

Шу кунларда республикада вазият яхши. Корхона, ташкилот, мактаб ва касалхоналар нормал ишлаб турибди.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

Чоршанбадан Чоршанбагача

18 январ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

19 январ

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин 19-20 январ кунлари қисқа муддат билан Тошкентда тўхтаб ўтди.

20 январ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

23 январ

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги Қарорга имзо чекди.

Тошкент шаҳар ҳокимиятида парламент Омбудс-мани томонидан Яқкасарой туманида турар жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича ўтказилган мониторинг натижаларининг муҳока-масига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

↓ Islohot

Қонуний ишлайдиган тадбиркор

нафақат ўзи, балки ўзгаларнинг ҳам тўкин-сочин яшашига хизмат қилади

Тарихий тажриба давлат мулки билан хусусий мулк мутаносиблиги қарор топган жамият жадал тараққий этиб бориши, фуқаролар турмуш даражаси узлуксиз ўсишини таъминловчи иқтисодий-тнинг тез суратларда ривожланишини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг қонуний асослари яратилди. Ҳар бир фуқаронинг хусусий мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатланган конституциявий нормага мувофиқ қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши ҳамда ривожланишига замин ҳозирлади. Давлат иштирокидаги йирик завод ва фабрикалардан тортиб қурилиш, савдо, маиший

хизмат корхоналарига ақциядорлик ёки масъулияти чекланган жамиятлар тарзида уларда ишлаётган ходимларнинг мулкига айланди. Шу билан бирга ўз маблағлари жамғармаси, банк кредити ҳисобига кичик корхона очган тадбиркор фуқаро бошлаган ишини кенгайтириб бориш имконига эга бўлди. Вилотимизда аввал бошда ўзи ишлаётган савдо дўконининг қийматини тўлаб, хусусийлаштириб олган фуқаролар топган даромадларини истиқболли соҳаларга — кийим-кечак, ме-бел, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва бошқа турли-туман цехлар, кичик корхоналар очишга йўналтириб, иши ривожланаётганига оид ўнлаб «мисолларни келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

↓ Qaror va ijro

ОЗОДЛИК — ТОТЛИ НЕЪМАТ

Амнистия — жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган олий ҳокимият ҳужжати. Жаҳон амалиётида, одатда, унга биноан жиноят иши қўзғатилмаган, қўзғатилган жиноят иши бўйича таъқиб тўхтатилган ёхуд жиноятчи жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилинган. Баъзан суд томонидан белгиланган жазо енгилроғи билан алмаштирилган, шундай ҳам бўлганки, жазони ўтаб бўлган ёки жазодан озод этилганларнинг судланганлиги барвақт олиб ташланган.

Бу жамият ва давлат қурилишининг мустақамланиши, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси юксалиши билан боғлиқ бўлган. Фуқароларнинг онги ўсиб, жамият олдидаги бурчини тўлиқ англай бошлаган сари қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот қарор топа бошлайди. Натижада мамлакатда жиноятчилик камаёди. Шунда жамият учун катта хавф туғдирмайдиган жиноят содир қилган шахсларни жазони ижро этиш жойларида сақлашга зарурат деярли қолмайди. Уларнинг эркин ҳаётга қайтиб, жамиятга фойда келтириши мумкинлигига ўимд боғланади. Бу, эҳтимол, ҳали «яраси битмаган» жабрланувчи ва уларнинг яқинларига бироз оғир ботиши мумкин, аммо маҳкумлар ва уларнинг ёр-биродарларига чексиз қувонч бағишлайди. Зеро, озодлик — тотли неъмат.

Амнистия ҳужжати у қабул қилинганга қадар содир этилган жиноят ва фақат унда кўзда тутилган тоифа-

ларга дахлдордир.

Мамлакатимизда амнистия дастлаб Ўзбекистон Президентининг фармони, 2005 йил декабрдан бош-ла Олий Мажлис Сенатининг қарори билан жорий этиляпти. Аксарият озодликка чиққанлар бундан тўғри хулоса чиқариб, равои йўлга тушиб олмоқда. Адаша-адаша йўлини топганлар қанча. Букрини гўр эмас, эл ҳам тузатаркан.

Сенатнинг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига биноан биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар, жиноят содир этган вақти-да 18 ёшга тўлмаган шахслар, мазкур қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар жазодан озод қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қонуний ишлайдиган тадбиркор

нафақат ўзи, балки ўзгаларнинг ҳам тўкин-сочин яшашига хизмат қилади

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги қонулар йирик бизнес, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш йўлидаги мажбурий говларни муайян даражада бартараф этди. Бироқ назорат қилувчи органларнинг текшир-текширидан тоқати тоқ бўлиб, ишини тўхтатишга, қонунга хилоф тарзда ярим яширин ёки хуфёна иш қўришга мажбур бўлган тадбиркорлар ҳам оз эмас. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлиқни эркинлаштириш тўғрисида»-ги фармонлари, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-тоб тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш» тўғрисидаги қарори тадбиркорларнинг фаолиятларига асоссиз аралашувлар, маъмурий тўсиқларга чек қўйиб, бемалол ишлаб, иш доирасини кенгайтириб бориш имкониятларини яратди.

Қонулар кенг фўқаролар оммаси яхши билгандагина қўзланган натижани беради. Шунинг учун вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари, СВОЖҚК бошқармаси ходимлари ОАВ, юзма-юз мулоқотлар орқали уларнинг маъмури-моҳиятини тадбиркорларга етказишяпти.

Тадбиркорлик субъектларини текширишлар ўтган йилларга нисбатан тенг баробар қисқарди. Вилоят прокуратураси органлари назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятларига ноқонуний аралашиларининг олдини олиш чора-тадбирларини қўришяпти.

Қонун доирасида фаолият юритиб, иқтисодий ёта ўзини топа олган, ишони ривожлантириб бораётган тадбиркор билан бирга бирданига катта даромад олишни, даромадини солиқлардан яширишни кўзлаб, қонуларни четлаб ўтишга уринаётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас. Ўтган йили хуфёна иш юритган «ишбилармон»лар 2.238.000.000 сўм моддий зарар етказишгани аниқланиб, унинг 2.000.100.000 сўми тергов жараёнида ундирилди.

Вилоят прокуратураси ўтган йили иқтисодий жиноят ва коррупцияга оид 122 та жиноят ишини тергов қилди. Давлат ва жамоа мулкани ўлаштириш, мансабни суиистеъмол қилиш, порахўрлик, солиқдан бўйин товлаш, бошқона, савдо қондаларини бузишга оид 90 та жиноят иши тергови якунланиб, 262 нафар айбланувчи суд ҳукмига ҳавола этилди.

Вилоятимизда 14 мингдан зиёд тадбиркорлар ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритишяпти. Уларнинг аксарияти берилган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга зиммаларидаги мажбуриятларини адо этишяпти. Солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб, маҳаллий ва давлат бюджетини тўлдиришмоқда. Вилоят прокуратураси ходимлари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятларига ноқонуний аралашиларининг олдини олиш борасида ваколат доирасида астойдил ишлашяпти.

А. КУРОНБОВ,

Анджон вилоят прокурорининг ўринбосари

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).
Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган ва иқтисодий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, шунингдек, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кам бўлган маҳкумлар жазодан озод этилаётилар.

Мазкур қарорга қўра жазодан озод қилинмайдиган шахслар учун жазо муддатининг ўталмай қолган қисми ўн йилдан ортқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга учдан бир қисмга, ўн йилдан ортқ

қувватламқда. Ҳозирга қадар шундай 15 киши марказ рўйхатига олинди, уларнинг 13 нафари ишга жойлаштирилди, 2 киши даволаш муассасаларига жўнатилди.

Не-не балоларни бошдан ўтказган И.Тойиров 2004 йилда жиноят содир қилиб, 8 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум этилган эди. Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2005 йил 26 январдаги ажрими билан ўталмай қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш билан алмаштирилди. Ҳозирги амнистия акти бўйича ўталмай қолган жазо муддати учдан

бир дўстимизнинг кадрдони. Ўзимизнинг жигаримиз. Кимки бундайларни тезроқ изига қайтаришни эмас, қандай бўлмасин улардан осонлик билан кутулишни уйлайдиган бўлса, у жамиятни соғломлаштириш учун қайгурмайдиган худбиндир.

Жиноят содир қилган вақтида 18 ёшга тўлмаган А.Саломов ҳам амнистияга мувофиқ жазодан озод қилинди. Товламачилиқ қилган Хурсанд бобо жазога мустаҳқ этилган эди, амнистия қарори кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлгани боси озодликка чиқди. Энди йўлингиз оқ бўлсин деймиз

ОЗОДЛИК – ТОТЛИ НЕЪМАТ

муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмга қисқартирилмоқда. Кўриниб турибдики, бу ҳужжатнинг дахлдорлик доираси анча кенг.

Жазодан озод этилганларнинг жамиятга қўнимча ҳосил қилишлари учун мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилган. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Ҳозирга қадар Қарши туман суди ва ИИБ ЖИЭИ томонидан 66 кишига амнистия акти қўланчди.

Қарши туман ҳокимияти ҳузурдаги мослашув маркази амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан чиқиб келган шахсларнинг ишга жойлашишга кўмаклашиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-

бир қисмга қисқартирилди. «Оила аъзоларини анча қийнаб қўйдим», дея надомат чекади бу инсон.

Айрим қорхона раҳбарлари судланган деган тағмадан ҳазар қилишди. Ўша ҳам инсон, унинг ҳам бола-чақаси бор, тирикчилик қилиши керак дея ўйлашмайди. Одамимиз-ку, адашганлардан меҳримизни дариг тутмайлик.

Озод бўлганлар орасида ўғирлик ва гйёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир этганлар ҳам борки, улар «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» қабилида иш қилмасликлари учун жамоатчиликдан янада ҳушёрроқ бўлиш тақозо этилади. Ким бўлса ҳам беғона эмас, қишлоқдошларимиз, қариндошимиз ё бўлмаса қайси

соч-соқоли оқарган чолга.

Умуман, илгари амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна жиноят содир этган шахсларга амнистия татбиқ этилмаслигини тақвор ва тақвор қўштириш зарурки, токи ҳеч ким қайтадан қора қафасга қайтмасин. Қонун риоя қилганини ҳимоясига олади, қайсарлик қилганини сибатан қаҳри қаттиқдир. Озодликка чиққан ҳар бир шахс билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашарканмиз, кўнгил бироз таскин топади. Илло, чигаллашиб кетган инсон қисматини ислоҳ қилиш бе-ниҳоя хайрлидир.

Довуд МАДИЕВ,
Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси

Тошкент шаҳар

Чилонзор туман

прокуратурасида

фўқаролардан келган

ҳар бир мурожаат

эътиборсиз қолди-

рилмайдди.

Суратда: туман

прокурорининг катта

ёрдамчиси У.Холбоев,

туман прокурорининг

ёрдамчиси К.Жовлаев

ва катта нозир

О.Баҳодиров.



ИШГА ТИКЛАНДИ

Маъмура Шерматованинг жаҳли чиқди. Нега уни бунчалик сарсон қилишяпти, максادلари нима, ахир тузуқина ишлаб юрганди-ку. Аввалига ишдан бўшатилш тўғрисида мажбурлаб ариза ёздириб олишса, кейин яна ишга қақаришса, сўнг яна «кет» дейишса. Нима дегани бу? Мазах қилишмоқчимиз? Қандай гуноҳ қилганди? Жавобсиз саволлар М.Шерматовани қийнаб ташлади. Охири Зомин туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этди.

Маълум бўлишича, М.Шерматова 2004 йилнинг июнида «Халқ банк»нинг Зомин туман бўлимига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди. Ўзига юклатилган вазифани баҳоли қудрат удралаётган М.Шерматова ишдан манун. Фаолияти давомида бирон марта хатога йўл қўймаган. Унинг масаласи ҳеч қачон касабга уюшмаси қўмитаси томонидан муҳокамга қўйилмаган. Интисомий жазо чоралари ҳам қўлланилмаган. Бир сўз билан айтганда, у ўз касбига меҳр қўйган эди. Бироқ кутилмаганда «Халқ банк» Зомин туман бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Акбар Эшонқулов М.Шерматова ва бош хисобчи Фароғат Назирбековани хонасига қақариб, фермер хўжалигининг 21.000 сўмлик чеки ўтмай қолганлигини рўқан қилиб, ҳеч бир оғохлантиришисиз уларни вазифасидан озод этади. Аммо эртаси кунлик банкда бош хисобчи вазифасини бажарувчи Илҳом Ҳамдамов аёлни ишхонага қақариб, аслида максادلари Ф.Назирбековани вазифасидан четлатиш эканлигини, гина-қудратни унутиб, бемалол ишнинг давом эттириши мумкинлигини айтади. Шундан сўнг М.Шерматова яна ўз лавозимига қайтади. Афсуски, у бор-йўри 10 кунгина ишлади. Бошқарувчи вазифасини бажарувчи А.Эшонқулов аёлга ишдан бўшаганлигини айтиб, уни банк биносига киргизмай қўяди.

Ноқонуний қабул қилинган қарор туфайли М.Шерматованинг меҳнат қилиш ҳуқуқи поймол қилиниб, у 2005 йилнинг 7 июлидан бошлаб ишсиз қолади. Натижада иш судгага бориб етати.

Судда гувоҳ сифатида иштирок этган Н.Ҳақназаров «Халқ банк»нинг Зомин туман бўлимида мини банк мудири, шунингдек, касабга уюшмаси қўмитаси раиси ҳам. Унинг таъқидлашича, М.Шерматова ариза ёзган кунлик вазифасидан озод этилган. Ҳатто бу ҳақда ўша

кунчи буйруқ чиққан.
«Халқ банк»нинг Зомин туман бўлимида бош мутахассис бўлиб ишловчи И.Ҳамдамовнинг гувоҳлик беришича, М.Шерматова ҳақиқатан ҳам ўз аризасида мувофиқ ишдан бўшатилган. Аммо у вазифасидан озод этилганидан сўнг ҳам 2-3 марта ишга келган. Ҳатто ишдаги камчиликларга ёрдам бериб турган.

Меҳнат кодексининг 99-моддаси, 1-қисмида «ҳодим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини 2 ҳафта олдин иш бериувчиси ёзма равишда оғохлантириш бекор қилишга ҳақли»лиги кўрсатилган. Шунингдек, мазкур модданинг 3-бандида «ҳодим ариза берганидан сўнг 14 кунлик муддат ичиде, яъни ишдан бўшаш ҳақидаги оғохлантиришисиз муддати тугагунга қадар аризини қайтариб олишга ҳақлидир» дея кўрсатилган. Кўриниб турибдики, А.Эшонқулов Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабларини қўпол равишда бузиб, белгиланган оғохлантириш муддати ўтмай, М.Шерматовани ишдан бўшатилш ҳақида буйруқ қабул қилган. Шунингдек, улар ўртасида оғохлантириш муддати қисқартирилганлигини тасдиқловчи битим ҳам мавжуд эмас. Шу ўринда «Халқ банк» Зомин туман бўлими мутаассадларини яна бир хатога йўл қўядилар. Улар меҳнат дафтарчасини ҳодим ишдан бўшагандан сўнг 3 кун ичиде қайтариб бериш лозим бўлса-да, буни атайин пайсалга солиб келадди.

Нихоят, суд бу ишнинг одилона ўрганиб чиқди. Унга қўра, М.Шерматованинг даъвоси қаноатлантирилиб, «Халқ банк» Зомин туман бўлимининг ноқонуний буйруғи бекор қилинди. Шунингдек, М.Шерматованинг мажбуран бекор юрган кунлари учун 175,492 сўм иш ҳақи ундирилди-диган бўлди.

Клара ЁҚУБОВА,

Жиззац вилоят прокурори ёрдамчиси

Сохта маълумотдан наф борми?

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалигида кузги-қишги аҳвол ўрганилганида сохта статистик маълумотлар топширилгани, амалда галла экилган ерлар ҳисоботларга мос келмаслиги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Боёвут туманидаги «Тараққиёт» фермер хўжаликлари уюшмасида 150 гектар, Носир Маҳмудов номли ФХУда 66 гектар, «Галаба» ФХУда 303 гектар ернинг шўри ювилганлиги ҳақида туман статистика бўлимига ҳисобот топширилганига қарамай, амалда ҳеч қандай иш қилинмаган. Коллекторларнинг тозалашга жалб қилинган 12 та экскаватор ва 4 та бульдозер ишлаган.

Ҳукуматимиз томонидан мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Бунга Боёвут туманидаги богдорчиликка асосланган хўжаликларда вузудга келган нохуш вазиятни мисол қилиш мумкин. «Наврўз» ФХУда жойлашган «Мамадазим бобо» фермер хўжалигига қарашли 22 гектар боғнинг 11 гектари эътиборсизлик туфайли қуриб қолган. «Тараққиёт» ФХУдаги 25 гектар боғнинг 15 гектари, «У.Юсупов» ФХУдаги 80 гектар боғнинг 64 гектари, «3-Боёвут» ФХУ даги 35 гектар боғнинг 20 гектари, «Фаллакор» ФХУдаги 24 гектар боғнинг 10 гектари қуриб қолган бўлса, «Ширин» ФХУдаги 47 гектар бог буткул қаровсиз қолган. Амалда туман статистика бўлимига ушбу боғларнинг тўлиқлиги ҳақида сохта маълумотлар берилган.

Сирдарё туманида эса 8701 гектар ерга галла экилиши режалаштирилган бўлса-да, амалда 9197 гектар ерга галла экилган. Бу 2006 йилда пахта экилиши лозим бўлган ерларнинг қаймаслиги оғиб келадди. «Малик» хўжалиги ҳудудидаги «Яшмон бобо» фермер хўжалигида ҳисоботдагидан 13 гектар, «Омонқулов Утабой» фермер хўжалигида 9 гектар ошқича ерга галла экилганлиги маълум бўлди.

Абдуазиз НАЗАРОВ,

Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Qayerdan:

Xatlar Va aloqalar bilan sahifasi

Qayerga: Toshkent shahri, Alaydovlik Yul, Fuzulov ko'chasi, 66.
«Huquq» gazetasi nashriyati, 700047

Madadtalab maktub

АУКЦИОНДА СОТИЛМАГАН ЭКАН...

Мен 1994 йилнинг бошида Қўқон шаҳар ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилиб, хусусий мулкчилик асосида иш юритиш учун дўкон кургани Сарбоз кўчасидан ер ажратиб беришларини сўрадим. Уша йили 5 март куни шаҳар ҳокими-нинг 46-қарори чиқарилди. Шундан сўнг май ойида мен ажратиб берилган ерда айвон, битта хона, битта тандир қуриб, сомсахона оқдим ва оилам билан иш бошладим. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Аҳроржон деган йигит ушбу ерни аукционда сотиб олганини маълум қилди. Шаҳар ҳокимиятидан суриштирсан, ер аукционда сотилмаган экан. Мен яна ишимни давом эттираввердим. Орадан уч ой ўтиб, шаҳар бош мезмори Исроилжон Мамажонов ушбу ерга кўз олайтирган Аҳроржон билан келиб, айвон ва хонани бузиб олишни буюрди. Аукционда сотиб олган бўлсанг, ўзинг бузиб олавер деб Тошкент шаҳрига кетиб, бир ошонани ижарага олиб ишладим. Бир йилдан сўнг Қўқонга қайтиб келсам, мен курган айвон, хона ва тандир ўрнида икки қаватли бино қурилди. Аҳроржон бино ўрнашган ер ҳамон меннинг номида эканлигини айтиб, ака-куя бўлиб юришимизга, буздириб юборган сомсахона учун 550.000 сўм пул беришига ишонтирди. Оилам билан бирга ишларни тақлиф қилди. Бир ой мобайнида у менга бўлиб-бўлиб 383.500 сўм берди. Сомсахонам ўрнидаги бино

менинг номимда бўлганлиги сабабли уни гаровга қўйиб, банкдан кредит оламиз, бунинг учун ишонч-номага имзо қўйиб беринг деб илтимос қилди. Нотариал идорага ўзи кириб чиқиб, бир қанча ҳужжатлар ичиндан биттасига таниш-тирмасдан имзомни қўйдириб олди. Бир неча кундан сўнг уйимга келиб, кредит олгани опамнинг ҳам имзоси керак экан, қўл қўйиб берсин, деди. Мен турмуш ўртоғимни у билан бирга юбордим. Аёлим Аҳроржон тайёрлатган қоғозга ўқиб кўрмасдан қўл қўйиб берибди. Орадан икки ой ўтгач, Аҳроржондан кредитни олдингизми, пулнинг қолганини берасизми деб сўрасам, энди сиздан қарзим йўқ, қаерга борсангиз браверинг деди. Шундан сўнг тегишли идораларга учрадим. Улар судга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Мен фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига ариза бердим. Бироқ суддаъвомни асосиз деб толиб, А.Саломов ва Н.Саломовларнинг қарши даъвосини қаноатлантирди. Мендан уларга 300.000 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Аҳроржон мени алдаб, банкдан кредит оламиз деган баҳона билан сомсахона ўрнидаги ерни сотишим тўғрисидаги ҳужжатларга имзо қўйдириб олганини суд жараёнида билдим. Шу ҳужжат асосида шаҳар ҳокимиятининг 1998 йил 14 январь кунги 6-қарорини қўлга киритиб олибди. Биринчидан, ушбу ерга

шаҳар кадастр бўлими томонидан менга ФХ-000255 рақамли гувоҳнома берилмаган, шу сомсахонани сотиш, унинг ўрнида қурилган Аҳроржоннинг биносини фойдаланишга қабул қилиш ёки ер майдонини кенгайтириш ҳақида шаҳар ҳокимига ариза бермаганман.

Суд қароридан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ариза бердим. Аризамни қўриб чиқиб, биринчи босқич суд қарорининг мендан А.Саломов фойдасига 300.000 сўм ундиришга оид қисмини бекор қилишди. Бироқ номимдаги ерга эгалик ҳуқуқини тиклаб беришмади. 1996 йилда дўконимнинг сотилиши ҳақида шаҳар ҳокимиятининг қарори чиқарилган экан. Бироқ шаҳар архитектура идорасидан менга ушбу қарор нусхасини беришгани йўқ. Юқоридagi суд қарорлари Олий судда қўриб чиқилиши сўраб ариза ёздим. Бироқ бунинг учун бош тўлагани пул тополмадим. Шу боис иш қўрилмади. Шаҳар ҳокимияти менга сомсахона қуриш учун ажратиб берган ерни алдов ва ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан эгалик олишди.

Бошимни қайси тошга уришни билмай, сизларга мурожаат қиламан. Можарони қонуний ҳал қилишда ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Ю.ЮСУПОВ,
Қўқон шаҳри Сарбоз кўчаси 20-й

Bir shikoyat izidan

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ХАМ...

Янги йил арафасида тахририятимизга Каттакўрғон туманининг солиқ «Пахтакор» ширкат ҳўжалиги ҳудудига яшовчи бир гурўх ногиронлардан шикоят хати келиб тушган эди. Унда маълум қилинишича, кеска ногиронларга қатор йиллар давомида ҳўжалик томонидан касб касалиғи учун озми-кўпми тоовон пули тўлаб келинган. Ширкатлар тугатилиб, унинг замирида фермер ҳўжаликлари ташкил этилаётган айни кезларда эса тўлов тўхтатиб қўйилган. Хат муаллифлари бу борадаги сансалликка чек қўйишга ёрдам беришимизни илтимос қилишган.

Яқинда муҳбиримиз Мансур Аловуддинов мазкур шикоят юзасидан журналист суриштируви ўтказди. Юзма-юз мулоқотлар эса кексаларнинг талаби асосли эканлигини кўрсатди.

Тегишли ҳужжатларда пенсия ва ногиронлик нафақалари тўла-тўқис туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланиши белгилаб қўйилган. Бу борадаги масъулият ҳеч қачон унутиб қўйилиши мумкин эмас.

Туман ҳокими П.Усаров ва ижтимоий таъминот бўлими мудири М.Бозоровлар билан бўлган суҳбатда аниқлинишича, ҳозир шикоятчиларга касб касалиғи бўйича нафақа тўлаш учун барча зарурий ҳужжатлар жамлаб бўлинган. Бироз кечикишлар бўлишига қарамай ногиронлар тоовон пулини яқин орада мўнтазам оладиган бўлишди.

Хатлар бўлими

Mavzuga qaytib...

ҚОВУНЛАРИМИЗ БОЗОРЛАРГА ҚАЙТАДИ

Ҳурмати газетхоналар! Эсингизда бўлса, «Huquq»-нинг 2005 йил 27 июл кунги 30-сонида «Бонг» руқни остида «Қорақалпоқ қовунларининг доовруги қайда?» номли мақола эълон қилинган эди. Унда Қорақалпоғистон ва Хоразмда экиладиган қовун турларининг йўқолиб кетаётгани, Беруний, Эллақкағалва, Туртқул туманларида қовун қуртининг пайдо бўлаётгани ва деҳқонларимизга катта зарар етказаяётгани баён этилганди:

Ушбу мақола Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига юборилган, 2005 йилнинг декабрь ойида тахририят жавоб хати олдди.

«Қорақалпоғистон ҳудудида қовун экинлари майдонининг камайиши 1992—1993-йиллардан бошланган. Олий навларнинг йўқолиб бораётганига сабаб қовун уругини тайёрлайдиган ҳўжаликларнинг йўқлиғидир.

Ҳозирги вақтда 4800-4900 гектар ерга полиз экинлари экиляпти.

Муаммони ечиш мақсадида Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан халқ селекцияси чиқарган навларни қайта тиклаш лойиҳаси Ўзбекистон Фан ва технологиялар кўмитасига юборилди. Грантта 2006—2007-йиллар учун маблағ ажратилса, тадқиқотлар бошланади.

Экинларга зарар етказадиган қовун лашшасига қарши кураш 2002 йилдан бошланиб, катта самара берапти. Зараркунандаларга қарши курашда деҳқонларга тавсия мақсадида ҳар йили «Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғи» журнали ва «Эркин Қорақалпоғистон» газетасида 2-3 та илмий мақола эълон қилинапти. Шунингдек, 2004—2005-йиллари тавсиялар алоҳида чоп этилиб, деҳқонларга етказилди.

Е.ТўРАНИЁЗОВ,

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти бошлиғи

Javob

ЁТОҚХОНА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА

«Huquq» газетасида 2005 йил 12 октябрда чоп этилган «Уз уйимиз бўлишини хоҳлаймиз» номли мақола юзасидан Тошкент шаҳар прокуратурасидан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Аниқлинишича, Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1994 йил 7 декабрдаги 1103-пп-р сонли фармойишига асосан «Тошкент машинасозлик корхонаси» давлат тасарруфидан чиқарилиб, «O'zpraxtamash» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган. Ушбу жараёнда Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Сайрам 5-тор кўчаси 15-уйда жойлашган 2-ётоқхона ижтимоий соҳа объекти сифатида давлат тасарруфида қолдирилган ва тасарруф этиш ҳуқуқсиз жамиятга берилган.

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига асосан турар-жойларни хусусийлаштириш давлат уй-жой фондининг эгаси томонидан амалга оширилади.

«O'zpraxtamash» очиқ акциядорлик жамияти томонидан 2-ётоқхона белгилаанган тартибда Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти турар-жой фондида ўтказилгандан сўнг хона-донларни хусусийлаштириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.»

Minnatdorchilik

Оқ халатга доғ тушмасин

Хаста кишига айтилган ҳар бир ширин сўз унинг қалби учун ёқилган маънавий алдир. Бу гапнинг маъносини танасида оғриқ ҳис қилган одам бошқалардан кўра кўпроқ тушуниб етса ажаб эмас.

Кўзим оғриб, яқин дўстларимнинг маслаҳати билан Ургут тумани 2-Қўрғон шаҳар шифохонасининг кўз касалликлари бўлимига бордим. Ҳар қандай беморни меҳрибонлик билан қарши олувчи бўлим бошлиғи Тойиржон Облоёров кўзларимнинг тузалишида катта ёрдам берди. Шифокорнинг муомаласи бемор учун муҳим аҳамият касб этди.

Мен Тойиржон ва унинг ҳамкасбларига миннатдорчилиғимни билдирган ҳолда улар кийган оқ халатга ҳеч доғ тушмаслигини, доимо эл олқишига сазовор бўлишларини тилаб қоламан.

Узоқ ОМОНОВ, Ургут тумани



Қишда ҳам баҳор кайфияти.

«Huquq»ga javob keldi

Иш ҳақи ундирилди

Фуқаро К.Ёкубованинг 2003—2004-йиллар давомида «Сариосийсувқурилиш» хусусий инжиниринг консалтинг компаниясида ҳисобчи бўлиб ишлаган даври учун иш ҳақи ҳамда 25.000 сўм миқдоридagi моддий ёрдам пулини ололмаётганлиги ҳақида тахририятга ёзган хати Термиз шаҳар прокуратураси томонидан текшириб чиқилди.

Аризада кўрсатилган важлар юзасидан компания бош ҳисобчиси А.Кибриев билан суҳбат ўтказилганда у ҳақиқатан ҳам К.Ёкубованинг илгари компанияда ҳисобчи лавозимида ишлаганлигини,

компания иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганлиги сабабли моддий ёрдам пуллари компания олган фойдага қараб ишчиларга берилишини баён қилди.

Текшириш жараёнида шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан компания томонидан К.Ёкубовага 2005 йил 11 декабрь куни касса чиким ордерига асосан 2003—2004-йиллари ишлаган даври учун 155.000 сўм миқдоридagi иш ҳақи тўлиғича тўлаб берилди. Т.ҚУРБОНОВ, Термиз шаҳар прокурори

Javob

ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи пенсионер Махмуд Нортोजиев узрли сабабларга кўра телефон алоқаси учун тўловни амалга оширилмагани, натижада унга тегишли бўлган телефон рақами олиб қўйилганини баён қилиб, тахририятга ариза йўлаган эдилар.

Хат «Ўзбектелеком» Акнинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига юборилган, фуқаро М.Нортोजиевнинг телефон рақамини қайта тиклаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган. Бу ҳақида тахририятга филиал директори А.Эшонсўжаев маълум қилди.

Т.САИД,
хуқуқшунос

Бугунги фан-техника тараққийти-
ни телекоммуникациясиз тасаввур
этиш қийин. Айниқса унинг бир тар-
моғи бўлиш телефонлар барча учун
тезкор хизмат кўрсатувчи воситага
айланди. Бу ҳақда истаганча гапириш
мумкин. Биз мақоламизда телефон
тармоқларининг бир тури бўлиш уяли
алоқа хусусида сўз юритмоқчимиз.
Бугунги кунда мамлакатимиз теле-
коммуникация бозоридида бир неча
уяли алоқа компаниялари ишлаб ту-
рибди. Маълумотларга қараганда,
Ўзбекистонда мобил алоқа хизмати-
дан фойдаланувчилар сони 1 милли-
он 150 минг кишидан ошди. Бемалол
айтиш мумкинки, ижобий маънодаги
рақобат ҳукм сурмоқда. Барча компа-
ниялар мижозларни сафини кенгайти-
риш учун деярли ҳар ой янги хизмат
турларини тақлиф этаёпти, бунинг фа-
қат қўллаш зарур.

Маълумки, бозорнинг катта бир
талаби реклама саналади. Ушбу ўзин-
гизнигўё ривожланиш бўлаётгандек
ҳис этасиз. Деярли барча ОАВда
мобил алоқа рекламаси даромаднинг
маълум қисмига айланади. Телевизор
кўрасимиз, радио эшитиб, газета ва-
рақалаймиз, ҳар кун ҳеч бўлмаган-
да бир марта уяли алоқа рекламасига
қўлингиз тушади. Алоқа компания-
ларнинг SMS хизматлари, айниқса

МИЖОЗ ҲАМИША ҲАҚ...МИ?

Ёки уяли алоқа «воситачи»лари

беришди. Ундан чиқиб 20 метрча
нарида жойлашган яна бир шундай
хонага кирдик. Бу ерда ҳам нарх
боғлиқдек экан. Шундан сўнг яна икки-
лаш шундай бўлимларга бош суқиб,
барчасида нарх 13-14 минг сўмдан
эканлигига амин бўлдик. Назаримиз-
да юқорида тилга олинган метро бе-
кати атрофида ўнлаб шундай восита-
чи бўлимлар ишлаб турирди. Энди

!!! «Сизларда 8 долларга улانسак бўлади- ми?» деган саволимизга, ходим «Бизда уланш 14 минг сўмдан» деган жавобни берди. Бир шаҳарнинг ўзида икки хил нарх.

телерадионинг баъзи дастурлари-
дан «кенг» жой олди. Мазкур усулни
айрим газеталар ҳам қўллашга туш-
ди. Кўчаларнинг катта-кичик чорраҳа-
лари ҳам алоқа хизмати турларининг
рекламаси билан банд. Қўчаси, алоқа
компанияларининг рекламаси умумий
реклама бозорининг катта қис-
мини ишғол қилди. Бу масалада эъти-
роз йўқ. Бозор шароити бўлгандан
сўнг бошқача бўлиши ҳам мумкин
эмас-да.

Келинг, фикримизни бир компа-
ния, аниқроғи алоқа тармоғининг энг
гигант компанияларидан бири, Ўзбеки-
стон телекоммуникация бозоридида
узоқ вақт фаолият кўрсатаётган
«Ўздуробита» мисолида давом эт-
тирсак. Компания тарқатган расмий
маълумотларга қўра, 1992 йили унинг
мижозлари сони 500 кишини ташкил
этиб, атиги битта станция билан
фаолият кўрсатган бўлса, 2005 йил
май ойига келиб мижозлар сони 370
мигдан ошиб, республика бўйича
ишга туширилган станциялар сони
337 тани ташкил этган. «Ўздуробита»
бу борада бошқа уяли алоқа
тармоқларини ортада қолдирди дейи-
шга ҳақлимиз. Демак, рақобатта
бардош бериб ишлашнинг ўзи ҳам
катта бир ютуқ. Бунинг инкор этиши
ниятимиз йўқ. Масалан эшитиб бора
томони қарий 15 йилдан буён фао-
лият кўрсатаётган компаниянинг
аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти
қай томонга ўзгараётганини кичик
бир кузатувлар орқали таҳлил этиш-
дан иборатдир.

Реклама бөлкларидида ҳабар қили-
наётгандек, «Ўздуробита» «МТС ком-
пания» режасини тақлиф этаёпти.
Уртоғим билан ана шу хизмат турига
уланшни ниёт қилиб, шу йилнинг 7
январидида жинқорқ деб «Буюк ипак
йўли» метро бекати атрофида жой-
лашган «Ўздуробита, подключение,
экспресс карточи...» (қизик, шаҳар-
нинг бирор жойида ҳам ана шу ёзув-
нинг ўзбек тилидаги таржимасини
кўрмадик) деган ёзув илинган бинога
кирдик. Компютерда қандайдир уйин
ўйнаб ўтирган қизларнинг хизмат
кўрсатишларидан кўнглимиз тўлма-
ган бўлса-да, компанияга аъзо бўлиш
ҳақидида маълумотлашқиздик. «Биз-
да 13 минг сўм билан уланасиз», —
дея жавоб берди қизлардан бири.
Уртоғим уларга: «Ахир реклама қили-
наётганда 8 доллар, бунинг Марказий
банк курси билан ҳисоблаганда бун-
ча бўлмаслиги керак», — деганида
«Нарх бизда шу» деган кўрс жавобни

бўлиш учун номер танлашга тушдик.
Уртоғимнинг қизикқонлиги тутиб, 100
билан бошланадиган номер сўраган-
да, «Ундан қолмаган» деган жавобни
беришди. Бошқа номерни танлаб,
ҳужжатларни расмийлаштирдик.
Юқорида биз тилга олган «учар воси-
тачи»лар компания бош офиси ичида
ҳам балеанд овозда мижоз қидириб
юрарди. Ҳуқуқшунос бўлганим учун
компанияга аъзо бўлгандан кейин
унинг шартномаси қандай тузиллиши
билан қизикдим. Кассага 9500 сўм
тўлаб келганимдан сўнг қўлимга «Со-
глашение к контракту на оказание
услуг сотовой связи...» турғисида узун
рақамлар бошланувчан қўзончи туқ-
лашди. Тўғриси, бу «бошқотирма»
қўғоз бизнинг ҳам роса бошимизни
қотирди. Унда ёзилган шахсий маълум-

мин қилиб олаверинг!
Ҳа, тахмин, чунки воситачи бўлимлар-
нинг пештоқиди бирор белги мавжуд
эмас.

Реклама қилинаётган нарх фақат-
гина Тошкент шаҳридаги Усмон Юсу-
пов кўчаси 16-уйда (Лабзак томон)
жойлашган офис учун бўлса керак
деган хулосага келдик. Сўнг ўша ман-
зил томон отландик. Етиб келиб, унинг
пастки қаватида жойлашган хонага
кирдик. «Сизларда 8 долларга улан-
сак бўладими?» деган саволимизга,
ходим «Бизда уланш 14 минг сўмдан»
деган жавобни берди. Бир шаҳар-
нинг ўзида икки хил нарх. Расмий
офиснинг биқинида жойлашган
бўлимида шундай нарх мавжудлиги
бизни хайрон қолдирди. Бу билан
мижозлар чалғишаётганини наҳот
компания мутасаддилари билмасла-
рми? Шундай экан, реклама блоклар-
ига «Тошкентда, фақат Усмон Юсу-
пов кўчасидаги 16-уйда жойлашган
офисда 8 долларга уланиш мумкин»
деган жумлани киритиш, назаримиз-
да, тўғрироқ бўларди. Ана шунда ми-
жоз ҳам чалғимади, реклама тўғри-
сидаги қўнун талаблари ҳам бузил-
мади.

Юқорида тилга олганимиздек,
мазкур компания бугун анча тажри-
бага эга. Шу ўринда савол турги-
лади: «Ўздуробита» юқоридаги
каби воситачи бўлимларни қўлай-
тирганидан қўра, компания томони-
дан белгиланган нархда хизмат
кўрсатувчи бўлимларни ҳеч бўлма-
ганда шаҳарнинг гавжум жойла-
рида ташкил этишнинг наҳот ило-
жи бўлмасми? Ахир бундай «воси-
тачи»лар ўз фаолияти билан компа-
ния мавқеига ҳам доғ тушира-
пти-ку. Қолаверса, пойтахтдаги
барча мижозларнинг ҳам компа-
ниянинг расмий офисига боришга
имкони йўқ.

Компания офиси жойлашган бино
олдига чиқдик. Тонг урса талқон қил-
гудек йилгиллар «пешвоз чиқиб», «Биз-
га кириңг, истаган яхши номерни
танлашингиз мумкин, 100 билан бо-
шланадигани ҳам бор» деган тақлифни
беришарди. «Уш, яхши номернинг
барҳиқандай бўлади?» деган саволини
берганимизда, «Устига икки ярим миң
сўмдан берсангиз келишардик» де-
ган жавоб олди. Узингизни гўё бо-
зорга кириб қолгандек ҳис этасиз.
Уларнинг ноқонуний воситачи экан-
лигига шубҳа қилмай, яхсиси офис-
да уланган маълум деган фикр билан
ичкаригимиз йўналдик.
Навбатда туриб, компанияга аъзо

Шухрат ИСОҚОВ:

— 16 январ куни йўлим тушгани
учун телефонимнинг пулини тўлаш
мақсадида У.Юсупов кўчасидаги офис-
га кирдим. Касса олди навбат кутаёт-
ган мижозлар билан тўла. Сиз пул
тўлашингиздан аввал абонент бўли-
мига кириб ҳисоб олиб, кейин касса-
га пул тўлашингиз лозим экан. Йи-
гирма дақиқача туриб, икки томонда
ҳам навбат қўлиги учун пул тўломай
қайтдим. Ахир шунинг кассаларни қўлай-
тириш ҳисобига бевосита компютер
орқали пул тўлайдиган қилиб қўйса
бўлмайдими? Мижозларнинг вақти-
ни ҳам ҳисобга олиш керак.

Мурод БОЛТАЕВ:

— «Ўздуробита» мижозиман, го-
ҳида тармоқда бўлиб турадиган алоқа
носозлигини ҳисобга олмаса, умум-

байрамлар муносабати билан улар-
нинг ҳисобига маълум миқдорда пул
кирилади. Совгалар улашиб, узоқ вақт-
дан буён компания мижозлари бўлган-
ларга конкурслар орқали ҳатто яна
бир текин «sim-карта» (янги номер)
беришар экан. Майли, бизга ҳеч қан-
дай имтиёз беришмасин, жуда бўлма-
ганда компания ўзининг доимий ми-
жозларига ён босиб, уларни ҳисоб-
рақамидида пулини тўлиқ гаплашиб
бўлгунга қадар тармоқдан узини йўла-
рини ишламасин! Бунинг бошқа компа-
ниялар ҳам тақлиф этиши керак.

Шонра ХУҲАЕВА:

— Яқинда «Ўздуробита» томони-
дан реклама қилинаётган «МТС ком-
пания» хизмат турига уланиш учун
Амир Темури кўчасида жойлашган бош
офисга кирдим. Уерда уланиб бўлма-
слигини айтишди. Шундай ўтиб, «Олой»
бозорикаришидаги воситачи бўли-
га кирдим. Хизмат кўрсатувчи қизча
унга уланиш 15 миң сўм эканлигини
айтди. «Улансам, тўлаган шунча пул-
лим ҳисобимга тушадими?» деб сўра-
сам, «Йўқ, фақат 10 миң сўми туша-
ди» деди. «Ўзимизнинг дилерлик ба-
ҳомиз бор-да деб, ҳозир Тошкентда-
ги барча воситачилик бўлимларида
нарх деярли шундай эканлигини
қўшимча қилди. Демак, битта мижоз
учун қўшимча 5 миң сўмдан ошшиқроқ
пул олишарди. Реклама бошқа, амал-
да бошқа экан. Ҳозирча улангандан,
у ерга бориб уланишга вақт тополма-
йман.

Қоракалпоғистонлик муҳбирими-
нинг хабар қилишича, компаниянинг
Эликкальва тумани филиалида «МТС
компания» хизмат турига уланиш 13
миң сўм экан. Номинал қўймадиган
«Ўздуробита» экспресс тўлов карто-
чаларининг ҳар бирини 10 фоизли
устамна нарх билан сотишарди. Кези
келганда айтиш керакки, экспресс кар-
точкалар ҳам айримлар учун қўшимча
даромад манбаига айланади. Мамла-
катиимизнинг олис худудини қўра туринг,
Тошкентдаги баъзи дорихоналардан
тортиб, озиқ-овқат дўконларига айти-
шундай карточкаларнинг устига қўшим-
ча нарх қўйиб сотишарди. Компания
бу борада ҳам икки назорат ўрнатиб,
тўлов карточкаларини матбуот дўкон-
лари орқали ўз нарҳида сотишни таш-
кил этса яхши бўларди.

Мақоламиз якунида бир тақлифни
ўртага ташламоқчимиз. Алоқа бора-
сидида жалқор тажрибадан маълумки,
рақобат мўҳити шаклланган жой-
да нарх пасайиши давом этиб, ми-
жозлар учун фойдали хизмат турлари
тақлиф этилади. Бир қатор мамла-
катларда уяли алоқа компаниялари
томонидан абонентга кириш қўнғи-
роқлари текин қилиб қўйилган. Ҳатто
бу борада махсус қўнун ҳам қабул
қилинган. Россиядавалт думаси қабул
қилган қарорга мувофиқ эса, жорий
йилдан бошлаб мамлакатдаги мобил
алоқа компаниялари абонентга кири-
ш қўнғироқларини бепул қилаёпти.
Албатта, мазкур жараёнга эрта ми-
кеч биз ҳам етиб келаемиз. Қани энди,
юқорида тилга олганимиздек «Ўздур-
обита» сингари лирик компания шу
жараёнинг махсус қўнун асосида
тартибга солинишини кўтмасдан, би-
ринчи бўлиб барча абонентларнинг
кириш қўнғироқларини бепул қилиш
ҳақида бош қўтирсак! Бу ўз навбатида
мижозлар сонининг кескин ортишига
хизмат қилиб, компанияга ҳам катта-
гина даромад келтирарди. Бундан
икки томон ҳам бирдек манфаат кўра-
ди. Сиз нима дейсиз, азиз газетчи?

Соглашение
к Контракту на оказание услуг сотовой связи N G2000090288/1 от 07.01.2006

Номер телефона 99897

Информация о физическом лице			
ФИО	Дата рождения		
Адрес	Адрес проживания		
Гражданство	<input checked="" type="checkbox"/> не резидент <input type="checkbox"/> резидент	Телефон	
Паспорт	Паспорт: С/П - 0430886, выдан ТОШКЕНТ ШАХАР МАРНОУЛТУБЕК ТУСАПТИ ТИМ 23.06.1996		
Место работы	Место работы: УЗБЕКИСТАН, Ташкент, Мирзо-Узбек-Тусап-Тим	Должность	
Налик банк	Р/С	МФО	П/И/Н
Информация о юридическом лице			
Наименование			
Адрес			
Тип компании	<input type="checkbox"/> резидент <input type="checkbox"/> не резидент	Телефон	Ф/И/О контактного лица
ФИО Генерального директора			
Налик банк	Р/С	МФО	П/И/Н

Дополнительные услуги

<input checked="" type="checkbox"/> доступ к МГ	<input checked="" type="checkbox"/> определение номера (оплата при использовании)	<input type="checkbox"/> телефонный код
<input type="checkbox"/> доступ к МН	<input type="checkbox"/> голосовая почта "голосовой ящик"	<input type="checkbox"/> международный роуминг (оплата при использовании)
<input checked="" type="checkbox"/> экранирование	<input type="checkbox"/> уведомление о приеме "голосовой почты"	<input checked="" type="checkbox"/> услуга-уведомление SMS
<input type="checkbox"/> переводная услуга (код, звонок)	<input type="checkbox"/> перевод на определение номера	<input type="checkbox"/> переводная услуга
<input checked="" type="checkbox"/> конференция-звонок	<input type="checkbox"/> доставка почты	<input type="checkbox"/> международная СМС
<input checked="" type="checkbox"/> управление номером	<input type="checkbox"/> персональный кабинет	<input type="checkbox"/> услуга-уведомление SMS

Установить два обслуживания: МТС Компания

Информацию по счетам в карточках дискового счета выдать 04-07 числа каждого месяца.

Отправить по почте, факсу, нарочным или с курьером

Подпись ответственного лица _____ Подпись Абонента _____

Курьер: Шавкат Ш.

лотларни олиб ташлаб, қўйида ну-
сасини чоп этишга қарор қилдик.

Энди шахсий фикларимизни би-
роз тўхатиб, бошқаларнинг ҳам сўзла-
рига қўлоқ тутайлик.

ШОКР ИКРОМОВ:

— Мен бир нарсга хайронман, бу
нафақат «Ўздуробита», балки бошқа
уяли алоқа компанияларига ҳам хос
хизмат. Мамлакатимизнинг миллий
валютаси сўм саналади. Аммо, компа-
ниялар хизмат ҳақини доллар курси
бўйича ҳисоб-китоб қиладилар. Бумил-
лик валютамизга нисбатан ишонч-
сизлик эмасми? Бундай усул мижоз-
лар билан ҳисоблашишга қатор ту-
шунмовчиликларни келтириб чиқар-
моқда. Чунки доллар курси ўзгарувчан.

ман сифат яхши. Фақат бир масала
мени ўйлантиради. Уйингиздаги те-
лефон абоненти пулини бир ойга
тўлаб, ундан ҳам сал ошшиқроқ гапла-
шасиз-у, нима учун компания ҳис-
обингизда 3-4 доллар маблаг мавжуд
бўлса ҳам телефонингизни ўчириб
қўяди. Шартномани ҳам манфаатли
қилиб тузиш керак. Ишонч икки то-
монлама бўлиши зарур, нега биз-
нинг пулимиз компания ҳисобида
қолади-ю, компаниянинг пули биз-
нинг ҳисобимизда қолмаслиги ке-
рак? Бу билан истеъмолчиларнинг
ҳуқуқи поймол этилмайптими? Эшит-
ганман, Россиянинг нуфузли мобил
компанияларининг доимий мижозлари-
га қўлайлик яратиш мақсадида, катта

Мақола таъёрлаш жараёнида
«Ўздуробита» компаниясининг
юристи билан боғланиб, шартно-
маларни беришдаги муаммолар
хусусида сўзлашган эдик. Мақола
сахифаланаётган пайтда, аниқ-
роғи 20 январ куни компания
томонидан бизга қўнғироқ
қилишиб, шартнома қилиб
кетганлигини маълум қилишди.
Сўнг факс орқали шартнома
нусхасини узатишди. Шу ишни
ўтган ўн кундан ошшқ вақт ичида
амалга оширса бўлмасмиди
деган саволимизга, «аксарият
мижозлар шартномани ташлаб
кетмишни, бизни эса эслаш
олмаслигини» айтишди.

Кейинги пайтларда олди-қочди мавзусида ёзилган мақолаларни кўчириб, газетадан газета «яшаш» одат тусига кириб бормоқда.

— *Светлана она, 2005 йил Республика Бош прокуратураси учун катта синов йили бўлди. Чунки Андижон воқеаларининг терговчи, хорижий журналистлар билан кечган мулоқотлар. Ва...?*

— Андижон воқеалари халқимиз тарихида қора кун сифатида қолди. Чунки бегуноҳ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Халқимизга охиёнат қилган кимсалар одил суд олданда жавоб беришди. Ачинарлиси, бевақт вафот этганларни ҳаётга қайтаришнинг илоҳи йўқи. Прокуратура катта синовдан ўтди. Терговчиларимиз МХХ, ИИВ ходимлари билан кунни тунга улаб ишлашди. Энг асосийси, айбдорлар топилиб, жазосини олди. Андижон воқеалари ҳар бир юртдошимиз учун сабоқ бўлди. Воқеа содир бўлган куннинг эртасигаёқ, дунёнинг турли бурчларидан журналистлар фожеа сабабларини сўраб, бўлимибизга қўнғирок қила бошлашди. «Би-би-си», «Америка овози», «Озодлик», «Немис тўлиқни», «Вести» мухбирлари ҳар соатда биздан аниқ хабар олишга ҳаракат қилди. Қўнғирокнинг ёдида бўлса, Андижон воқеалари юз бергандан сўнг 17 май кунни юртдошимиз Ислам Каримов Бош прокуратурада маҳаллий ва хорижий журналистлар учун берган интервьюсида воқеага адолатли баҳо берди.

Андижонга келиб воқеани ҳолис ўрганаман дейдиган журналистлар учун Президентимиз томонидан катта имконият яратиб берилди. Ана шундан сўнг Лондон университети профессори Ширин Акинернинг «Ахборот плюс» дастурига берган интервьюси ноҳолис журналистлар учун зарба бўлди.

— *Хорижий журналистларнинг Андижон воқеаларига бўлган қизиқшарли ҳали ҳам давом этаётганими?*

— Ҳа. Андижонда очилган норасмий «Апелляция» ташиқлотига ўзидан бошқа ҳеч ким «иш кўрмайдиган» С.Зайлобиддиновни журналистларимиз яқин библиша керак. У акромийлик оқишмакташчилари устидан бўлган судда расман ҳимоячи сифатида қатнашмас-да, интернетда чиқарган мақолалари, хорижий мухбирларга берган интервьюларида акромийлик оқиши аслида йўқ, улар нотўғри жавобгарликка тортиляпти дея жар солганди. Бўхтондан иборат ахборот тарқатгани учун унга нисбатан жиноят иши очилган эди. Ҳозиргина менга Лондондан қўнғирок қилишиб, «Инсонпарвар С.Зайлобиддиновнинг тақдирини маълум бўлди?» — дея сўрашди. Мен ана шу журналиста: «С.Зайлобиддинов устидан тергов ишлари тугатилган. Сўнгги хабарни Ўзбекистон Олий суди матбуот хизматида олмасиз», — дедим. Эрталаб «Озодлик»дан қўнғирок қилишиб, Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган, ўзини «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деб атавчи Эгамназар Шаймановни безорилар калтаклаганини айтишди ва ана шу жиноятчиларга қандай «ора қўрилаётганлигини сўрашди. Мен журналистга бир соатдан сўнг қўнғирок қилса, саволига жавоб олишини айтдим.

Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Холмурод Қурбонов билан боғлиби, воқеа ҳақида сўрадим. Ҳақиқатан ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб ҳамма ташиқлотларга бош суқиб юрвчи шахс калтакланган. Чунки у йигирма ёшли қизни йўлдан уриб, иккинчи хотин қилиб олган, маҳалла йигитлари эса «инсонпарвар»ни тартибга келтириш учун калтаклаган экан. Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорига асосан безорилар жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Журналиста оқоридаги жавобни берганимдан сўнг индамай кўя қолди.

Ҳар кунни ўнлаб хорижий журналистларнинг шу тарздаги саволларига жавоб беришга тўғри келади.

— *Сиз бевосита ОАВ билан ҳамкорлик қиласиз. Бироқ баъзи фуқаролар газеталаримизда дадиллик этишмайди дея эътироз билдиришади. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?*

— Бу фикрларга унчалик қўшилмайман. Лекин муаммоларни ёритишда айрим нашрларимизнинг майда-чўйда мавзулар билан ўралашиб

шу моддасида: «ОАВ эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир», — дейилган. Қўлига қалам тутган журналист бунга унутмаслиги керак. Эркинлик бор жойда масъулият ҳам бўлиши шарт. Бироқ, айрим журналистларимиз масъулиятни унутиб қўйишмоқда. Бунга «Advokat press»

Бироқ ҳамма мақолалар ҳақида ҳам ижобий фикр айтиш қийин.

Масалан, «Савдогар» газетасининг 2005 йил 12 август сониди Я. Сариев, С.Аъзамовларнинг «Чегарадан ўтмаган «Тико» қандай қилиб жиноят қуролига айланди?» мақоласини олайлик. Унда фуқаро А.Ризаевнинг жиноят қуроли сифатида фойдаланган «Тико»си ноқонуний мусо-

оид бир қанча қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Биз Қонунчилик палатасидаги йиғилишда ўз фикримизни айтдик. 2006 йилда ҳам парламент палаталари билан ҳамкорликни давом эттиришни режалаштирганмиз.

— *Қонунчилик тарғиботи бўлимининг 2005 йилги фаолияти сизни қониқтирадими?*

— Ютуқларимиз ўзимизники, камчилиқларимиз ҳам етарли деб ўйлайман. Айтган йил биз учун, юқориде айтганимдай, катта синов йили бўлди. Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2005 йилда 40 дан ортқ қонун, қонунности ҳужжатларига тегишли таклиф ва фикрлар билдирилган.

Олий Мажлисга, амалдаги кодексларга ҳамда айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар билан чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан ушбу таклифлар қўллаб-қувватланди.

Хусусан, 2005 йилда республика прокуратура органлари томонидан қонунчилик тарғиботига оид 127.452 та тadbир ўтказилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига қараганда 8711 тага кўпайган. Шу билан бирга, 2005 йилда ОАВда прокурор-тергов ходимларининг тарғибот характеридаги чиқишлари 28.750 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакат прокуратура органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига асосан прокуратура органларининг ёрдами билан республикадаги барча коллеж, лицей ва мактабларда Конституцияни ўрганишни хоналари ташкил этилиб, турли ҳуқуқий мавзуларда урчушулар, беллашулар ўтказиб келинмоқда. Қарор ва фармонлар ижроси юзасидан ҳуқуқий муҳофаза этувчи органлар ҳамкорлигида тadbирлар режаси тузилиб, аҳоли ўрталарида, айниқса маҳалла ва бозорларда, тadbиркорлар ўртасида 98.800 дан ортқ тарғибот тadbирлари ўтказилган. Ўзим пойтахтимиздаги ўндан ортқ олий ўқув юртларида талабалар билан юзма-юз урчушуларда қатнашдим. Бу борадаги ишларимизда ҳам муаммолар бор. Айрим қуйи прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи бўйича кўрсаткичлари камайганлиги кўзга ташланади.

Тахлиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ОАВда прокуратура органлари ходимларининг чиқишлари Қоракалпоғистонда, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида камайган, радио ва телевидение орқали чиқишлар Қоракалпоғистонда, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қониқарсиз.

Тўғриси айтиш керак, йил бўйи бирон марта ОАВда чиқиш қилмаган туман прокурорлари ҳам йўқ эмас. 2006 йилда прокурор-тергов ходимларининг ОАВдаги чиқишларига алоҳида эътибор қаратишимиз. Чунки халқ прокурорларимизнинг фаолияти билан яхшироқ танишим.

«Huquq» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
суҳбатлашди

Тинмай тақиллатилган эшик...



Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Светлана Ортиқова билан суҳбат

газетасида айрим мақолалар мисол бўла олади. Газетанинг 2005 йил 25 февралдаги 7-сониди чоп этилган «Хуррам Йўлдошевнинг сохта қарори» мақоласида Сурхондарё вилояти ҳоқими А.Эшқуватовга оқиқ хат ёзилган (муаллиф Қ.Тўраев). Лекин кишини уйга толдирадиган нарса шуки, мақолада тилга олинган ер билан боғлиқ муаммони ҳўжалиқнинг ўзида ёки туманда ҳам ҳал қилса бўлади. Образли қилиб айтадиган бўлсак, масалан, сиз минган троллейбуснинг «шохи» чиқиб кетса, бунинг учун шаҳар ҳокимини айблаш инсофдан эмас. Менинг назаримда журналист ёзаётган мавзусини ҳўжур ўрганиши лозим, шундагина кўзаланган максдага эришилади.

Ҳақиқий ижодкор тирноқ ичидан кир қидирмайди. Воқеани ҳолис, далиллар асосида ёритади. Кейинги пайтларда олди-қочди мавзусида ёзилган мақолаларни кўчириб, газетадан газета «яшаш» одат тусига кириб бормоқда. Шундай ижодкорлар нафақат ўз меҳнатини, балки ҳамкасбларининг ҳам меҳнатини ҳўрмаз қилиши керак. Бу фикрларим кўпроқ «сарик» матбуотга тааллуқли. Менимча, ана шу газеталарнинг фаолияти мутахассислар томонидан таҳлил қилиб борилса, максдага мувофиқ бўлар эди.

— *Баъзан ОАВда ҳўжўқи муҳофаза қилувчи оравларнинг фаолияти ҳақида тақидий мақолалар чоп этилгач, уларга дадиллик ўрнини қилиш учун Республика Бош прокуратурасига юборилади. Ана шундай мақолалар ҳақида фикрингиз?*

— Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда ҳўжўқи муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига доир танқидий фикрлар газеталарда чоп этилмоқда. Улар орасида асосли, тасдиғини топган мақолалар ҳам анчагина.

дарақилинган ҳақида сўз боради.

Суд ҳўқми ва жиноят иши материалларига кўра, А.Ризаев қўшниси С.Фиёсовнинг таклифи билан унга тегишли бўлган қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти Қорасувдаги бозоридан сотиб олинган хорижда ишлаб чиқарилган 19 рулон 1.643.942 сўмлик матоларни «Тико» автомашинасида Наманган шаҳрига олиб кетаётганда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхтатилиб, товарлари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Ушбу иш юзасидан қўзғатилган жиноят иши судда кўрилиб, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар, «Тико» автомашинасини кўздан кечириш, олиб қўйиш ва сақлашга топшириш ҳақидаги баённома, шунингдек, жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар билан тўла ўз исботини топган. А.Ризаев содир этган жиноий ҳаракатлар тергов ва суд томонидан ЖКнинг 182-моддаси, 2-қисми «а» банди билан тўғри малакаланиб, қонуний жазо тайинланган.

Демокчиманки, фактларни тўлиқ ўрганмай, хизмат ҳолатида ўтириб ёзилган мақолалар ҳеч қачон тахририятга обрў келтирмайди.

— *Мамлакатимизда суд-ҳўжўқи ислохотларининг ОАВда ёритилиши таҳлил қилиб борсаларингиз керак. Бу борада нима дея олмасиз?*

— 100.000 нухсадан кўпроқ миқдорда чоп этилаётган прокуратура нашрларида суд-ҳўжўқи ислохотларининг ёритилиши ҳақида илқ гапларни айтиш мумкин. ОАВ имкониятларидан фойдаланиб, қабул қилинаётган қонунларга прокуратура ходимлари фикрларини билдиришмоқда. Мустақиллик йилларида қабул қилинган 400 га яқин қонун, 15 та кодексга фикримизни билдирдик. Баъзи қонун лойиҳалари юзасидан матбуотда мақолалар ҳам чоп этилди. Яқинда ОАВга

Шифо ато этиш бахти

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ, «Huquq» мухбири



«Пациентларнинг ўртача ҳарорати» деган иборани эшитганмисиз? Ярим ҳазил тарзида айтилган бу жумла вазиятни ўта умумлаштирувчилар ҳақида айтилган. Ўртача маъно, ўртача центнер деб гапирганимизда фактларни аниқроқ баён этишга уринамиз. Бу фактлар ижобий томонга ўзгаришини кўтиб яшаймиз. Рақамлар эса қайсар бўлади. Улар ҳар доим ҳам биз истаган натижани ифода этавермайди. Интилишларимиз, захматларимиз эвазигагина уларни изминизга бўйсундиришимиз мумкин. Яқинда бир гуруҳ халқаро экспертлар интернет орқали тарқатган маълумотларда давлатимиз миқёсида амалга оширилган кенг қамровли ишлар сармоясига гувоҳ бўлдим. Утган йили Ўзбекистонда ўртача умр кўриш даражаси ошган, болалар ўлими эса кескин қамайган. Парранда гриппи, Сибир қўйдиригиси каби глобал эпидемияларнинг олди олинб, вирусли гепатит, грипп каби эпидемиологик касалликларнинг авж олишига йўл қўйилмаган. Энг муҳими, аҳолининг тиббий маданияти сезиларли даражада ўсишига эришилган. Тан олиш керак, аҳолининг тиббий маданияти — бarchа ривожланаётган давлатлар учун оғирлиқ масала. Уни юксалтириш қатта маблағ, коллек тадбирларни тақозо этади. Ўзбекистонда эса бу соҳада иборат сифатида кўрсатиш мумкин бўлган ишлар бисёр. Тез тиббий ёрдам марказларининг ташкил этилиши, хусусий клиникаларнинг пайдо бўлиши, фармацевтика саноатининг ривож топиши, кишлоқларда врачлик пунктларининг пайдо бўлиши шулар жумласидан. Айниқса шифокор кадрларининг захирасини яратиб йўлида қатта қадамлар қўйилмоқда. Янгиер шаҳридаги тиббиёт коллежига йўл олар эканмиз, ҳаёлимиздан мана шу фикрлар ўтди.

Бахти

Ҳар соҳада намуна

Ўқитувчилар Собир Маҳмудов ва Шахло Жабборовалар ҳамроҳлигида коллеж билан таниша бошладик. Замонавий тарзда безатилган узун залдан ўтиб, миллий гиламлар тўшалган катта бир хонага кирдик. — Миллий асори-атикаларга бағишланган бу музей — бизнинг фахримиз. Уни талабалар, ўқитувчилар билан ҳамкорликда ташкил этганмиз. Чунки тиббиёт ходими бой маънавиятга эга бўлмоғи керак. У нафақат тан муолажаси, балки кўнглини кўтариш орқали ҳам одамларни дарддан фориг этиши зарур, — дейди Шахло опа бизни у ерга бошлаб турар экан. Нарсалар билан танишган одам унча-мунча тарих музейлариникидан қолишмайдиган экспонатлар йиғилганига, дид билан жойлаштирилганига ишон ҳосил қилади. Қадимий тангаларни топиб келтирилган ҳафсаласига тан бермай илож йўқ. Уч-тўртта эски кўлэма, ўймакор сандиқлар, лавҳалар миллий маданиятимизнинг илдизи нақадар чуқур эканлигидан далolat бериб турибди.

Каттагина спорт зали талабалар билан гавжум. Тренажёрларда шугулланаётган ёшларга ҳавасимиз келди. Волейбол, баскетбол, теннис, гимнастика билан шугулланиш учун ҳамма шарoит мавжуд.

Биология кабинетига киримиз. Хонанинг оппоқлиги ҳайратланарли. Пол ҳам, шифт ҳам, стол-стуллар ҳам оқ рангда. Парталар махсус жиҳозланган бўлиб, иссиқ ва совуқ сув қувури ҳар бир партага тортиб келинган. Маълум бўлишича, у химиявий ва биологик реакциялар ўтказиш учун зарур экан. Штатив, қолба, пробирка ва микроскоплар ташқаридан келган одамнинг қизиқишини оширади. Орқа тарафдаги кўргазмали курулларда одамнинг ички аъзолари ҳақидаги маълумотлар мўжасман. Махсус идишларда эса турли биологик мавжудотлар сақланар экан.



Оила ҳамшираси бўлиш орзусида

Коллежнинг шаҳар четида бунёд этилган ҳашаматли биноси ўтаётган ҳар бир инсоннинг эътиборини тортади. Бино олдида янги экилган ниҳоллар саф тортиб турибди. Ойнаваанд эшикдан киришимиз билан кўзимиз қамашди. Мармар қолганган гуллар қандиллар шуъласида чарақлаб кетган. Махсус тувалкарга экилган экзотик гуллар ташқаридаги киши нафасини ҳаёлимиздан чиқариб юборди. Опоқ халат кийиб олган сон-саноксиз қизлар лабиринтсимон турли коридорлардан чиқиб келиб, биринкетин ёнимиздан ўта бошлади.

— Ассалому-алайкум...

Кўнғироқдек жаранглаган бу овозга жавобан «ва алайкум» дейишга улгурмасидан ўтаётган қизларнинг салoми кўп марта такрорланди. Коллеж методисти Шахло Жабборова бизни қаршилади.

— Ҳуш келибсиз.

Опа директор қабулига бошлар экан, йўл-йўлакай бизни билим юртининг ҳаёти билан таништириб кетди. Биз кириб борганимизда директор Сурайё Нарзиқулова уч-тўрт ўқитувчи билан коллежда ўтказилиши мўлжалланаётган «Сиз қонуни биласизми?» конкурсини ташкиллаштиришнинг аҳолини мўхокама қилаётган экан. Коллежга эндигина бир йилдан бери раҳбарлик қилаётган Сурайё опани суҳбатга тордик.

— Барчамиз янги йилга кўнглимизда эзгу тилаклар билан қадам қўйдик. Шу тилаклар қатори ўзига ва яқинларига сиҳат-саломатликни тангридан сўрамаган зот бўлмаса керак. Нима учун? Жавоби аниқ. Дард нима эканлигини ўз танасидан ўтказиб кўрган киши борки, соғлиқ энг қатта бойлик эканлигини яхши билади. Уни сақлашда шифокорларнинг ўрни катта. Мамлакатимизда 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталишининг боиси ҳам шунда. Тиббиёт билим юртидаги малакали ҳамшира, доя ва стоматотехник кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганининг асосий сабаби халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг тиббий маданиятини кўтаришдан иборат эканлиги аниқ. Кенг, ёруғ, қўлай биноларнинг қурилиши, керакли воситаларнинг етказиб берилиши ҳам мана шу мақсадга хизмат қилади. Яна бир нарсадан хурсанд бўламани, ота-оналар, атрофдаги корхоналар жамоаси бизни доим қўллаб-қувватлаб келади. Мен «Гулизоир» фирмаси, Абдуназар Утанбоев, Ашраф Алимов каби ҳомийлар номини фахр билан айтиб ўтмоқчиман. Улар қисқа вақт ичида бир миллион сўмлик ёрдам кўрсатишди.

Коллежимизда 1300 нафар талаба таълим олади. Уларнинг 85 фоизи қизлар. Бу ерни ҳар йили қарийб 400 нафар ёшлар битириб чиқади.

— Кеңирасиз, ҳар йили шунча мутахассис битириб чиқар экан. Улар қаерга ишга жойлашмоқда?

— Саволингиз ўринли. Шунча кишига иш топиб беришининг албатта илоҳи йўқ. Коллежни битириб катта ҳаётга йўл олган ёшларнинг бирон-бир шифохонада мутахассислиги бўйича ишлаши нур устига нур. Лекин, менимча, ҳамшираларнинг ўзига ҳам қундалик турмушда биз берган билимлар асқотиши аниқ. Мен ҳар бир оилага ҳеч бўлмаганда ўрта-махсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассис хизмат кўрсатиши, оила аъзоларининг соғлигини доимий равишда назорат қилиб бориши зарур деган фикрни қўллаб-қувватлайман. Мен уларни ҳеч кўчмасдан аҳолининг тиббий маданиятини кўтаришга хизмат қиладиган ташвиқотчилар деб атайман. Улар ҳаёти давомида укаларига, сингилларига, фарзандларига ўз билимларини сингдиришади.

Соғлом турмуш учун соғлом фикр

Биз каттагина кутубхонага кириб бордик. Қўлимизга олган китобларнинг янги эканлиги бу соҳада ҳам таъминот яхши эканлигидан далolat эди. Коллежнинг ўзида кафедралар ташкил этилиб, илмий изланишлар олиб борила экан. Билим юртининг ўзида қўлланмалар чоп этиш йўлга қўйилганиги ўқувчиларга қўл келаётди. Ҳуш жараёларининг компютерлаштирилиши ҳам катта инициативларни тўхта этган. 2006 йилда тўлиқ интернетга улашиш ва массофавий таълимни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бир нечта талаба дарсда махсус саволларга жавоб бераётганлигига қўзимиз тушди. Уларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Хуршида Камолова:

— Мен бўлажак мутахассис сифатида тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида тест саволла-

рига жавоб ёзаяпман. Ҳар бир киши йилига камида бир марта тиббий кўриқдан ўтиши шарт. Чунки организмдаги физиологик жараёнларни махсус лаборатория, асбоб ва ускуналар орқали текшириб туриш кўп касалликларнинг олдини олиш имконини беради. Афсуски, кўпчилик бунга амал қилмайди. Касаллиқни даволашдан кўра олдини олиш осонлигини одамлар онгига қайта-қайта сингдиришимиз зарур.

Нодира Холмуродова:

— Мен шахсий гигиена ҳақидаги фикримни билдирмоқчиман. Атрофимизда минглаб касаллик келтириб чиқарувчи бактерия ва вируслар яшаб келади. Улар билан курашда тозаланишнинг аҳамияти беқиёс. Ахир биз йиғирма биринчи асрда яшаётимиз. Бу даврнинг фарзандларига озодаликдан танбех бериб ўтириш орқича бўлиши лозим.

Комила Исмоилова:

— Глобаллашув тўғрисидаги ҳавф солиб турган касалликлардан ҳар биримиз оғох бўлишимиз зарур. Чунки ОИТС сингари касалликлар носоғлом турмуш тарзидан орттирилади.

Дибра Расулова:

— Назаримда, одамларимизда шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш кўникмаси ҳали ҳам етарли эмас. Бунинг сабаби моддий қийинчилик, тиббий маданиятнинг етишмаслиги, эътиборсизлик деб айтишимизга асос бор. Ҳамшира сифатида шундай муаммоларга дуч келишимиз тайинлигидан афсусланаман.

Бу жўшқин фикрларга ҳеч нарсани қўша олмадик. Ортга қайтар эканмиз, саломатликни асраш борасида янги ўфларни забт этиш учун бу ерда яшигина замин яратилаётганлигига ишон ҳосил қилдик.

Faoliyatga nazar

Ижро масъулияти

Суднинг давлат номидан қабул қилинган ҳукми ёки қарорининг ижроси фуқароларнинг адолатга ва қонунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда 2002 йил 1 январдан амалга киритилган «Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун асосида суд қарорларининг ижросини таъминлаш йилдан-йилга яхшиланмоқда.

Анджон вилоят прокуратураси ва жойлардаги ҳудудий прокуратура органларининг бевосита суд ижрочилирига кўрсатган амалий ёрдамнинг натижасида 2005 йил давомида ижро ҳужжатлари бўйича ундирувлар даражаси орттиришга эришилди.

Хусусан, департаментнинг Анджон вилоят ҳудудий бўлими турман-шаҳар суд ижрочилари томонидан ўтган 2005 йилнинг ўзида мавжуд бўлган 57.446 та ижро ҳужжатларидан 47.131 таси ижро қилиниб, жами ундирилиши лозим бўлган 37 млрд. 72 млн. сўмдан 33 млрд. 102 млн. сўми ундирилган.

Шундан, Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Электр энергияси сотилиши ҳақида ундан фойдаланиши ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан ундирилган лозим бўлган 6 млрд. 528 млн. сўмдан 4 млрд. 600 млн. сўми ундирилган.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг «Давлат даромадидаги ўтказилган мол-мулк олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси юзасидан 387 млн. сўмлик мол-мулклар давлат даромадидаги ўтказилган.

Суд ва бошқа ваколатли органларнинг қарорларини сўзсиз ижросини таъминлашда вилоят ва турман-шаҳар прокуратураси органлари билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда.

Масала, Хўжаобод туманидаги «Хўжаободшаробасавдо» ихтисослаштирилган базаси раҳбари О.Мамадалиев ва бош ҳисобчиси Д.Каримовалар вилоят ҳўжалик судининг ижро варақасига асосан «Хўжаободшаробасавдо» акциядорлик жамиятининг тўлиқ ва бюлжетдан бўлган боқиманда қарздорлик ҳисобига хатланб олинган 380 млн. сўмлик спиртдан ичмалликларни тўловлар амалга оширилмасдан туриб савдо шаҳобчаларига бериб юбориб, давлатга зарар етказганлар.

Мазкур ҳолат юзасидан Хўжаобод туман прокуратураси томонидан база раҳбарлигига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов даврида етказилган 92 млн. сўмлик моддий зарар ундирилган ва суднинг ҳукми билан айбдорларга тегишли жазо берилган.

Биз ҳали ижро ишларини ташкил этишдан, эришилаётган натижалардан қониқиб ҳосил қилаётганимиз йўқ. Чунки, ўтган йил давомида келиб тушган ишларнинг 20 фоизининг ижроси таъминланмаган. Ҳар бир ижро ортида инсон ёки жамият манфаатлари ётади. Шундай экан уни охирига етказиш муқаддас вазифамиздир.

Е.ЖАЛОЛОВ,

Департаментнинг Анджон вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи

Имтиёздан фойдаланолмасам...

Мен 2000 йилда санитария фелдшери сифатида ёшга доир пенсияга чиқдим. Ҳозирги кунда 44.000 сўм миқдорда пенсия ва 4230 сўм компенсация пули оламан.

1999 йили 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган эдим. Мазкур орден низомига кўра, мен уй-жой, коммунал хизматлар ҳақидан озод қилиниб, дори-дармонлардан имтиёзли фойдаланишим керак. Лекин туманимиздаги мутасадди ташкилотлар юқоридagi имтиёзлардан фойдаланишимга рухсат бермаётти. Шу тўғрисида?

Сизлардан илтимос, бу имтиёзлар тўғрисида батафсил тушувча берсангиз. Чунки мен бу ордени олганимдан бери унинг имтиёздан умуман фойдаланганим йўқ.

А. АХМЕДОВ,
Шофиркон тумани

Ҳақиқатан ҳам «Соғлом авлод учун» орденининг 1993 йил 7 майдаги қонунга мувофиқ тасдиқланган низомида сиз тилга олган имтиёзлар белгиланган. Бирок, 1996 ва 2003 йиллари киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра мазкур имтиёзлар бекор қилинган. Хусусан, 1996 йилги ўзгаришга кўра, шахар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларда автомобил транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш ҳуқуқи, 2003 йил 30 августдаги ўзгаришларга кўра йилга бир марта (ҳар икки томонга) Ўзбекистон ҳудудида темирйўл, ҳаво ёки шахарлараро автомобил транспортида шахсан бепул юриш, имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш, шунингдек квартира ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод бўлиш каби имтиёзлар бекор қилинган.

Республика Президентининг 2003 йил 27 мартдаги фармони билан 2003 йилнинг 1 апрелидан уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича берилган имтиёзлар ўрнига айна пайтда сиз олаётган компенсация тўловлари жорий қилинган.

Бепул юриш ҳуқуқи

Мен захирадаги ҳарбий хизматчиман. Авваллари, яъни мен хизмат қилган даврда шахар жамоат транспортидан фойдаланганимизда бепул юриш имтиёздан фойдаланар эдик. Лекин кейинги пайтларда жамоат транспортда бир-икки марта ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчиларнинг транспортдан бепул фойдаланишлари хусусида тортишув бўлаётган ҳолатга дуч келдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Б. ДАВРОНОВ,
Тошкент шахри

«Шахар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ, бугунги кунда шахар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

— 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

— 1941 - 1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва урушнинг 1-гурӯх ноғиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

— 1941 - 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бепул ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

— Афғонистонда ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ жангчилар;

— ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, старшина, прапоршик, катта прапоршик, мичман ва катта мичманлар;

— Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

— кўзи ожиз ноғиронлар ва кўзи ожиз ноғиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар учун сақлаб қолинган.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб
берди.

Холис иштироқи

Битта жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларида холис сифатида қатнашган шахс ҳар қил кун, ойларида неча марта холис бўлиши мумкин?

О. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Касби тумани

Жиноят ишида холис сифатида иштирок этиш тартиби амалдаги Жиноят-процессуал кодексига белгиланган бўлса-да, битта шахс неча марта қатнашиши мумкинлиги хусусида бирон-бир чегара белгиланмаган. Бирок, қонун талаби бўйича ҳар қандай жиноят ишида холис бўлиб қатнашаётган шахс ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаслиги қатъий белгиланган. Шунингдек, холис ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда қатнашишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари, башарти холислар ички ишлар органи, Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлса, рад қилиниши лозим.

Шартнома қонунийми?

Мен Афғонистонда хизмат қилиб, ноғирон бўлганман. Лекин соғлигим кўтарганлиги учун айна пайтда автотранспортда йўловчи ташиш билан шуғулланаман. Яқинда бир фуқародан автотранспортни ижарага олиб, нотариал идора орқали Фуқаролик кодексининг 564 — 566-моддалари талаби бўйича шартнома туздирган эдим. Мазкур ҳужжат билан Тошкент шахрига бортанимда йўл-патрул хизмати ходимлари мени тўхтатиб, «бу шартномам ўтмайди, бекор қилинган» деб асабузарчиликни келтириб чиқарди. Еки давлат нотариал идораси ходими қонуни билмайдими? Буни қандай тушуниш мумкин?

Х. ХАЙДАРОВ,
Бувайда тумани

Фуқаролик кодексининг автотранспорт воситасини ижарага бериш тартибини белгилловчи 564 — 566-моддалари бекор қилингани йўқ. Агар сиз билан тузилган бундай ижара шартномаси ФКнинг ушбу моддалари талабларига тўла мос келса, йўл-патрул хизмати ходими бу хусусда эътироз билдиришга ҳақли эмас. Шунинг учун келгусида бундай ҳолат рўй берган тақдирда, шартнома қандай асоға кўра қонунга мувофиқ эмаслигини тушунтиришни талаб қилишингиз лозим.

Солиқ миқдори даромадга боғлиқ

Мен «Олмос» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида таъминот бўйича агент вазифасида ишлайман. Ойлик маошларим ўз вақтида олиб турибми. Лекин маошимиз бир хил бўлса-да, ҳар сафар турлича оламиз. Корхонамиз ҳисобчисидан сўрасак, даромад солиғи ўзгарувчан бўлади деб жавоб берди. Агар илжо бўлса, даромад солиғи бугунги кунда неча фоиз ундирилиши тўғрисида маълумот берсангиз.

Т. КАЛАНДАРОВА,
Тошкент шахри Собир Раҳимов тумани

Даромад солиғининг миқдори олинаётган даромад миқдорига боғлиқ бўлади. Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ, бугунги кунда Ўзбекистонда даромад солиғининг минимал миқдори 13 фоиз, максимал миқдори 29 фоиз қилиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жисмоний шахснинг иш ҳақи, мукофот пули ва бошқа даромадлари суммасини инобатга олганда энг кам иш ҳақининг беш баравари

миқдоригача бўлган суммадан 13 фоиз, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган сумманинг 20 фоизи, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 29 фоиз миқдоридан ўндирилади. Лекин шунинг унутмаслик кераки, Солиқ кодексининг 55-моддасига кўра, солиқ солиш учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи яқун тарзида бир ҳисобланади.

Вақтинча фойдаланувчи меросхўр

Менинг отам отасидан қолган ҳовлида уй-жойни ўз номига мерос мулки сифатида ўтказмасдан туриб вафот этган. Отамдан кейин онам ҳам мазкур турар-жойни ўз номига мерос қилиб ўтказиб олмаган. Ҳовли-жойлар отамдан кейин онамнинг номига расмийлаштириб берилмаган, уй планида эса «вақтинча фойдаланувчи» деб ёзилган, бундай вазиятда онам икки ўғлидан бирига ушбу турар-жойни васият қилиши мумкинми?

Ота вафотидан кейин ўғиллардан бири ота уйида яшаб, ўз маблағи эвазига янги иморат қурган бўлса, ушбу уйни уни қуришда умуман қатнашмаган иккинчи ўғлига она васият қилиши мумкинми?

Васиятнома нотариус орқали расмийлаштирилиши шартми?

Х. ВАЛИЕВА,
Зангиота тумани

Отангиз отасидан қолган уйда яшаб келган бўлиши унинг мазкур мулкка меросхўр эканлигидан далолат берайди. Чунки мерос мулки амалдаги ФК талаби бўйича ё васият қилиниши ёки қонун бўйича мерос мулки сифатида ўтши лозим. Меросга эса ФКнинг 1113-моддаси талаби бўйича у очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар қиради. Мазкур вазиятда турар-жой васият қилинмаган ва қонун бўйича мерос бўлиб ўтмаган. Бошқача қилиб айтганда, мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулклар аниқлаштириб олинмаган. Бунинг учун аввал мерос мулки жойлашган ҳудуддаги нотариал идорага мурожаат этиб, қонун бўйича ушбу мулкка эгалик қилишга ҳақли бўлган шахслар доирасини аниқлаб олиш

лозим. Марҳум отангиздан ўзга меросхўр йўқлиги аниқланган тақдирдагина турар-жойга отангиз меросхўр бўлиши лозим. Бундай меросхўрлар жумласига отангиз билан бир қаторда фарзандлар ҳам қиради. Шунинг учун меросхўри белгиланмаган, отангизга ҳам васият қилинмаган ва қонун бўйича мерос бўлиб ўтмаган турар-жой нафақат фарзандлардан бирига, балки ҳеч кимга васият қилиниши мумкин эмас. Шу билан бирга, ўғиллардан бирининг маблағи эвазига қурилган мулкни тақсимлаш ҳам бевосита ушбу мол-мулк эгасининг ихтиёри билангина амалга оширилиши мумкин.

Васиятнома ёзма равишда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши шарт. Лекин ФКнинг 1126-моддасида назарда тутилган васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.



Фуқароликни олиш учун неча йил керак?

Мен 1993 йили Россия фуқаролигига ўтиб, ушбу мамлакатнинг Самара вилоятига ишга кетдим. Лекин ҳеч қандай иш тополмаганим учун яна Ўзбекистонга қайтиб келдим. 1999 йили Россия фуқаролигидан чиқиб, фуқаролиғи йўқ шахслар учун бериладиган ҳужжат олдим. 2005 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон фуқаролигини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғиб Чирчиқ шахар ИИБга топширдим. ИИБ ходимлари фуқароликни олишга бир ярим-икки йилча вақт кетади дейишди. Аслида менинг Ўзбекистонда 35 йиллик меҳнат стажим бор. Шунинг учун фуқаролик ҳужжатини олти ой ичда олишим мумкинми?

Т. САЛИМОВ, Чирчиқ шахри

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиғи тўғрисида»-ги Қонуннинг 40-моддасида фуқаролик масалаларига оид ариза ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги белгиланган. Лекин бунинг аниқ вақти хусусида бир нима дейиш қийин. Чунки фуқароликка оид аризангиз зарур ҳужжатлар билан бирга яшаш жойингиздаги ИИБ томонидан қабул қилиб олинган, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўлланади.

Сизнинг ш у ерда тутилганлигингиз ва ота-отангиз Ўзбекистон фуқарола-

ри бўлиб, шу ҳудудда истиқомат қилиб келаётганликлари ҳамда сиз учун қонуний тирикчилик манбаининг мавжудлиги бу масаланинг мумкин қадар тезроқ ҳал бўлишига ижобий таъсир этиши мумкин. Чунки фуқаролик масалаларига оид ариза ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда гувоҳларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилган кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди.

Қишлоқ хўжалиги:



ислоҳотлар, ютуқлар, муаммолар

— Эшдавлат Турсунович, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади. Шу ўринда пахта халқимиз бойлиги, галла эса ризқ-рўзи эканлигини эслатиб ўтиш кифоя деб ўйлайман.

Республикамиз аҳолисининг аксарияти қишлоқларда яшайди ва деҳқончилик билан кун кечиради. Шундай экан, уларнинг даромади ва турмуш даражаси ҳам шунга яраша бўлиши керак-да.

— Қўридагилардан кўрииб туриб-

фермер хўжалигига айлантирилиб, уларга 280.396 гектар ер ажратилди. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 29,3 гектар ер тўғри келади. 2005 йилда эса 34 та ширкатнинг 114.817 гектар ери 2549 та фермер хўжалигига ижарага берилган. Шу тарихда ўтган йилнинг октябр ойига келиб, вилоятдаги фермерлар сони 18.603 тага етди.

— Қўрилган чоралар қандай самара берди?

— Ўтган йили давлатга 347.076 тонна галла топширилиб, шартнома 103,7 фоизга бажарилди. Бунинг эвазига 20 млрд. сўм соф даромад олиш кутилмоқда.
474.745 тонна пахта хом-ашёси

Пахтачилик бўйича 366 та фермер хўжалигига нисбатан ерни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарни ундириш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритилган. Шартномани бажармаган 9 та ширкат ва 3 та бошқа корхоналардан ҳам зарарни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2006 йил ҳосили учун кузги галлани экиш ва парвартиш ҳамда пахтамайдонларини шудгорлаш бўйича текширувлар ўтказилаётир. Ушбу агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминламаган Нишон, Миришкор ва Қамаш тумани ҳокимлари О.Тўхтамишев, Ҳ.Соатов

ТЕНДЕРДАГИ

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётти. Неча йиллардан буён илк бор вилоятимизда давлатга дон ва пахта етказиш бўйича шартномавий режалар адо этилди. Ялли ҳосилда айниқса, фермер хўжаликларининг улуши салмоқли бўлди. Президентнинг тегишли фармонига мувофиқ 2006 йилда вилоятимизда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 40 та ширкатлар тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Тендерларда фермер хўжалигини ташкил этиш иштиқидида бундан таллабдорлар иштирок этишмоқда. Танлов арасида матбуот, маҳаллий телевидение орқали тендернинг қонун-қоидалари, шартлари, қоидаларни аниқлашнинг мессёрлари кенг тарғиб қилинди. Ширкат хўжаликларининг идораларида танловга қўйилган эрларнинг харитаси олиб қўйилди. Танлов комиссиялари аъзоларига ҳуқуқ ва

мажбуриятлар етказилди. Аммо шунга қарамай, айрим жойларда тендер танловлари ўтказилишида қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон туман ҳокимининг 2005 йил 15 октябр кунги қарори билан Ўқчи ширкат хўжалиги бошқаруви вакиллари-нинг йиғилиш қарори тасдиқланиб, гуё тендер танловида қўйиб чиққан З.Олимов, О.Эҳсонов, А.Ҳакимовларга ҳамда «Раҳмонжон Хумоюн» фермер хўжалигига 6,1 гектардан 12 гектарга ер ажратиб берилган. Ҳолбуки, «Қишлоқ хўжалигининг кооперативи (ширкати) тўғрисида» Қонуннинг 11-моддаси ҳамда ширкат хўжалигининг низомига мувофиқ янгидан тузилаётган фермер хўжаликларига ер ажратиб бериш мулк ваколатига ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишига эгадир. Бошқарув раиси

қолган.

Ушбу жиноий гуруҳ жамоа ва давлат манфаатларига 1.083.851.620 сўмлик зарар етказган бўлиб, шундан 10.000.000 сўми нақд пул тариқасида ундирилди. И.Исломов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилган ва жазо муқаррарлиги таъминланган. Шунингдек, ердан ноқонуний фойдаланиш ва ҳисоботдан яшириш бўйича қўлга ҳолатлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган.

— Ҳозирги пайтда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда кўпроқ қандай масалаларга эътибор қаратиляпти?

— Вилоят прокуратурасида қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижросини ўрганиш ва таъминлаш услубий маркази ташкил этилиб, тегишли адабиётлар, кўргазмали куроллар билан жиҳозланган. Бу ерда қишлоқ хўжалигига тегишли қонунлар, президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини ўрганиш, прокуратура ва бошқа назорат органлари ходимларининг билимларини ошириш учун мунтазам машғулотлар ўтказиб борилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида шартномаларнинг бажарилиши ҳамда давлат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний қўллаш ва маълумотлардан фойдаланишга доир алоҳида тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойлардаги прокурорларга амалда қўллаш учун юборилган.

Вилоят прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида прокурор назорати самардорлигини оширишга қаратилган ишлари Бош прокуратура раҳбарлиги томонидан маълумлиб, амаллаштирилган хизматимизга берилган муносиб баҳоқдор.

Ватан ва халқ манфаати дегани шунчаки баландпарвос сўзлар эмас. Халқнинг дарди билан яшаш, у билан ҳамнафас бўлиш ҳар бир прокуратура ходими учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

«Huquq» мухбири
Курбон ЖўРАНАЗАРОВ
суҳбатлашди

Қишлоқ хўжалиги — барқарорлик омилли

Қашқадарё вилоят прокурори Эшдавлат ЖўРАЕВ билан суҳбат

дич, бу соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

— Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғизин учун вилоятда қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Президентимиз Ислом Каримов 2004 йилдаёқ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган йўналишларига бағишланган нутқиди фермерлик ҳаракатининг раванқи ҳақида фикр билдирар экан, «...нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ десак муболага бўлмайди» деб таъкидлаган эди.

Вилоятда юртбошимизнинг «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган тақдирлар таъбирлар бўйича махсус комиссия тузиш ҳақида»ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳукумат қарорига асосан вилоятда 2004 йилда 31 та, 2005 йилда 34 та ва 2006 йилда 34 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилган эди.

2004 йилда 61 та ширкат 2412 та

тайёрланиб, бу борадаги буюртма 111,44 фоизга ундланди.

Қувонарлиси шундаки, етиштирилган галланинг 74,2 фоизи, пахтанинг эса 84 фоизи фермерлар ҳисобига тўғри келади. Улар иштиёрига берилган ердан омиқкорлик билан фойдаланиб, олаётган даромади ҳисобидан ҳам ўз оиласини моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлапти, ҳам давлат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётир.

— Ана шу жараёнда вилоят прокуратураси органлари ходимлари ҳам фаол иштирок этган бўлишса керак.

— Маҳкама тармоқ бошлиқлари туманларга бириктирилиб, галла ва пахта етиштирувчи хўжалик раҳбарларига шартномага қатъий амал қилиш лозимлигини тушунтириш, мажбуриятини бажармаган шахслардан етказилган зарарни ундириш чораларини кўриш учун масъул этиб тайинландилар.

Агротехник тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича мунтазам равишда тахлиллик текширувлар ўтказиб борилди. Ҳосилни ноубуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида прокуратура ходимлари ҳам далага сафарбар қилинди ва аниқланган қонунбузилишлар бўйича прокурор назорати хужжатлари қўлланиб борилди.

2005 йилда галла топшириш бўйича шартномани бажармаган фермерларга нисбатан хўжалик судларига 113,6 млн. сўмлик 123 та даъво аризаси киритилди ва барчаси қаноатлантирилди. 2 та фермер хўжалигига нисбатан тўпланган хужжатлар эса тергов органларига ўтказилган.

ва Р.Мухаммадиевлар, Косон ва Қарши туман МТП АЖ бошлиқлари Ф.Сиддиқов ва З.Рўзиевларга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилган. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи К.Равшанов расман оголантирилди.

— Ширкатларни фермер хўжаликлари айлантириш даврида баъзан ноҳолликка йўл қўйилаётганини ниҳор этиб бўлмайди. Бу борада аниқланган қонунбузилишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу тадбирларнинг ошқорча, адолатли ва қатъий танлов асосида ўтказилишини таъминлаш ниҳоятда муҳим. Бош прокуратура топширигига биноан бу жабҳада назорат кучайтирилган.

Нишон тумани ҳокимияти ва ширкатларни фермер хўжаликлари айлантириш бўйича комиссия раҳбарлари ваколатларини суиестемол қилиб, «Ойдин», «Самарқанд», «Дўстлик» сингари ширкатларни фермер хўжаликлари айлантиришда ҳукумат қарори талабларига зид равишда айрим фермаларнинг чорваси, иморати, техника воситалари ва жиҳозларини тендерсиз, кадастр идораларида қайта баҳолатмасдан ҳамда бозор баҳоларини ҳисобга олмасдан арзон нархларда сотиб юборишган. Натияжада жуда кўп миқдордаги мулк талон-тарож қилинган. Масалан, тумандаги «Истиклол» (собик бўрдоқчилик корхонаси) жамоа хўжалигига тегишли кўп миқдордаги мулк ва 450 гектар ер ҳамда Бердиев фермер хўжалигига текинга хусусийлаштириб берилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Нишон туман ҳокимияти, ширкатларни қайта ташкил этиш комиссияси мансабдорлари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Китоб тумани «Навбахор» ширкати тендер комиссияси раиси К.Самадовнинг укаси Н.Самадовга 45,7 гектар, комиссия раиси ўринбосарининг укаси Ш.Шоназаровга 22,3 гектар, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ф.Раҳимовга 24 гектар ер тендерсиз, қариндошчилик туфайли бериб юборилган. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Қамаш туман ҳокими Имом Ис-



ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР

О.Аҳмедовнинг кўрсатмаси асосида ер тузувчи А.Аҳмедов амалда ўтказилмаган ширкат бошқаруви вакиллари йиғилишининг сохта қарорини тайёрлаган. Бундан аввалроқ, 2005 йил 5 феврал кунги гуё талабгорлар К.Жалилов ва К.Шокировлар ўртасида танлов ўтказилиб, боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун голиб топилган К.Жалиловга 11,3 гектар ер ажратиб бериш тўғрисида ширкат бошқарувининг қарори чиқарилиб, у туман ҳокими қарори билан тасдиқланган. Бироқ аслида ўтказилмаган танловда иккинчи талабгор К.Шокиров қатнашмаган. Ерларни танлаш ва ажратиш комиссияси аъзолари экин майдонлари қонуний ажратилганини жойига бориб кўришмаган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан туман прокурори жиноят иши қўзғатди. Оқунбобоев туманидаги тугатилиб, фермер хўжалигига айлантирилган Алишер Навоий номли шир-

кат хўжалигининг собиқ мансабдорлари «Махсулдор» ижара фермер хўжалиги раҳбари Р.Кавлонова берилган 13.765.000 сўмлик 58 бош чорва моллари ҳамда 4.089.000 сўмлик «ТТЗ-80» трактори ва трактор тиркамалари учун ижара ҳақини ундириш чораларини кўришмаган. Ушбу мол-мулк талон-торож қилиниб, хўжаликни тугатиш комиссияси ҳисобига ўтказилмаган.

Айрим жойларда ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермер хўжаликларини ташкил этиш учун масъул комиссия раҳбарлари талабгорларнинг балларини пасаитириб, расмий ҳужжатларни қалбақлаштирган. Чунончи, Қуватуманидаги Й.Оқунбобоев номли ширкат хўжалигини тугатиш ва унинг негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссияси мансабдорлари шу йил 6 январь кунини ўтказилган танловдаги 3,6,12-лоийҳаларнинг тендер иштирок-

чилари М.Нуралиев, М.Отаҳужаевага қўйилган балларни ошириб кўрсатиб, аввалги иштирокчиларнинг балларини пасаитириб, ҳужжатларни қалбақлаштиришган.

Тендер танловларининг қонунийлиги ўрганилганда, иштирокчиларнинг техника воситаларини, муқаддам дон ёки пахта етиштириш мобайнида шартномани нечоғлиқ бажариб келганининг баҳолашда ҳам ноҳолисликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунбузилишларни бартараф этишга оид 13 та тақдимнома киритилиб, 3 та протест келтирилди. 88 нафар шахс огоҳлантирилди, 3 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди. Ушбу жараёнда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш ер асл эгасини топиб, қишлоқда иқтисодиётнинг ўсишига тараққийди.

Ҳ.ПҮЛАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришда муҳим омили бўлиб қизиб келади. Соха ишининг қад ростлашида эса аввало деҳқон (фермер) хўжаликларини қўпайтириш ва шу йўл билан ернинг ҳақиқий эгалари қўлига топшириш муҳим аҳамиятга эга.

Ер қадрини асил деҳқон билади

Туманимизда тугатилган 7 та хўжалик бўлса, уларнинг ерлари буйича 150 та лойиҳа тузилган. Мазкур ерларга эгалик қилиш учун 458 та ариза тушган. Бугунги кунда талабгорлар тўплаган балларига қараб, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишаётир. Тендерни адолатли ўтказишда жойлардаги махсус ҳайъатлар кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Туман прокуратураси томонидан назорат тартибиде «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросига таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Тумандаги «М.Султонов» агрофирмаси тугатилиб, унинг негизда фермер хўжаликларини ташкил этилиши давом этаётган бир пайтда тендер ҳайъати аъзоларини чағратиш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ҳоллари юз берган. 30-лоийҳа буйи-

ча тендерда иштирок этаётган Нейматулла Мусаев тендер комиссиясига талаб қилинган ҳужжатлар билан бирга «Каттаминг» кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2005 йил 13 декабр кунини берилган хўжаликда 4 бош қорамол мавжудлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этган. Мазкур лойиҳада иштирок этаётган 3 нафар талабгор ўртасида голиб чиқиб, лойиҳага қўйилган ерга нисбатан ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида 2005 йил 20 декабр кунини яна «Каттаминг» ҚФЙ томонидан 15 бош қорамол ва 11 бош қўқаз мавжудлиги ҳақидаги иккинчи маълумотномани ҳам комиссияга тақдим қилган. Н.Мусаевнинг ҳатти-ҳаракатларида ЖКнинг муайян ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжатларини қалбақлаштиришда ифодаланган 228-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд.

Оқибатда Н.Мусаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётир.

Боборавшан БОЙМУРОДОВ,
Каттақўрғон туман прокурори ёрдамчиси

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан кишлоқ хўжалигида ислохотларнинг амалга оширилиши, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш дастурининг бажарилиши ва Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Ернинг ҳақиқий эгаси ким?

2006 йилда вилоятда 50 та ширкат хўжаликлари тўлиқ, 21 та ширкат хўжаликлари қисман тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилган. Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг 88,5 миң гектар ер майдони 3673 та фермер хўжаликларига берилиши назарда тутилган.

Вилоятда мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилган. Бироқ ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Жумладан, Пешку туманида яшовчи Ф.Холовнинг аризаси текширилганда тумандаги «Пахтаобод» ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг котиби Ф.Шодиев унга ширкат хўжалигининг 17-лоийҳасидаги 40 гектар ерни танлов голиби сифатида ажратиб беришга ёрдам қилишни ваъда қилиб, 1.200.000 сўм пора олганлиги маълум бўлди. Ёки Шофиркон туман Н.Ҳамроев номидаги ширкат хўжа-

лиги ерларига даъвогарлик қилган фуқаро С.Жабборов танлов комиссиясига 1994 йил 25 майда Самарқанд кишлоқ хўжалиги институтининг «Зооинженерлик» мутахассислиги бўйича таомлаганлиги тўғрисидаги қалбаки дипломини тақдим қилиб, танловда голиб чиқмоқчи бўлди. Аммо унинг қилмиши вақтида фош этилди.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 5 та тақдимнома киритилди. 11 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилиб, 277 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. 106 та ноқонуний ҳужжатга протест киритилди ва ноқонуний берилган 800 гектар ер ширкат хўжаликларига қайтарилиши таъминланди.

Ислом РАЖАБОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори



Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Албатта, қизгин тус олаётган бу жараёнда прокуратура органларининг ҳам ўзига яраша вазифалари мавжуд. Айниқса, зарарига ишлаган ширкат хўжаликларини тугатиб, уларнинг негизда фермерчиликни тараққий топтириш мобайнида мазкур мақсад-вазифаларга масъулия билан ёндашув талаб қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2007 йилларда фермерчиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, Хоразм вилоятида зарар кўриб ишлаётган 72 та ширкат хўжалиги тугатилди. Уларнинг негизда шу давргача 5298 та фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Ушбу фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилаётган тендер-танловлари адолат нўқтаи назаридан қай тарихга ўтказилмоқда? Комиссия аъзолари нималарга эътибор қаратмоқда? Танловда қиммат голиб бўлмоқда? Бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтирса керак.

Сўнги пайтда Хоразм вилоят прокуратурасига ташкилий комиссия фаолиятдан қониқмаган 500 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган. Уларни текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, зарарига ишлаётган ширкат хўжаликларини тугатиш мақсадида тузилган 72 та комиссия фаолиятининг 18 ҳолатида қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Оқибатда 329 гектар ер фермерларга ноқонуний тақсимланганлиги маълум бўлди. 37 ҳолатда танлов иштирокчиларига нотўғри балл қўйилган. 21 нафар даъвогар комиссияга қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим қилган. Бу юзадан 32 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва интизомий жазо чоралари қўлланилди. 14 та ҳолат юзасидан жиноят иши

ТАНЛОВДА КИМ ҒОЛИБ?

қўзғатилди. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик орқасидан тақсимланган 1138 гектар ер давлатга қайтарилди.

Халқимизда «Булбул баъзи билан, бизга бози билан» деган пурмаъно ҳикмат мавжуд. Шундай экан, мамлакатимизда ҳар бир фуқаро ўз иқтидори ва қобилиятига яраша иш билан шуғулланмоғи лозим. Қолаверса, мансабдор шахслар ўз ваколатини қиммат голиб қилиб, қонун талабларини бузишга ҳаққи йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги 103-қарорида мансабдор шахсларнинг савдо-тижорат фаолияти билан шуғулланиши қатъий тақиқлаб қўйилган. Қарорнинг 2-бандида қайд этилишича, банк раҳбарлари ва унинг муовинлари ҳамда бошқа пул-маблағларига масъул шахслар тижорат-савдо фаолияти билан шуғулланиши мутлақо мумкин эмас. Бироқ ҳукумат қарорининг талабларига эид равишда иш тугаётганлар ҳам йўқ эмас экан. «Халқ банки»нинг Гурлан туман бўлими бошқарувчиси С.Осупов туман ҳокимининг 13 январь 2005 йилдаги 35-қарори асосида 13,4 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил қилади. Чунончи, «Ўзтадбиркорбанк»нинг Гурлан минибанки бошқарувчиси М.Сафарбоева мансабидан фойдаланиб, 20,1



гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этади. Туман ҳокимининг ушбу қарорларига прокуратура протест келтирди. Мазкур ерлар қайта тендерга қўйилди.

Текширишларда айрим мансабдор шахсларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиши оқибатида 482 гектар ер бошқа мақсадлар учун тақсимлаб юборилгани маълум бўлди. Ҳазораси туманидаги «Бешта Ҳазорасп» муқобил машина-трактор паркиннинг бош ҳосилоти И.Давла-

тёров ва ер тузувчи Н.Собиров 111-контур ҳудудидан 5,2 гектар ерни 43 нафар фуқарога ноқонуний равишда томорқа учун ажратиб берган. Натижада ММТПга 1.987.000 сўм зарар етказганлар. Уларга нисбатан жиноят иш қўзғатилди.

Богот тумани Бешарик қишлоғида яшовчи фуқаро Р.Оллоёров И.Дўсов номли ширкат хўжалигининг 20-контурда фермерчиликни ташкил қилиш ҳаракатида бўлган. Бунинг учун тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилган. Аризага илова сифатида бир неча ҳужжатлар, жумладан, Т-28 ва ДТ-75 тракторларнинг техник паспортларини гуё ўзига тегишлидай кўрсатиш учун қалбақлаштиради. Афсуски, ушбу ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги танлов ҳайъати томонидан ўрганилмаган. Оқибатда Р.Оллоёров тендер танловиде сохта ҳужжатлар билан юқори балл олишга эришган. Туман ҳокимининг қарори асосида унга 24,8 гектар ер ижарага берилган. Богот туман прокуратураси томонидан Р.Оллоёровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилда вилоятда 17 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизда 2001 та фермер хўжаликлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиялари, тендер танловини ўтказишга масъул мансабдорларнинг адолат ва қонун мезонларига мувофиқ иш олиб боришини тушунтириш ва тарғиб қилиш, назоратга олиш прокуратура ходимларининг бурчидир. Зеро, ҳар бир эзгу иш дебачаси қонунийликдан таркиб топсагина унинг ривожланиш босқичи сермаҳсул бўлади.

Қурбондурди НУРМЕТОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини

ХАЛҚ МАНФААТИ.

— Одатда янги йил бошида туриб, ўтган йилги ишлар сарҳисоб қилинади?..

— Албатта, шу кунларда биз ҳам ўтган йил натижаларини таҳлил қилаёلمиз. Назаримда бошқармамиз 2005 йилни яхши аяунлади. Энг асосийси, олдимизга қўйилган вазифаларни имкон даражасида удраладик. 2005 йил нафақат сихат-саломатлик йили балки тадбиркорлар йили сифатида ҳам кўнчилигимизнинг ёдимизда қолди. Сабаби ўтган йилнинг сўнгги 4-5 ойида тадбир-

— Яширин сехларда ишлаб чиқарилаётган сифатсиз маҳсулотлар инсон соғлигига қанчалик хавфли эканлигини мутахассислар кўп бор таъкидлашмоқда. Бироқ фуқароларимиз ҳамон шундай маҳсулотларни харид қилиб, ўзлари билмаган ҳолда уларнинг тегирмонига сув қуйишмоқда.

— Бундай маҳсулотлар арзон бўлгани билан, сифатсиз. Истеъмолчилар бунга яхши билишса-да, арзонлигига учинмоқда.

Ўтган йилда бошқарма ва унинг

тиб, тушган нақд пулли банкка топширмаган.

қабул қилинган. Ушбу қарорлар ижроси юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?

— 2005 йилда 19 та ҳолатда валюта муомаласидаги қонунбузилишлар аниқланди. 11 та ҳолатда жиноят иши, 8 та ҳолатда эса маъмурий ишлар қўзғатилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида 28.625 АҚШ доллари, 710 евро ва 10.900 Россия рубли



Бухоро вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси бошлигининг ўринбосари Зафар РАДЖАБОВ билан сўхбат

Масъуллик

корликни қўллаб-қувватлаш босқисида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

— Фикрингиз тўғри, бироқ айрим тадбиркорлар яратилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига ўз манфаатини ўйлаб иш қилаётгани ҳақида ҳам эшитиб қоламиз.

— Бошқарма томонидан 2005 йилда аниқланган ноқонуний товар-пул айланмаси 28 млрд. 365 млн. 389 минг сўмни ташкил қилган. Банкларга қўшимча 41 млн. сўмдан кўпроқ нақд пул туширилишига эришилди. Бюджетга ундирилиши лозим бўлган солик ва мажбурий тўловлардан 31 млн. сўми нақд пулда банкка топширилди.

Ромитан туман прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари томонидан «Агроуниверсал-сервис» хусусий корхонасида текшириш ўтказилганда, корхона раҳбари Д.Раззоқова томонидан 2005 йилнинг феврал-март ойларида 1 млрд. 959 млн. 843 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилганлиги маълум бўлди. Аммо тадбиркор 244 млн. 840 минг сўмлик товарларни назорат касса машинасини қўлламай со-

ҳудудий бўлимлари томонидан ушбу қонунбузарлик бўйича 175 та жиноят, 38 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди.

Бошқарма ходимлари томонидан 20 та яширин маҳсулот ишлаб чиқариш манбалари аниқланиб, улардан 25028,1 минг сўмлик ашёвий далиллар олиб қўйилган.

Жумладан, Гиждувон туманида яшовчи С.Бозорованинг уйдан 26.000 дона ароқ қопқоқлари, 2100 дона ҳимоя виллофи, 118 дона 1,5 литрлик полетелен идиш, 117 литр спирт ҳамда ароқ қапқоғини ёриш мосламаси топилди. С.Бозоров қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

— Миллий валютаимизнинг қадр-сизланиши, бозорларимизда чет эл валютасининг ноқонуний айланишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 октябрда «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш тўғрисида», 2004 йил 14 февралда «Ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари

ҲИССИ

олиб қўйилди. Валюта тушумидан давлатга мажбурий сотилмаган валюта миқдори 71.479 АҚШ долларини ҳамда тижорат банкларининг валюта алмаштириш шох-бчалари томонидан ноқонуний сотилган валюта миқдори 1.299.700 АҚШ долларини ташкил этган.

Мисол учун, Бухоро шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари томонидан фуқаро Ж.Каримов 1750 АҚШ долларини 1.890.000 сўмга ва 700 еврога 980.000 сўмга, 9800 Россия рублини 392.000 сўмга фуқаро С.Тўхтаевага сотаётганида ушланди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

— Тарғибот-ташвиқот ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Фармон ва қарорларни тушунтиришда тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотларга алоҳида эътибор қаратганмиз. Вилоят прокуратураси маъмуриятда чоп этилган «Адолат нури» газетасида бошқарма фаолияти мунтазам ёриб борилмоқда. «Бухоронома», «Солик назорати» ва вилоят телевидениясига ҳамда радиосига билан яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Сўхбатдош: Гулчехра РАЗЗОКОВА

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Нақдига ишқибоз шоввозлар

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга И.Исмоилов мурожаат этиб, унга «Орзикул» ва «Азамат» исмли шахслар 86.000.000 сўмни нақдлаштириб беришни илтимос қилаётганини айтиди. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширишда фуқаро Орзикул Пайзикулов ва Азамат Мирзаев Жиззах вилоятиндан рўйхатдан ўтган «Advertisement» МЧЖнинг Жиззах шаҳар «Ипотека банки»даги ҳисоб рақамидан «Кувонч Улмас» МЧЖнинг Чилонзор туман «Санатқурилишбанк»и ҳисоб рақамига 45.000.000 сўм ва «Агро Квант» КТСИЧКсида 41.000.000 сўмни кўчиришганлиги аниқланди. Сўнгра ушбу пуллар ваззига 79.980.000 сўм пул сўрашган. И.Исмоилов улар билан сўм ўрнига 70.000 АҚШ доллари беришни келишиб, ўзаро ҳисоб-китоб ватқида қўлга олинди.

Савдо қоидасини бузиб...

Фаргона вилояти Данғара тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «Эгу Данғара» МЧЖ раҳбари Жамшид Махмудов бош сибоччи Артём Петрусенц билан тил бириктириб, солик ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, устас жамғармасини шакллантирмай, улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи рухсатномани қалбақлаштирган. Улар Қўқон шаҳар «Универсал банки»да ҳисоб рақамини очиб, ушбу қалбаки рухсатнома асосида 2004 йил 15 декабрда ва 16 декабрдан 2005 йил 16 январ кунига қадар «Пахтабанк»нинг Қўқон шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 642.679.500 сўмлик товар айланмасини амалга оширишган. 9.834.000 сўмлик мажбурий тўловларни тўлашмаган. Шунингдек, Ж.Махмудов ва А.Петрусенцлар жамият фаолияти даврида 102.591.000 сўмлик харидоригр маҳсулотларни нақд пулга сотиб, савдо пулларини банкка топширмай, бошқа мақсадларга ишлатиб юборишган.

Қонунбузар ҳоким муовини

Жиззах вилояти Зарбдор туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «ТТЗ Шарқ Юлдузи» КТХФси Жасур Нормуродов солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, 2004 йил ноябрдан 2005 йилнинг 14 январигача «Фалла Банк»нинг Жиззах вилоят бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 562.008.900 сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Туман ДСИга топширган ҳисоботларида 10.000.000 сўмлик товар айланмаси амалга оширилганини кўрсатиб, 508.081.400 сўмлик товар айланмасини яширган.

Ж.Нормуродов пул кўчириш йўли билан 409.255.200 сўмлик харидоригр маҳсулотлар сотиб олиб, савдодан тушган пулларни банкка топширмаган. 13.070.000 сўмлик солик ва мажбурий тўловларни тўламаганлиги аниқланган.

Шунингдек, Ж.Нормуродов улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш учун Зарбдор туман ҳокимиятига фуқаро А.Обудосиев билан тузилган Жиззах тумани Навойй ширкат хўжалигида жойлашган обморни ижарага олиш ҳақидаги шартнома ва «Фаллабанк»нинг Жиззах вилояти бўлимидан фирма ҳисоб рақамини 13.896.205 сўм мавжудлиги ҳақида маълумотнома тақдим этган. Зарбдор туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Нарзулла Хасанов эса мансабидан фойдаланиб, Ж.Нормуродовга улгуржи савдога амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани расмийлаштириб берган.

Сохта гувоҳнома билан

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «Alekson ru» МЧЖ раҳбари Р.Худойберганов «Санатқурилишбанк»нинг ҳамма туман бўлимидаги ҳисоб рақами орқали улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳномасиз 114.685.000 сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Текширишда маълум бўлишча, Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан берилган улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳнома қалбақлаштирилган экан. Ундан ташқари жамият раҳбари 95.785.000 сўмлик товарларни пул кўчириш йўли билан сотиб олиб, савдодан тушган пулларни банкка топширмагани аниқланди.

Шартнома шартлари бажарилмади

Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Ambassador triniti» МЧЖ томонидан Эрон «Содерот» шўба банкининг Тошкент шаҳар филиалидан олинган 90.000 евро кредит маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, «Ambassador triniti» МЧЖ раҳбари Шухрат Аҳмедов мансаб сохтакорлиги йўли билан Эрон «Содерот» шўба банкининг Тошкент шаҳар филиалидан 90.000 евро кредит олиш мақсадида жамият балансида умумий қиймати 158.015.000 сўмлик ускуналар мавжудлиги ҳақида сохта маълумотлар тақдим этиб, ушбу ускуналарни гаровга қўйган. Сохта маълумотлар асосида кредит олган Ш.Аҳмедов 2004 йил 9 февралдаги шартнома асосида маҳсулот учун Москва шаҳридаги «Центр Бизнес Ком Альянс» МЧЖнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиб берган. «Центр Бизнес Ком Альянс» МЧЖ пулли олгач, етти кун ичида маҳсулотни юбориши керак эди, аммо маҳсулот етказиб берилмаган. Оқибатда «Ambassador triniti» МЧЖ томонидан фаолият амалга оширилмай, 2005 йил 1 августига қадар кредитнинг асосий қисми бўйича 90.000 евро ва 3002.03 евро фоииз тўловлари «Содерот» банкка тўланмасдан қолган.

Ш.Аҳмедов ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашиб, 90.000 евро миқдоридида мuddати ўтган дебитор қарз юзага келишига сабаб бўлган. Пулларни ундириш чорасини кўрмаганлиги сабабли чет эл валютаси Ўзбекистондан чиқиб кетиб, қайтарилмаган.



Хазорат туман ҳудудида ўтказилган тадбирда Самарқанд вилояти Ургут туманида яшовчи фуқаро Шодиев Изаатилла ва Дилшод Исмоиловларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, улардан хорижда ишлаб чиқаришга электр даямоллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Сайдулла АХМЕДОВ,
Республика Бош прокуратураси хузуридаги
СВОЖКК департаменти бўлим катта суриштирувчиси

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Утган йили Хоразм вилояти бўйича солиқ ва валютга оид 243 та жиноят ва 235 та маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид иш қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 2.031.836.000 сўм қўшимча солиқ ва жарима ҳисобланиб, 1.279.390.000 сўми ундирилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлар ноқонуний равишда муомалага киритган 175.677.000 сўмлик товар ва моддий бойликларнинг 66.221.800 сўмлик суд қарорларига қўра истеъмолга яроқсизлиги учун йўқ қилинди.

Жумладан, Наманган вилояти Ёркатой ҚФЙ Мирзаравот қўчасида яшовчи тadbиркор Қутбиддин Содиков фуқароларга «Шакар инвестимент» қўшма корхонасидан ўтказмаган 30 тонна заёд шакрнинг қилосини 560 сўмдан, 25 тонна шакрнинг қилосини 570 сўмдан сотиб, пулини назорат касса машинасидан ўтказмаган ва банкка топширмаган. Қонунбузар устидан жиноят иши қўзғатилди.

Яна бир мисол эътиборни тортади. Урганчлик Ш.Отажонов шакр марказий деҳқон бозорига мамлакатимизга божона назоратини четлаб олиб ўтилган заргарлик буюмларини қонунга хилоф равишда сотаётганида ушланди. Тадбир даво-

Инсоғу диёнат



унутилса...

мида ундан чет элда ишлаб чиқарилган 487 турдаги, оғирлиги 2642 граммлик,

бахоси 27.499.350 сўмлик тилла тақинчоқлар ва олтин қўймалари ашёвий далил сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмакда.

Урганч шаҳрида фаолият кўрсатётган «Проспект» МЧЖга ажратилган 70.000.000 сўм кредит пуллари-нинг исзис йўқолиши кишини ўйга толдиради. Тегиширида бу пуллари-ни «Узсанотқурилишбанк»нинг со-биқ раҳбари Қ.Болтаев ва бошқалар талон-тарож қилганлиги аниқланди. Қ.Болтаев ва банкининг Хоразм худу-дий филиали кредит бўлими бош-лиги Д.Раззоқовлар устидан жиноят

иши қўзғатилган.

Валюталарнинг ноқонуний муо-малага киритилишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларда 10.267 АҚШ доллари, 52.620 Россия рубли, 114.800 Қозғоғистон тенгеси ва 1.300.000 Туркманистон манати дав-лат фойдасига мусодара қилинди.

Утган йили президентимизнинг фармонлари ва ҳукумат қарорлари-нинг моҳиятини аҳолига етказиш бўйича бошқарма ва унинг худудий бўлиmlлари томонидан 1743 та тад-бир ўтказилган. Бу йил ҳам халқ билан юзма-юз мулоқотлар уюшти-ришни ният қилганмиш. Негаки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш-да бундай учрашувларнинг аҳамия-ти катта.

Р.СОБИРОВ,

Хоразм вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи

Барбод бўлган «операция»

– Бир «операция»ни ўйлаб қўйдим. Агар шу ишни амалга оширсак, личогимиз мой устид бўлади, – деди Беруний туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси Сапаргелди Собиров кўл остида ишлайдиган ҳисобчи Қаҳрамон Рўзимовга.

– Сиз нима десангиз мен рози. Лекин бу ишмизни биров билиб қолмаслиги керак, – деди Қаҳрамон атрофга бир қараб олган.

Устоз-шоғирд «операция» учун ҳужжатлари тайёрлашди. Ҳатто буйруқ ҳам тайёрлашди: «Беруний ХТБ ишчи-хизматчиларининг аризаларига мувофиқ ойлик маоши, нафақа ва касаллик варақалари учун маблағлар махсус жамғарма учун ўтказилсин».

Улар «Пахтабанк»нинг Беруний филиали ходими М.Сатимовнинг қўйни-га кўл солиб кўришди.

Азаматлар ҳеч қаерда ишламайдиган Бекмурод Ҳасановни кўмакка чақиритишди. Исм-фамилиялар ва пул суммаси кўрсатилган сохта маълумотлар тайёрланган. Б.Ҳасановнинг пластик карточкасига 4.861.752 сўм ўтказиб берилди. Б.Ҳасанов нақдлаштирилган пулларнинг келишидан қисмини олиб қолиб, қолганини бош ҳисобчи С.Собиров ва ҳисобчи К.Рўзимовга келтириб берди.

Иштахаси қарнай бўлган «ишбилармон»ларнинг нафси яна ҳақалак ота бошлади. 1040-тўлов топшириқномасига биноан «П.Мадаминованинг аризаласига асосан ойлик маошдан патент тўлови учун ўтказилсин» дег сохта ҳужжат тайёрлаб, нақдлаштирилган пуллари н узлаштиришди. Бир сохта, текширишда П.Мадаминова ХТБда умуман ишламаслиги маълум бўлади.

Устоз-шоғирдин кингир ишлари узоққа бормади. Уларнинг фаолияти туман прокуратураси СВОЖҚК бўлими ходимлари томонидан фош қилин-ди. ХТБ ходимларининг 5.005.989 сўмлик иш ҳақи ва нафақа пуллари давлат хазинасига қайтарилди. Жиноят ишлари бўйича Амурдў туман суди С.Собиров, К.Рўзимов ва Б.Ҳасановларнинг фаолиятига қонуний баҳо берди.

М.МАДРАИМОВ,

Беруний туман прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи



Гуллап туман прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бўлими томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Г.Курбонбоевдан олинган тамаки маҳсулотлари.

Тарғибот ўз мевасини берди

2005 йилда бошқарма томонидан 2067 та профилактик тадбирлар уюштирилиб, шундан 1213 тасини маъруза ва юзма-юз мулоқотлар, 200 тасини маҳаллаларда ўтказилган учрашувлар ташкил этади. 854 марта ОАВ да чиқишлар қилинди. Қўйи-чирчиқ тумани ҳокимлиги «Эркин сўз» газетасининг 2005 йил 31 декабр сонида туман прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи Сатор Болтабоевнинг «Қонуний ишласанг, кам бўлмайсан» мақоласи чоп этилган. Унда тумандаги Навоий ширкат хўжалигида яшовчи Б.Пир-муҳамбетов ва А.Алимовлар ноқонуний равишда бензинфурушлик билан шуғулланаётгани ҳақида сўз боради. Шунингдек, муаллиф туман бозорларида Қозғоғистонда ишлаб чиқарилаётган тамаки ва спирт маҳсулотларини ноқонуний сотилаётганини ҳақида ҳам бонг уради.

Мақола маҳаллалар ва бозорларда муҳокама қилиниб, муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб қўрилган. Эътиборлиси, туманинг ўзида 60

дан зиёд ҳуқуқ-тарғиботиға оид тадбирлар ўтказилган. Натикожа тадбиркорлар томонидан солиқ ва мажбурий тўловларни ихтиёрий тўлашни ортган.

Кўпчилик «Катта ўзбек тракти» йўли-даги Чиноз балиқ бозорини яши бил-лади. Айримлар балиқ харид қилиш учун атайлаб Чиноз бозорига боради. Харидор учун балиқнинг қайси дараёки кўлдан тутилгани қизиқ эмас. Гап унинг сифатида.

«Тадбиркорлик гувоҳномаси бўлма-ган Бувисора Раҳимова 400 кг., Замира Қўлдошева 320 кг., Мурод Муродов 450 кг. балиқ сотиб олиб, қайта сотаётгани-да кўлга олинди» дейди «Тадбиркорлик фаолияти назоратда» мақоласида («Qadriyat» газетаси) Узуқжамол Назарова. Мақолада Чиноз туман прокурату-раси хузуридаги СВОЖҚК бўлими фао-лияти ёритилган. Бўлим бошлиғи Улуғ-бек Умаров «Тошкент ҳақиқати» газета-сидаги «Қонун барчага баробар» мақо-ласида туманда 2005 йилда амалга оши-

рилган ишлар юзасидан ҳисобот бер-ди. Муаллиф ҳуқуқбузарлардан 659 мил-лион 38,5 минг сўм жарима ундирил-ганилигига ургу беради. Ана шундай чиқишлардан сўнг туман иқтисодийте-ида икjobий ўзгаришлар бўлган. Нақд пул, солиқ билан бошқа тўловлар кўпай-ган.

«Чирчиқ тонги» газетасининг 2005 йил 12 март сонида эса «Олғир тадбир-кор» мақоласи чоп этилди. Унда М.Хол-муратов Чирчиқ шаҳридаги «Марказий бозорда»ги савдо шаҳобчаларининг ноқонуний ишлари фош қилинди.

Бизнингча, бу каби чиқишларга ОАВ-да кенг ўрин берилиши керак. Халқи-миз иқтисодийтемизга кимлар тўсиқ бўлаётганини билиши лозим. Шунда-гина қўзланган мақсадга эришилади.

Бахтиёр ЖАББОРОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТ — ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Амалдаги қонунларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Уларнинг фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашishi, иши-га тўсиқчилик қилиши тақиқланган. Пре-зидентнинг 2005 йил июн ва октябр ойларида эълон қилинган фармон ва қарорлари тадбиркорларнинг фаоли-ятини кенгайтириб бориши учун кенг имкониятларни очиб берди. Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, ماشий хизмат кўрсатиш би-лан машғул тадбиркорларнинг иқти-содийтедаги мавқеи ортиб бормокда. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирдай амал қилаётган, яъни ҳавола этилган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга солиқларни вақтида тўлаб тур-ган тадбиркорлар кўп. Айни пайтда иш жараёнида тарозининг бир палласи оғиб кетишига йўл қўйган, яъни ҳуқуқларини тўлиғича тасарруф этиб, мажбуриятларини баъжаришдан бўйин товлашга уринган тадбиркорлар ҳам узрапти. Улар эртанги кунни ўйла-масдан, кўпроқ даромадни кўлга ки-ритиш иштиёқида нафақат жамиятга, балки ўзларига ҳам зарар етказиш-моқда. Ишлари тўхтаб, касодга учра-шига ўзлари сабабчи бўлишяпти.

рига мувофиқ икки баробар қисқарди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг бандан ташқа-ри муомаласини янада қиқартириш чора-тадбирларитўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 99 та текшириш ўтказилиб, давлат бюджетига 5,4 млрд сўмлик қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланди. Банклардаги, корхона-ташкилотларнинг ҳисоб-рақамларида-ги маблағларни нақдлаштириш билан шуғулланган 21 та фирманинг ноқону-ний фаолиятига чек қўйилди. Жумла-дан, Қўқон шаҳридаги «Олтин водий салоҳияти» МЧЖ раҳбари Р.Абдураҳ-монов, таъсисчи Р.Мирзааҳмедов ху-фиёна иқтисодийтеди вакилларидан бири А.Хўжаев билан аслида Қўқон шаҳар ҳокимияти жамиятга бермаган улғур-чи савдо билан шуғулланишига оид 291-лицензия иқибал қилишган. Уни тақдим этиб, «Универсалбанк»-нинг Яйлан минибанкида ҳисоб-рақа-ми очилган. 2005 йил 10 февралдан 28 февралга қадар 460 млн. сўмлик-

дан зиёд савдо-сотиқ ишларини амалга ошириб, 157,9 млн. сўм нақд пулни банкка топширишмаган. Уларга юқори-да кўрсатилган миқдорда жарима со-лиқди, жиноят иши қўзғатилиб, мини-банкдаги маблағлари хатланди. Бош-қармаиш ходимлари юқоридаги каби шаксларнинг фаолиятига чек қўйиб, кичик ва ўрта бизнеснинг соғлом ра-қобат асосида ривожланишига ҳисса қўлишяпти.

Назорат қилувчи органлар фао-лиятини мувофиқлаштирувчи худу-дий комиссиянинг қарорига асосан «Пахтабанк»нинг Янгикўрган бўли-мида ўтказилган тадбир чоғида банк мутахассиси М.Мамадалиев «Ривож ўй минглик» фирмасининг ҳисоб-рақамидан маблағни нақдлаштириш учун фойдалангани аниқланди. У Бу-вайда туманидаги «Кўрғонобод ҳам-кори» МТПП бошлиғи С.Йўлдошев билан тил бириктириб, фирма раҳ-баридан яширича унинг ҳисоб-ра-қамига Алишер Навоий номили шир-

катнинг қарздорлиқни тугатишга оид ҳисоб-рақамидан 1,2 млн. сўм пулни эқтиёт қисмлар учун «Ривож уч минг-лик» фирмаси ҳисобига ўтказган. Сўнгра тўловномага фирма раҳбари О.Омонов ўрнига сохта имзо қўйиб, ушбу маблағни тадбиркор М.Мама-далиевнинг ҳисобига туширган ва 700 минг сўм қилиб нақдлаштириб олган. 200 минг сўмини МТППдаги «Жигули» хизмат машинасини таъ-мирлашга сарфлаб, 500 минг сўмини ўз эқтиёжига ишлатиб юборган. Банк ходими М.Мамадалиев ва МТП раҳбари С.Йўлдошевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судда қури-либ, уларга жарима солинди.

Банклар, ҳокимият идораларининг айрим мансабдорлари йўл қўйган қонунбузилишлар оқибатида сохта фирмалар томонидан 2005 йилнинг 9 ойи мобайнида 11,8 млрд. сўмлик ноқонуний товар айланмаси амалга оширилиб, 187,7 млн. сўмлик солиқ тўланмаган, савдодан тушган 5,9

млрд. сўм банкка топширилмаган. Жумладан, Учкўприк туманидаги «Fag vodu ipkon» фирмаси раҳбари И.Т.Йўйчиёев 1,1 млрд. сўмлик товар айланмасини солиқ идорасига тақд-им этган ҳисоботларига киритмай, 31,1 млн. сўмлик солиқларни тўлаш-дан бўйин товлангани аниқланиб, жи-ноий жавобгарликка тортилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-ларнинг қонунийлиқни таъминлаш юзасидан ҳамкорликда кўраётган чора-тадбирлари туфайли банкларга нақд пул тушуми ортиб, корхона ва ташкилотларда мошлар вақтида тўлашнишига эришиляпти.

Қонунбузилишларнинг олдини олишда тадбиркорлиқни қўллаб-қув-ватлашга оид қонунлар моҳиятини оммага етказишнинг аҳамияти бе-киёс. Шу мақсадда бошқармаиш ходимлари оммавий ахборот восита-лари орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мунтазам ра-вишда ёритиб боришмоқда. Юзма-юз мулоқотларда қонун талабларини тушунтириб беришяпти. Бунинг са-мараси вилотда солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликлар камайиб бо-раётганида кўзга ташланади.

Тоҳир ХОЛИКОВ,

Фарғона вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Азиз муштарий!

Севили ёшувчимиз Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур қаҳрамонлиги» номли илмий бадиясини ахтирол ўтган йил «Qonul himoyasida» журнаlining бир нечта сонларида ўқитгансиз. Журнал қайта ташкил этилганга баж шубу асарнинг давомини газета саҳифаларида бериб боришга қарор қилдик. Демак, «Huroq»ни кузатиб бориң.



ИМПЕРИЯНИНГ ЖОН ТАЛВАСАСИ

Чингизхон тузиб кетган улкан империя Евроосий деб аталадиган икки буоқ қитъанинг бепойи худудларини асоратга солиб, бир ярим асрдан ортик роса даврон сурди. Фақат Амир Темур кураш майдонига чиқди-ю, бу шафқатсиз империянинг кўзга кўринмас занжирларини аввал Туронда, сўнг Хуросон ва бошқа қўшни худудларда парчалаб, ўзиб ташлай бошлади. Шундан кейин империячи чингизийлар талвасаса тузиб қолдилар. Чунки улар дунёда ўзларидан зўр куч йўқ деб кекхайиб юрган 1365-70 йилларда халқ озолик ҳаракатига етакчилик қилган Амир Темур тоғда ҳам, чўлда ҳам, Иссиққўл ва Алма-Ати томонларида ҳам чингизийлар лашкарини олти-етти мартаб қўриқиб қўриқиб Турон худудларидан қувиб чиқарди.

Бу ҳаммаси ушбу илмий бадиянинг 2005 йилда «Qonul himoyasida» журнаlining 2-12 сонларида қўриқиб қўриқиб баҳоли ҳудудат қўриқилди. «Империянинг жон талвасаси» деб номланган ушбу боб «Амир Темур қаҳрамонлиги» деб аталган илмий бадиянинг давоми ҳисобланади.

Ташқи мағлубиятлар Чингизхон империясининг икки таназузлини қучайтиради. Ичкилик ва бузуқчиликка берилган чингизий шахзодалар орасида, айниқса, 1360-80 йилларда тожу тахт учун кураш авжига чиқди. Хонлик тахтини эгаллаш учун ақа-ўқани, отаболани ағал ўлдирши ҳоллари одат тусига қиради. Олтин Урда тахтида қўриқиб қўриқилган йигирма йил давомиди йигирма тўрт маротаба хон алмашади.

Мана шу шароитда империя ичидики хонли моҳаролардан қандай жон сақлашни билмай талвасаса тушган баъзи чингизий шахзодалар энди нажотни Туронда барқарор давлат барпо этган Амир Темур даргоҳидан излай бошладилар.

1376 йилда отаси Олтин Урда хони

уришор эдилар. Бирок энди Амир Темурдан энгилиб аламзада бўлиб юрган Чигагойхон авлодлари ҳам Тўхтамышхон билан тил бириктирдилар. Чигагой авлодининг ҳозирги хони Хизрхўжа жете лашкари ёнига Иссиққўлдан бериди Тўқмоқ деган жойда 20 миң талончи қўшин тўплаган Анқо Тўра дегани ҳам қўшиб олиб, Тўхтамышга ёрдамга келади.

Иртиш дарёсидан нарига қочиб ўтиб кетган ва «ўлди» деб овоза бўлган Қамариддин гўё нариги дунёда қайтиб келади ва Урол тоғларининг жанубидан ўтиб бориб, Тўхтамышхон хизматига қиради. Шу тарзда бутун империянинг қучларини бир мушт қилиб бирлаштирган Тўхтамышхон 100 миң кишидан ошиб кетган дахшати қўшин билан Амир Темурнинг ўзи узоқдалигидан фойдаланиб, Туронга уруш эълон қилмасдан олқоқларча бостириб қиради.

Бирлашган қучларни Оқ Урда худудига йўққан Тўхтамыш Қамариддинга

Амир Темур қилган шунча яхшиликларга қарши бехўсб ёмонликлар қилиб кетган Тўхтамыш жазосини олиши керак эди. Интиқом туйғуси жунбузга келган беку навкарлар дархонлози миң сарбозлик қўшин тўплаб, Тўхтамышнинг кетидан Олтин Урдага бостириб боришни таклиф қилмоқда эдилар. Бирок Амир Темур бундай ҳаёт-мамат курашида етти ўлаб бир кесишга ўрганган эди. У аввал Тўхтамышнинг сунган тоғига айланган Чигагойхон жетесини бир ёқлик қилиши керак эди. Чунки Тўхтамышхон Чигагой жетеси билан доимий иттифок тузиши эҳтимолга яқин эди. Хизрхўжахон, Анқо Тўра, Қамариддинлар яна Олтин Урда лашкари билан бирлашиб, Туронга икки томондан ҳужум қилиб келса, уларни энгиш амри маҳол бўларди.

Хозир эса бу икки талончи ўрда қўйин-қўйини ўлжага тўлдириб, ҳар бири келган томонига қайтиб кетди. Улар ҳатто Амир Темурнинг газабидан қўриқиб, Сигноқ ва Сабронни ҳам, Хоразмни ҳам ташлаб қочинди. Уларнинг мағлуб бўлгани шундан ҳам билинди. Амир Темур энди Хоразмни ҳам, Саброн ва Сигноқни ҳам эгаллаб, ўз давлати таркибига узиб-кесил

пойтахтига тўсатдан бостириб борди. Хизрхўжахон бутун хазина-ю, дафинаси, сила-аъзоларини ташлаб қочди, ёлғиз ўз жонини қутқариб кетди.

Бу воқеани Яздий ўз «Зафарнома»-сида шеър билан баён қилди: *Хизрхўжакам, жетед эрди хон, Қочиб кетди аз билим сасибқирон. На лашкар, на мулк*

анда қолди, на мол, Черика бўлиб барчаси дастсир, Ули-қизлари бари бўлди асир. Жете улуси бўлди

бир йўли зеру забар!

Шу ажойиб галаба билан Амир Темур Чигагойхонга мансуб бўлган жетени тажовузор қуч сифатида бутунлай сафдан чиқарди. На Хизрхўжахон, на Анқо Тўра, на бошқа бирон жете гуруҳи минбаъд Туронга талончилик ва боқинчилик мақсади билан қадам босмайдиган ва Тўхтамышхонга ҳам ёрдам бермайдиган бўлди.

Ниҳоят, Шарқий чегаралардан қўнгли тиничан Амир Темур 1387-1390 йилларда ортқича уруш-юрюшларсиз тинч ҳаёт кечирди, Оксарой қурилишини тезлаштирди. Бўйи етиб

Пиримқул ҚОДИРОВ

Амир Темур

Уришор томонидан ўлдирилган ва ўзи ҳам ташқибга учраган Тўхтамыш ўлгон шимолдан Қорасўм барханлари оша Самарқандга Амир Темур хузурига адолат истаб келади. Амир Темурга тутинган ўғил бўлиш ва умрбод сажоқат сақлашга ваъда беради.

Амир Темур буни ўзининг чингизийлар устидан эришяётган маънавий галабаси деб билади ва Тўхтамышни тутинган ўғил сифатида ўз қаноти остига олади. Амир Темурнинг оталарча ёрдами ва раҳамомлиги туйфайли Тўхтамыш ёвуз Уришор устидан галабага эришгани, аввал Оқ Урдага, 1381 йилда Олтин Урдага хон бўлгани ишмининг олдинги бобида батафсил қўриқилган. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш жоизки, Амир Темур уни ўлимдан қутқариб, хонлик тахтига эришишида энг қатта ёрдамлар бергани учун ўша пайтларда Тўхтамыш унга таъзимлар қилиб, «халоскорим, валинеъматим, тутинган отам» деб, иноқ бўлиш, сажоқат сақлаш ҳақида кўп ваъдалар берган эди. Лекин Чингизхоннинг ўзи ҳам, унинг авлодлари ҳам қуоқ ваъдалар бериб, аҳдида турмасликка, алдамчиликни ганимга қарши ишлатилмадиган ҳарбий хўйла деб оқлашга одалатган эдилар.

Тўхтамышнинг қониди бор бу одат уни ўраб олган бузуқ муҳит таъсирида юзага қалқиб чиқди. Унинг нуфузли вазирларидан бири бўлган Едигей «Чингизийлардан шундай одат бор, — дейди. — Берган ваъдангиз битта дарёни кечиб ўтандан кейин ўз қучини йўқотади. Бобокалонимиз Чингизхон қўнлича шу одатга амал қилар эканлар. Сиз оқсоқ Темурга ваъда берганингиздан буён Ёйқ, Тобол, Идил дарёларидан неча бор ўтдингиз. Берган ваъдаларингизнинг қучи аллақачон тамом бўлган».

Бобокалони Чингизхоннинг алдамчилик борасиди гани ману ибратига танган Тўхтамыш Амир Темурнинг 1387 йил қиш фаслида Эроннинг жанубидиғи Форс ва Шерозга қўшин тортиб кетган пайтидан маккорлик билан фойдаланади. Олтин Урдадан еттига чингизий шахзодалар саркардалигиди етмиш миң қўшинни Турон худудларига боқинчилик мақсади билан бошлаб келади.

Одатда Жўжи улуси ва Чигагойхон авлодлари бир-бирлари билан ҳеч қилишолмас, нуқул мулк таллашиб, 10 миң қўшин бериб, Андижон ва Ўзгани ишғол қилишга жўнатади. Хизрхўжахон ва Анқо Тўра қўшинига Сайрам ва Ташкентни эгаллаб бўлиб, Самарқандга ҳужум қилиш топширилади. Хоразмдан Олтин Урдага қочиб борган Сулаймон Сўфи ўзининг хоразмлик қўшини билан Бухоро ва Қаршига бостириб келади.

Амир Темур хали бу ҳужумлардан бехабар юрган пайтда Тўхтамышхон бутун Туронни қочиб олиш ва Чингизхон империясини таркибига қайтадан қўлиш ҳаракатига тушади. Лекин у чўчварани хом санаган эди. Амир Темур ваган ҳимояси учун қолдириб кетган азамат қучлар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Ташкент, Хўжақаб қаб қўргони мустаҳкам шаҳарлардан бирортасига душманларни киргизмайдди.

Андижон ва Ўзгани талаш учун борган Қамариддин ва Анқо Тўралар сохиқбиронга муносив ўғил бўлиб етишган Умаршайх Мирзонинг довоюраклик билан берган зарбалари остида яна Иссиққўл томонларга қочиб қўпилади.

Амир Темур воқеадан хабар топиб, шитоб билан Туронга етиб келганда номард Тўхтамышхон у билан юзма-юз олишишга журъат этолмай Олтин Урда томонга қочиб қолади. Юз миң кишилик боқинчи қўшин мустаҳкам қўргонларга қиролмаган бўлса ҳам, машҳур Занқирсаройни бузиб, ичиди бор бойликларини таллаган, сўнг бутун саройга ўт қўйиб, тағнутига аңдириб юборган эди. Туман ва қишлоқлар авёвсиз таланган, минглаб йигит-қизларни қуч ва қўриқилган ҳайдаб кетишган эди. Бахтсиз аҳволга тушган оилалар бехўсб кўп...

Ун етти йилдан бери истиқлол шарофати билан тинч ва фаровон ҳаёт кечирган эл-юрт совуқ қиш қучлариди юз берган офатга ўхшаш бу мушкул аҳволдан қутқариш йўлини ва манфур душмандан қасос олишни халоскор раҳбар Амир Темурдан қутар эди.

Сохиқбирон Кеш шаҳрида Қурултой қақириб, ёвдан зарар қўрган барча шаҳар қишлоқларга нимами ёрдам керак бўлса, беришни ҳамма ёвдиларга, хокимларга ва қўни тоифади амалдорларга топширди. Шу мақсадлар учун хазинадан жуда қатта маблағлар ажратди.

Бу вилоятларга ўзининг ишонган амирларини ҳоким қилиб қўйди ва уларнинг ҳар бирига қучли қўриқчи қўшинлар берди.

Бунинг натижасида Олтин Урда ҳам, жете ҳам бу ёқларга қадам босолмайдиган бўлди ва бир-бирларидан бутундай узилиб қолди. Мана шу қудай вазиятдан фойдаланган Амир Темур 1387 йилнинг баҳориди 100 миң кишилик қўшин билан жете қучларига қарши халқ қўнуччи юришга отланди. Сохиқбирон бу улкан қўшинини беш қисмга бўлди ва уларни бешта йўналиш бўйича Хизрхўжахон, Анқо Тўра, Қамариддин ва бошқа боқинчиларни яширинган жойларидан излаб топиб, бартараф қилиш учун жўнатди.

Ҳар бири йигирма миң, ўттиз миң кишидан иборат бўлган бу лашкарларнинг бирига сохиқбироннинг ўғли Умаршайх Мирзо, бошқаларига энг ишончли амирлар саркарда қилиб тайинланди. Асосий қўшинни Амир Темурнинг ўзи бошқарди.

Иртиш дарёси бўйларидан то Алма-Ати ва Иссиққўлга жуда қатта майдонни қамраб олган бу юриш етти ой давом этди. Анқо Тўра бор қучларидан айриқиб, тор-мор бўлгандан сўнг Қашкар томонга қочиб ўтиб кетди. Унинг бутун йўқдан бойликлар, мол-мулки ўлжа қилиб олинди, минглаб навкарлари қириб ташланди, таслим бўлганлари асир олинди.

Қамариддин яна тоғу чўллар оша қочиб, асарий қучларидан қудул бўлди. М.Ивагиннинг ёзишича, бу қароқчи омон қолган бир нечта одами билан иккинчи марта Иртиш дарёсидан нарига ўтиб, Сибир ўрмонларида гоийб бўлди!

Асосий ганим бўлган Хизрхўжахоннинг изидан Амир Темур ўзи борди. Хизрхўжахон Юлдуз яйлосидан ва Найри деган довондан ҳам нарида Қорасўм деб аталадиган гўзал манзилни ўзига ёзги пойтахт қилиб олган эди.

У Қашқарнинг Хўтанига яқин бўлган бу жойларни «Амир Темур топиб келолмайдими» деб ўйлаб, машаққат қилимоқда эди. Бирок Амир Темурнинг Қора Булоқ ва Қўштин Қоя деган жойларда қоровулда Турган минглаб асарларини бир зарба билан тумтарай қилиб қочирди ва Найри доводидан ошиб, Хизрхўжахоннинг ёзлик

қолган невараларининг тўйини ўтказди. Эл-юртнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган жуда қўн чора-тадбирларни амалга овллади. Айни вақтда, Олтин Урдага қарши юришга ҳам астойдил тайёргарлик қўрди. Сўнгги уч йил давомиди Амир Темур қўшинларининг сончи 200 миңга етди.

Бир вақтлар Тўхтамыш ёлғиз ўзи Олтин Урдадан қочиб, Амир Темурдан панох истаб келган бўлса, 1390 йилда чингизий ўлгонлардан бир эмас уч нафари Тўхтамыш билан ёвлашиб, Амир Темур панохига юзлаб навкарлари билан қочиб ўтиб келдилар.

Буларнинг бири Тўхтамышнинг чап қўл вазирни бўлган Едигей Манғит эди. Иккинчиси Уришорнинг невараси Қўнча ўлгон ва учинчиси Олтин Урда тахтига даъвогар Темур Қўлтуғ эди. Амир Темур буларни одатдаги ҳурмат ва саховат билан қабул қилди. Тўхтамышга қарши юриш пайтида улардан йўл қўрсатувчи — гажарчи сифатида фойдаланди.

Амир Темур 200 миң қўшин билан Тўхтамышга қарши юришга 1391 йилнинг 22 январиди Ташкентдан жўнаб кетди. Туркистонда Аҳмад Ёвсавий қабрини зиёрат қилиб, улғу пирнинг руҳидан мадда олди.

Қўшинлар Уттордан ўтиб, Қорасомон деган жойга етганда, шимолдан Тўхтамышхон элчилари қимматбаҳо буюмлар, тўққиз от ва бир бургутни Амир Темурга совга қилиб келтирдилар. Элчилар таъзим бажо келтириб, Тўхтамышхоннинг гуноҳини кечирishi ни сўрадилар.

«Тўхтамышхоннинг номиасиди, — деб ёздади тарихчи М.Абдураунов, — хон узр сўраб, ўз хатти-ҳаракатини қоралаган, ёмон одамларнинг галига қилиб, душманлик қайдиғияга берилгани учун пушаймон эканини айтган эди. Бундан буён валинеъматига қилиш ваъдаларига сўзсиз амал қилишини бот-бот тақорралади». Лекин энди Амир Темур унинг сўзларини алдамчининг навбатдаги хўйласи деб билди. Элчиларнинг тилёғлама гаплари туйфайли шундай қатта тайёргарлик билан бошланган юришни тўхташ ва 200 миң қўшинни орқага қайтариш ақлдан эмас эди.

Буни қўлчилик амирлар ҳам сезиб турар эдилар. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамышнинг сўнгги боқинчи-

лигини тутинган отага нисбатан хоинлик ва оқладарлик деб атади. Фақат «элчига ўлим йўқ» деган қондага амал қилиб, Тўхтамиш элчиларига зиёфат берди, келтирган совғаларига жавабдан саруна инъом қилди, яхши чодирлардан жой ҳозирлади. Аммо уларнинг Тўхтамиш ҳузурига қайтиб кетишига рўхсат бермади. Элчилар қаттиқ назорат остида қўшинга йўл кўрсатувчилик вазифини бажаришга мажбур этилди.

Бунга жавабдан Тўхтамиш ҳам қўлидан келган барча ёмонликларни қилди. Дашти Қипчоқда сурув-сурув чорвалари билан қишлоқлардан минглаб кўчманчи чорвадорлар яшар эди. Амир Темур ҳарбий юриш жараёнида улардан дон-дун ва гўшт, ёғ сотиб олиб, лашкарини озиқ-овқат билан тўла таъминлаш ниятида эди.

Дашти Қипчоқнинг изғирин совуқларида ойлар давомида қор кечиб йўл босиш учун жангчиларнинг озиқ-овқат таъминоти жуда яхши бўлиши керак эди.

Дастлабки ойларида ватандан тўя ва арваларга ортиб чиқилган оқват захиралари ҳисобига жангчилар гўшт-ёғ ва озиқ-овқатдан танқислик сезмадилар. Лекин Дашти Қипчоқнинг кўчманчи чорвадорлари қишлоқлардан шимолли худудларга кириб борганларида фақат бум-буш кўралар учраб, қишлоб жойларида бирор

гидан ўтаётганида пистирмадан чиқиб тор-мор қилишга қаратилган эди. Бу орада май ойи кирган, Ёйиқ дарёси баҳор ёмғирлари ва Ўрол тоғларидан эриб тушаётган қор сувларига тулиб, от-уловни оқизадан даражада тошиб оқмоқда эди.

Шунга қарамай, Амир Темур ўз қўшинларини Тўхтамиш лашкари пистирмада турган одатдаги учта кечикнинг бирортасидан ўтказмайди. Дарёнинг юз чақиримча юқори оқимидан бошқа бир қўлай кечик топади ва барча қўшинларини дарёдан беталофат ўтказишга муваффақ бўлади. Тўхтамиш эса эски кечулар олдиға пистирма қўйиб алданганини сезгандан кейин орқаға қайтиб кетади.

Унинг илгор қисмлари ҳар замонда Амир Темурга узоқдан ўзини кўрсатиб, шимол томонга чекиниб борарди. Амир Темур қўшинлари ёвни таъкиб этиб, яна бир ярим ой йўл босди, ёз кириб ишон оёғи бошлади. Тўхтамиш бир неча марта Амир Темур қўшинларини катта ботқоқликлар ва чакалакзорларга бошлаб киришга уриниб кўрди. Лекин соҳибқирон доимий одатига биноан тўрт тарафга ҳақикий аҳволни аниқлайдиган ва душман орасидан «тил» олиб келадиган ботир йигитларни юбориб турарди. Уларнинг ахбороти ёрдамида душман ишлатмоқчи бўлган барча ҳарбий ҳийлаларни чиппака чика-

навкарлар отларидан тушиб чодир ўрната бошлайдилар. Амир Темур ҳатто «Палосларни тўшасинлар» деб буорди. Амир Темур ўзи жойнамозни ёвни икки ракаат намоз ўқиди»¹.

Бу билан у Тўхтамишдан тап тортмаслигини кўрсатибгина қолмай, адолат учун қилмоқчи бўлган хатарли жангида яратгандан мадад сўради.

Тўхтамишхон Амир Темур лашкарини кетидан эргаштирмоқчи бўлиб анча узоққа кетиб қолган эди. Амир Темур эса уни таъкиб этишни тўхта-тиб, ўзига қўлай жанггоҳ танлаганидан кейин Тўхтамишхоннинг биринчи бўлиб ҳужум бошлашини кутди. М.Абдураимовнинг «А.Самарқандий асаридан келтирилган парчасида Амир Темур яна «чодир тиқшини ва ҳар бир чодир ичида битта-иккитадан чироқ ёқушни буоради»², дейилади.

Шу фактни ҳисобга олсак, Амир Темур ўзига қўлай жанггоҳ танлаб, қўшинини шу ерда тўхтатганда кеч кириб қолган бўлади. Узоқлашиб кетган Тўхтамиш икки юз минглик лашкарини орқаға қайтариб, Темурқўшинга яқинроқ олиб келгунча қоронғу тушади. Шунинг учун чироқлар ёқилади.

400 минг жангчи иштирок этадиган бундай улкан муҳорабани қоронғу тунда бошлаб бўлмас эди. Шунинг учун Тўхтамиш ўз лашкарини маълум бир жойда тўхта-тиб, тонг отишини

қисиб борилади. Ёв қўшинининг шимолга ва жанубга қочадиган йўллари тўсиб олинади. Улар фақат фарб томонига Волга дарёсига қараб қочишга мажбур бўладилар. Лекин бу ҳолат кўларининг суриб ўтиб бўлмайдиган улкан дарёда фарб бўлишига ёки орқадан қувиб келаятган голиб лашкар қиличидан жон беришига сабаб бўлди. «Икки бало ичида қолиб, оз киши андин тирик қутилди»³ деб ёзади Яздий.

Албатта, ёв аскарларининг маълум бир қисми қуролни ташлаб, қўлини кўтариб таслим бўлади. Улар асир олинади.

Жанггоҳдан жануброқда Волга дарёси эгилиб ўтадиган хушманзара йилловлар бағрида Ўртуба деб аталадиган жойда хоннинг саропарда ва шохона ўтовлари тикланган ёзлик пойтахти бор эди. Амир Темур голиб қўшини билан мана шу жойни забт этади.

Беш ой давом этган машаққатли ҳарбий юриш ва ҳаёт-мамат жангидан кейин Амир Темур бу ерда Олтин Ўрданинг жуда катта бойликларини қўлга туширади. Голиб сипоҳийлар хазина тўла олтин-қумушлардан катта-катта улушлар олдиди.

Поёнсиз йилловлардан юзлаб сурув қўйлар, минглаб серсуг биляр

сида куйидаги муҳим фикрни билдиради:

«Қуликова майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йиритқўнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб тарих сахнасида го-ийиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз овоз қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот — кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган «буюк ва шафқатсиз» Амир Темур бизни овоз қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан овоз бўлишимизга олиб келган»⁴.

«Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмас, Холиқ билар» деган нақл эсга тушади. Бу ерда ёш рус тарихчиси тилидан (100 йиллар ўтгандан сўнг) адолатли Холиқ сўзлагандай бўлди. Тарихчилар «Кандирчада Амир Темур Тўхтамишнинг белини синдирди, шундан кейин Олтин Ўрда қаддини тиклай олмайди», деган фикрни кўп тасриқлайдилар.

Тўғри, Тўхтамишнинг Кандирчадаги мағлубияти уни жон талвасасига солиб қўйди. Лекин бу талваса хали яна юз давом этди. Чунки Олтин Ўрда икки аср давомида катта куч йиғиб, осонликча жон бермайдиган давлатга айланган эди. Фарда Литва ва Польша Олтин Ўрданинг

ҚАХРАМОНЛИҚ

Илмий бадиа

сурув қўй, бирорта чўпон-чўлик кўзга кўринмас эди.

Тўхтамишхоннинг фармони билан Амир Темур қўшини ўтадиган жойлардаги ҳамма чорвадор аҳоли зўравонлик билан шимолдаги Ўрол тоғлари этакларига қўчириб кетилган эди. Дашти Қипчоқда қишда ҳам яшайдиган чорвадорлар орасида зўр бериб ваҳимали овозлар тарқатиларди: «Бу ердан кўчиб кетмаганларни Темурнинг 200 минг қўшини қириб ташлайди, биронта тирик жон қолмайди!» Бу ваҳимали овозлар ҳам таъсир қилиб, Дашти Қипчоқнинг беповён худудларида аҳоли зоти қолмаган, фақат у ер-буерда қийиқлар, сайгақлар, бўрилар учради.

Апрел ойида ҳам Дашти Қипчоқда совуқ кучли бўлар, қўшиннинг гўшт захиралари тугаб, фақат талқон ва аталага кунлари қолганидан тўрт томони очик яйдоқ даштнинг суякларини ҳам зирқиратадиган совуқ изғиринларига бардош бериш бениҳоя қийин эди.

Шунда Амир Темур барча қўшин саркардаларини машваратга чакриб, мисли қўрилмаган улкан бир ов уюштиришни буюрди. Унинг кўрсатмаси билан тўрт томининг ҳар бири олтимш фарсаҳдан, яъни 180 қақиримдан масофадан қамраб олган, жами кенглиги 720 қақирим бўлган ов қамарғаси («қамаш» сўзидан) ташкил қилинди. Қамарғанинг бир четидан иккинчи четигача бўлган масофа Ташкент билан Жиззах орасидаги масофага келарди. Шундай бўлса ҳам, тизиз сафлар билан ўралган қамарға эста-секин кирайиб борди. Вақт ўтган сари қамарға ичида минглаб оқ сайгақлар, гўзал жайрон кийиқлар, буғилар ва бошқа хил ов ўлкалари тўплангани кўзга ташланди. Қуролли жангчилар қамарға ичига кириб барча жониворларни отиб олдилар. Шу тарзда бутун лашкарнинг бир ойлик гўшт захираси ҳозирланди.

Соҳибқирон қашф қилган бу ов усули юриш давомида яна бир неча марта тасриқланди. Гўё она табиатнинг ўзи мушкул аҳволга тушган Амир Темур қўшинига ўз سخавати билан ёрдамга келгандай бўлди.

Тўхтамишнинг навбатдаги ёмон нияти — Амир Темур қўшинини Ёйиқ дарёсининг кўччилик ўтадиган Ёйиқ

рарди. Ҳатто Тўхтамишнинг ишонган байроқдорлари орасида ҳам соҳибқиронга садоқат сақлаб юрган ва зарур пайтда унинг мушкулини осон қила оладиган одамлар бор эди.

Шу тарзда улар Идил (Волга) дарёсининг чап томониға қўйиладиган Кандирча деган дарёға яқинлашдилар. Бу ҳозирги Самара вилояти худудида эди. Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Берке Идил — Волганинг ўнг қирғоғидаги баландиқларда (ҳозирги Волгагарда қишда) қад кўтарган эди. Фақат хонлар ўз харамлари ва арқони давлатлари билан ёз ойларида дарёнинг чап қирғоғида Сўх дарёси бўйларидаги хушманзара, баҳаво йилловларни ёғи пойтахтга айлантириб эдилар. Бир қисм хазина ва тоғу тахлар ҳам шу шохона жойларга олиб келинарди.

Тўхтамиш Амир Темурни ўзининг ёғи пойтахтиға яқин келтирмаслик учун Сўх ва Кандирча дарёларидан ҳам ўтиб, жангини янада шимолроқ худудларда бошламоқчи бўлди. Аммо Амир Темур Кандирча дарёсининг Сўхга қўйиладиган жойидан ўзига қўлай жанггоҳ топди.

Бу жанггоҳни яхши тадқиқ этган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдгов Москвада чиқадиган «Наука и жизнь» журналининг 2004 йил 4-сонида «Бир муҳораба сирин» номли мақоласида Амир Темурнинг Тўхтамиш билан қилган улкан муҳорабасига оид бирқатор янги ва ишонarli далиллар келтирган. Ававаламбор, муаллиф икки томондан жангга иштирок этадиган 400 мингдан ортқ аскарларни сигдироландиган каттамайдон Кандирча яқинида ётган Эски Булан қишлоғи яқинида бўлганини тўғри кўрсатади. Майдон четида шарқча ном билан аталган Кўшқ номли қишлоқ ва Қоровултоғ деган баланд төпалик бўлган. «Шарқнинг буюк ҳукмдори Амир Темур жанг олдидан айнан шу ерда — Қоровултоғда турган»⁵ деб ёзади М.Арнольдгов.

Тўхтамиш Амир Темур лашкарларини янада шимолроқ худудларга эргаштиришга уриниб, анча илгариллаб кетади. Бироқ Амир Темур Кандирчанинг Сўхга қўйиладиган жойи яқинида икки томоний дарёнинг жарғилик қирғоқлари билан ижталаган катта майдонда, Қоровултоғ яқинида қўшинини тарқа тўхта-тибди. Бек ва

кутишга мажбур бўлади.

Шу тарзда Амир Темур жанг бошланмасдан олдиноқ ташаббусни қўлга олади ва Тўхтамишнинг ўйдими-чурқ жойлар ҳамда дарё ҳосил қилган жарликлар орасидаги ноқулай жойда ясал тузишга мажбур этади.

Тўхтамиш тузган ясал қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари ҳамда гул деб аталадиган марказий қисмидан иборат эди. Қўшиннинг бундай тартиб билан жангга кириши аллақачон эскирган усул ҳисобланарди. Аммо Амир Темур ўз қўшинига янги тартиб беради. «Ҳазрат ўз черигини етти қўл тартиб этдиким, — деб ёзади Яздий, — ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва бу етти ададида ҳосият кўп турур ва кўп сир анда бор эрди»⁶.

Амир Темур қашф этган янги тартиб ва етти томондан ҳужум бошлайдиган кудратли қўллар улкан жанг пайтида соҳибқиронга катта устунлик беради. Айниқса, Амир Темур захирода тутиб турган улуг қўл жанг энг қизиган пайтда Тўхтамишхоннинг икки қанотини бүкиб, унинг орқа тарафиға ўта бошлайди.

Бу жанг ҳақида «Темур тузуқлари»нда ажойиб бир факт келтирилган:

«Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил бириктирган эди... Уруш авжига чиққанда байроқдор байроғини тубан тушириши керак эди... Жанг жадал ўти қўққа кўтарилганда, олов ёқиб таом пиширишни буюрди. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроғи тубан бўлди»⁷.

Албатта Амир Темур байроқдор билан шахсан ўзи эмас, маълум бир хуфиялар орқали тил бириктирган. Жанг авжига чиққанда ёқилган олов эса байроқдор байроғини тубан қилиши учун пайт келганини билдирувчи сигнал бўлган.

Амир Темурнинг «улуг қўл» деб аталадиган қўшинлари Тўхтамишхоннинг орқа тарафиға ўтиб, хонни қуршоғга олиш хавфи туғилган пайтда унинг байроғи ҳам тубан бўлади. Буни кўрган Тўхтамиш жон талвасасига тушиб, орқадаги ўрмонзор томонга қоча бошлайди. Уни қувиб етолмайдилар. Саркардасиз ва байроқсиз қолган ёв лашкари саросимага тушиб тузиб кетади.

Амир Темур бўйруғи билан қочаётган душман Волга дарёси томонга

ҳайдаб келинди. Ўлжалар орасида хонлар ичадиган хумлар тўла майлар ҳам бор эди. Аммо Амир Темур май ичадигани учун беку навкарлари ҳам шаробхўрликдан ўзларини тийр эдилар. Хумлардаги майларни Сўх дарёсига тўкиб ташладилар. Сўнгра ажойиб қимизлардан тўйгунча ичишиб, қази-қарталар, тандир каболлар ва бошқа нозу неъматлар еб, мағлуб хон қароргоҳида 26 кун хурсандчилик қилдилар ва ҳордиқ чиқарадилар.

Ёз ойлари тез ўтди. Амир Темур ўша йилги куз пайтида Самарқандга соғ-саломат қайтиб келди. Унинг 1391 йилда Тўхтамиш устидан эришган ғалабаси жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олган улкан воқеалар қаторига кирди. Гарчи Амир Темур бу ғалабани кўрнамалар Тўхтамишга берилган адолатли жазо, деб камтарона таърифлаган бўлса ҳам, Кандирча дарёси бўйида бўлиб ўтган жанг бутун Олтин Ўрда ва Чингизхон тузган улкан империяға қақшатқич зарба бўлиб тушди. Игитлик пайларидан буён халқ озодлик ҳаракатиға етакчилик қилиб келаятган Амир Темур Кандирча бўйида Тўхтамишнинг тор-мор этиш билан ўзининг бутун ҳаёт давомида қилиб келаятган олихановишида — тутқун элларни чингизийлар асоратидан қутқаришда янги саҳифа очди.

Бошқирд халқ ёвузчаси Ахияр Ҳакимов ўзининг «Карвон»¹⁰ номли романида Амир Темур Тўхтамишнинг мағлуб этиш билан бошқирд, татар ва шу минтақада яшайдиган бошқа халқларга катта халоскорлик қилганини миннатдор бўлиб қаламга олади.

Юқориди эслаб ўтилган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдгов 2004 йилда Москвада босилган мақола-

¹ М.Иванов, «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур». Топшкент, 1994 йил, 128-129-бетлар.

² Бям — қўриқ, ваҳимага тушиб.

³ Ш.А.Яздий, «Зафарнома», 1997 й. 126-б.

⁴ М.Арнольдгов, «Бир муҳораба сирин» таржимаси. «Тафаккур» журналининг 2005 йил 1-сонидан олинди. 90-91 бетлар.

⁵ Н.Шомий, «Зафарнома», 1996 й. 163-бет.

⁶ М.Абдураимов, «Темур ва Тўхтамиш», 2000 й. 31-бет.

⁷ Ш.А.Яздий, «Зафарнома», 1996 й. 137-бет.

⁸ «Темур тузуқлари», 2005 й. 50-51-бетлар.

⁹ Ш.А.Яздий, «Зафарнома», 1977 й. 139-бет.

¹⁰ Ахияр Ҳакимов, «Карвон», роман. «Жаҳон адабиети» журнаси. 2001 й. 1,2,3-сонлар.

¹¹ М.Арнольдгов, «Бир муҳораба сирин» таржимаси. «Тафаккур» журналидан олинди, 2005 й. 1-сон 91-бет.

(Давоми бор).

ҚОРА КУРСИДА... СУДЪЯ



йўлда машина елдай учириб кетди. Жўддам қишлоғидаги чорраҳадан ўтгач, билки юртлири, институт жойлашган икки километрга яқин масофада ҳаракат тезлиги соатига 50 километрга чекланган, йўл четига тегишли белги қўйилган, ўша кўчадан неча бор ўтган судья бунчи яхши биларди. Бироқ ўзига бини қўйган маст судья тезликни камайтирмади. Олинда бораётган юк машинасини кувиб ўтишга ошқиди. Чал ёнбошга таққиланган йўл ўртасидаги зулуқларини ўчириб-ёндираётганига парво ҳам қилмай гази босди. Артидан қарши тарафдан яқин келиб қол-

ган юк машинасига тўқнашиб кетишга кўзи етди-ю, машинани яна қарама-қарши йўналишининг чап тарафига, йўл четига олиб, тормоғни босиб, тезликни камайтирмай автобус бекати ёнидан ўтиб, йўл четигаги тўсиқларга сирпаниб тўхтади...

— Катта тезликда Фарғонадан Қирғулига қараб келаётган «Нексия» олинда бораётган машинани кувиб ўтиш учун ўртадаги чизикдан қарама-қарши йўналишга чиқиб кетди, — дейди Ҳожаева кўз ўнгидан юз берган гувоҳ Рустам

Баратов. — Қирғули тарафдан рўпара келиб қолган «КамАЗ»дан ўзини қўчқаниб нариги четга олиб кетди, бекатда турган икки кишини уриб юборди. Мен йўлнинг нариги юзига, автофалокат содир бўлган жойга югуриб ўтдим. Икки бола асофат устидан букчайиб ётганини кўриб юрагим орқамга тортиб кетди. Шу пайт нариги кўчанинг юзидан профилактика инспектори югуриб келиди. Рақциясида кимларгадир хабар берди. Асфалтда ётган болаларнинг кўлларини ушлаб кўрди. Хали тирик биттасини «Тез ёрдам» машинасини тўхташиб чиқариб юборди... Ярми гулзорга кириб қолиб тўхтаган «Нексия» машинасида ҳеч ким тушгани йўқ...

— Политехника институти рўпарасидаги уйда жойлашган жазмат

хонамда бир ўзим ёзув машинасида ишлаб ўтирдим, — дейди шахар ИИБ 31-таъна пункти профилактика инспектори Баходир Қодиров. — Йўлда қаттиқ гупиллаган, машина одамни уриб юборганда-гина ўхшаш овозни эшитиб, ташқарига чиқдим. Бу овоздан аввал тормоғлашиб товуши эшитилгани йўқ. Институт дарвозаси ёнидаги автобус бекатидан ўн-ўн беш метр нарида Қирғули йўналишига қараб бир «Нексия» турган эди. Югуриб борсам, машина орқасида, 3-4 метр нарида икки киши юзтубан ётибди. Дарров навбатчилик қисмига хабар қилиб, «Тез ёрдам» юборишларини сўрадим. Машинанинг олдига бориб, очқиб ойнагидан ичкарига қардим. Димоғимга ароқ хиди урилди. Ёнимдаги одамлардан сўрасам, машинада ҳайдовчининг бир ўзи экан. Унга ҳеч харама қилмабди. Ҳайдовчидан спиртли ичимликнинг ўткири хиди аниқланган. Аҳолини сўрасам, тили араб айланган, нима деганини тушунамади. Машинасида икки кишини уриб юборганини айтганимда, уларнинг теласига борди. Тезкор-тергов гуруҳи етиб келиб, суриштирувни бошлаб, ҳайдовчининг Қўқон шахар судининг расмиларини билдим. «Нексия» унинг хизмат машинаси экан.

Ўзи қонун ҳимоячиси бўлган, бироқ маст ҳолда машина бошқариб, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўлоқ равишда бузиб, икки ёш йилгитини ҳаётига зомин бўлган содир судья қилмишига яраша жазоланди.

И. ВАЛИЕВ,
Фарғона вилоят
прокуратураси катта терговчиси

Кенчи соат саккиз, қоронғу тушган. Санжар билан Мансур Жўддам қишлоғининг тепароғида, катта йўл бўйидаги ўзлари ўқийдиган Солиқ коллежидан чиқиб, беш юз метрга юқорида, Политехника институти дарвозаси ёнида жойлашган автобус бекатида юришди. Бекат бўш, автобус қатнови тўхтаган, лекин «Дамас», «Раф» маршрут таксиларидан бирига чиқиб шахар марказига етиб олишди. Биронта бўш «маршрутка» ўтиб қолса...

Чап тарафга кўз тикиб турган йилгитлар ўнг тарафдан ўзларига қараб учиб келаётган машина чирокларини кўришди, холос... Машина уларни уриб, тепага учириб юборди. Ўтиб кетган машина ортидан гуриллаб ерга юзтубан тушибди. Нима бўлганини аниқлашга умиди йўқ. Бирини шу ернинг ўзиде, иккинчисини ҳушига келмай касалхонада ҳаётдан қўюмди. Улар ҳали ўн етти баҳорни ҳам кўришмаганди. Санжар Наманганнинг Тўсар қишлоғидан, Мансур Андқоннинг Қорақўрғон қишлоғидан келиб коллежнинг 1-курсиде ўқиётган эди...

Эллиқ уч ёшнинг уриб қўйган Ҳабибулло Мирзараҳимов 2002 йил охирида Жиноят ишлари бўйича Қўқон шахар судининг раиси лавозимига тайинланган эди. Неча йиллардан бери суд идораларида ишлаётган ҳуқуқшунос қонун-қондалардан салгина четга чиқиб ўзиёқ ҳуқуқ оқибатларга олиб бориши, базван Ҳожаева сабаб бўлишини иш тажрибасида кўн турган, бу каби қанчадан-қанча жиноят ишларини судда кўриб, айбдорларга қонун доирасида ҳукми қўйган, жиноий қилмиш сабабларини бартараф этиш юзасидан хусусий ахримлар чиқариб, жамоатчилик иштирокида муҳокама қилишга

юборган эди. Безориликдан тортиб қотиликкача бўлган ақсарият жиноятлар спиртли ичимликларни ичиб, маст-аласт бўлган шахслар томонидан содир этилишининг шохиди бўлган эди.

Ичкиликбозликнинг нафақат ўз соғлиғи, ўзгалар соғлиғи, ҳатто ҳаётига зомин бўлиши ҳақида панднасихат қилишдан қарчамайдиган одамнинг ўзи майқўрликка берилган эди. Ҳожаева юз берган ўша, 2005 йил 12 май кўни ҳам ғирт маст ҳолда «Нексия» хизмат машинасининг рулига ўтирди. Бу билан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қўра маст ҳолда автомобилни бошқариш тақиқланганини беш кўлда билган судья дастлабки ҳуқуқбузарликни содир этди. Иккинчи ҳуқуқбузарлик — хизмат машинасининг 15 А1 166 давлат белгиси ўрнига 0258 ФЕФ давлат рақамини ўзбошимчалик билан қадаб олган эди. Қонун-қоидаларни оз-оздан четлаб ўтиш билан йирикқок қонунбузарлик, жиноят индаллоси туғилди. Ўтиришда тузикича отиб олган Ҳабибулло Мирзараҳимов «Нексия»нинг рулига ўтириб, Фарғонадан Марғилон шахарига Қирғули орқали йўл солди. Худди битта нарсадан қуруқ қолаётгандай катта

«Алвон ЛТД» МЧЖ президенти ва шу билан бирга «Хоразмиррига» қурилиш» очқ акционерлик жамаияти акцияларининг асосий қисмига эғалик қилувчи сифатида қузатув кенгаши раиси лавозиминда фаолият кўрсатаётган М.Курёзов ана шу масъуллик тўғрисида нутқлардан бири экан.

Кутилмаганда ёшулли жаноблари мансабидан фойдаланиб, иккинчи ва талабларини ўрганмай туриб, Афғонистонда фаолият юритувчи «Камгар ЛТД» фирмаси билан истиқболсиз шартнома тузади. Шартноманинг бажарилмаслиги натижасида эса жамаият ишчиларининг манфаатлариде оёқости қилинди. «Хоразмиррига» қурилиш» ОАЖнинг 700 нафар акционерига дивидент пули ва ишчиларнинг иш хақи берилмай қолиб кетди. Пиравардида қанча-

шартномасига қўра келишидан суммарини 15 фоизи, 3.500.000 доллар — 2979 доллар «Алвон ЛТД» МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказиб бериши ва ана шу маблағ эвазига иш бошланиши керак эди. Бироқ ҳоржий шериклар шартномани тузишга тузиб, бунча маблағни бера олмасликлари боис янги битим таққил қилдилар.

Декабр ойининг охирида томонлар «2003 йил 3 сентябр» санаси билан қайтадан шартнома тузишди. Бироқ битимни нега ўтиб кетган сана билан тузиш керак бўлганига Машираф Курёзов ҳеч қандай изоҳ беролмади. Бу гал 20.000 доллар қийматдаги 10 кило-

афгон тупроғида сарсон бўлган хоразмлик ишчилар раҳбарларнинг ҳамини қапайиш учун озим-қўлми тер тўқинганини аниқ-тиниқ билишмасди.

Отнинг қалласидек мошо ваъда қилиб, йилгитларнинг қўйини пуч ёнқоққа тўлдирган бошлик ҳар гал сувдан қуруқ қиқини чамаларди.

Эксковаторчи А.Котков 2003 йил декабрдан 2004 йил августгача ишлаб, бор йўли 74 доллар олади. Уни ҳам ишчиларга бошлик қилиб қўйилган Р.Мейлиевдан олган. Афғонистондан уйига 2004 йилнинг май ойида қўла-қуруқ қайтиб келган А.Котковни

Саргардонлик

Хоразмда «ёшуллилик — масъулликдир» деган нақл бор. Бунинг замирида катта маъно мўжассам. Чунки раҳбар одам давлат ва халқнинг ишончини оқлаши лозим бўлган шахсдир. У кўл остидаги жамоанинг қисматига ҳам жавобгар.

дан-қанча оилаларнинг ризқ-насибаси, тинч-товуғлигининг омилли бўлиши моддий таъминот узиди. Гап шундаки, 2003 йилнинг 8 июл кўни «Алвон ЛТД» МЧЖ президенти М.Курёзов ва «Камгар ЛТД» фирмаси президенти З.Камгар ўртасида Афғонистон ҳудудида Ҳайратон — Мозори Шариф — Ақина йўналишида 25 млн. АҚШ доллари қийматдаги 150 километрик йўлни куриб бериш ҳақида битим имзоланди. М.Курёзов «Хоразмиррига» қурилиш» ОАЖга қарашли корхоналарда ишлайдиган 39 нафар ишчини «Алвон ЛТД» МЧЖга ишга қабул қилиб, улардан 33 нафарини ойига 300-500 доллар атрофида мошо тулаш кафолати билан Афғонистонга ишлашга жўнатди. Шунингдек, у ваколатидан фойдаланиб, «Хоразмиррига» қурилиш» ОАЖ тасарруфидеги корхоналар билан «Алвон ЛТД» МЧЖ ўртасида ойига 3.391.000 сўмлик ижара шартномаларини тузади. Унга қўра балоиси баҳоси 36.354.000 сўм бўлган 52 та техника ва механизмлар Афғонистонда йўл қурилиш учун ижарага олинди. Булдздер, эксковатор, автокран, нивелер, скрепер ва бошқа техникалар 20 та вагонга ортилиб, 18 декабр кўни Термиз шахридаги «Галаба» темир йўл бекатига етказилди. Бироқ барча техника ва ишчилар ишга шай ҳолатда бўлса-да, Термизнинг ўзида раҳбарнинг масъулиятсизлиги сабабли бир ой қолиб кетди. Чунки «Камгар ЛТД» фирмаси

метрик йўл қурилиш ҳақида келишилган эди. Олинчдан туланиши лозим бўлган сумма — 2979 доллар «Алвон ЛТД» МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказилгач, ишчилар ҳақида техниклар Афғонистоннинг «Ҳайратон» темирйўл бекатига етказиб қўйилди. Бироқ ҳоржий шериклар яна ишчи пайсалга солишди. Шартномада келишилган 10 километрик йўл қурилиш бюртмасини ҳам йўққа чиқади. М.Курёзов ишончи марта чув тушади. У раҳбар сифатида шерикларнинг мажбуриятини бажаришларини қатъий талло қилмайди. Шунча олинчдан не-не машаққатлар эвазига олиб келинган техниклардан фойдалана олмади, Хоразмга қўл-қуруқ қайтиш роса алам қиларди.

Ишонч, оч-наҳор қолган ишчиларга М.Курёзов ҳеч қандай мадад беролмади. Ишчилар З.Камгарнинг уқиси Турали ва маҳаллий аҳолининг бюртмаларига қўра емак-ичмасиз қолиб кетмаслик учун техниклар билан арзон-ғаров хизмат кўрсатишди. Бироқ ҳаммага ҳам иш топилавермади. Шу боис ишчиларнинг дастлабки гуруҳи ярим ойдан кейин ортага қайта бошлайди. Бироқ ишчиларнинг оч қолмаслиги ва ўйга қайтиш учун йўлқира қилиш умидида кўрсатган хизматни орқасидан М.Курёзов 71.000 доллар ишлаб олган эди. У кўрсатилган хизмат учун ҳужжат расмийлаштирмади. Натижасида «Алвон ЛТД» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига пул келиб тушмайди. Албатта,

М.Курёзов икки ойдан сўнг яна лақиллатиб, иккинчи марта Афғонистонга ишга жўнатди. Амударёдан сув чиқаришга мўлжалланган каналнинг ҳар бир километрини учун 150 доллар ҳақ тайин қилингандан сўнг ўзи, ўғли ва яна бир жүраси билан 4 километрик канални қазिशга киришди. Бироқ у бу гал ҳам алдаганиди. Тоқати то бўлгач, А.Котков ҳуқуқ-тартибот органларига арз қилди.

М.Курёзовнинг қилмишлари тергов ва суд жараёнида янада ойдинлашди. Хусусан, «Хоразмиррига» қурилиш» ОАЖ тасарруфидеги корхона билан тузилган ижара шартномалари бўйича Афғонистонга олиб кетилган техниклар учун 57.647.000 сўмлик ижара ҳақи туланмаган. Яхшиямки юқоридаги техниклар Афғонистонда қаровсиз қолдирилмади. Аке ҳолда уларни бугунгича ортага қайтаришнинг иложи бўлмасди. Қайта Эзебекистонга — Термиздаги темирйўл бекатига ўтказилган 20 вагон техникани маблағ йўқлиги боис Хоразмга олиб келишнинг иложи бўлмаэтир.

Олин суд М.Курёзовни Узбекстон манфаатларига хилоф битимлар тузиш ҳамда мансаб ваколатини сунистеъмом қилишда айбдор деб тоғди. Унга катта микдорда жарима солинди. Шунингдек, суд «Алвон ЛТД» МЧЖдан шартнома бўйича ижарага берилган техника ва механизмлар учун «Хоразмиррига» қурилиш» ОАЖ тасарруфидеги корхоналарга 57.647.000 сўм, Афғонистонга бориб ишлаган 33 нафар ишчиға эса 37.518.000 сўм иш хақи ундириш ҳақидаги ҳўқумни эълон қилди.

Эрпўлат БАХТ

Фалокат оёқ остида

Ўтган йилнинг июн ойи. Соат тунги бирга яқинлашган. Тошкент халқа йўлидан турли-туман машиналар бир-бир ўтиб турибди. Шу пайт тўсатдан қаттиқ чийиллаган овоз оламини бузди. Унинг кетидан эса зарб билан урилган нарсанинг товуши эшитилди, бу ҳодиса Қўйлик мавзесидаги мой алмаштириш шахобчасида қўймаланаётган ишчилар ҳамда шу атрофдаги йўловчиларни чўчитиб юборди. Зумда ҳаммининг нигоҳи ўша томонга қадалди.

Тормоз «Нексия» машинасиники экан. Зумда одам йилгиди. Ёшгина ҳайдовчи йилгит қараёт ҳолда бошини ушлаганча турар, ана ҳолда эса бир одам чўзилиб ётарди. Бундай пайтда кўччилик, айниқса, ҳодиса сабаб-чилар каттиқ кўрқанларидан нима қилишни билмай қолса, айримлар жабрдиқларга ёрдам беришга ошқичишди. Ҳозир ҳам турт-беш одам йўлда ётган киши томон югуриб боришди.

— Божқил аёл киши экан-а...
— Тезда бирор машинага солиб касалхонага жўнатиш керак.
— Йўқ, қўзғатиб бўлмайди. «Скорий» чакриш керак.
— Шошманлар, янглишмасам аёлнинг қўлида боласи ҳам бор эди.

— Йў-эй, вой бечора...
Йилгитлар бу гапдан кейин болани қидиришга тушаркан, улардан бири машинанинг синган олд ойнасидан салони-идаги икки ярим-уч яшар болани кўриб қолди. Артидан аёл қўлида боласи билан йўлни кесиб ўтаётганида катта тезликда келаётган машинани кўрмай қолган. Зарба шу қадар қўчи бўлганки, машина аёлни анча жойга улоқтириб юборган. Бола эса олд ойнага куч билан урилгангича оқибатиде ойгани синдириб, боши ташқарида қолган-у танаси салонга тушган. Бу ҳолни кўрганлар даҳшатдан қотиб қолишди. Айримлар бу манзарадан эс-ҳўшини йўқотар даражага тушиб, бу ердан тезроқ кетиш пайига тушибди.

Яна галя-говур бошланди. Ким-дир аёлнинг устига энгашиб, яна қаддини ростларкан:
— Онансининг ҳам жони узалибди, — деди секингина. Бу гапдан сўнг яна жимлик қўчди.
— Бу пайтда ҳайдовчи анча ўзига келиб, одамлардан милиция билан «тез ёрдам»га қўнғирок қилишни илтимос қиларкан, йўловчи маши-

нани тўхтатиб-да, қаергадир жўнаб кетди.
Кўп ўтмай воқеа жойига Тошкент шахар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси ходимлари етиб келишди. Улар жойни ўраб, тезкор тергов ходимларининг қилишини кутиб туришганда ҳайдовчи отаси ҳамроҳлигида пайдо бўлди. Артидан йилгит нима қилишини билмай, уйига бориб отасига хабар қилган...

Суд жараёнида маълум бўлишича, воқеа сабабчиси бўлиши ҳайдовчи йилгит Суҳроб Юнусов бўлиб, пойтахтдаги идоралардан бирида бошқарувчининг йўриқбосари бўлиб ишлаган. Шу кўни шанба бўлганлиги боис, ҳамкасблари билан Бўстонлек туманига бориб дам олишни режалаштирган. Идорда мажлис бўлганлиги учун у кечроқ йўлга чиққан. Турт-беш соатлик ўтиришдан кейин Суҳроб спиртли ичимлик ичган ҳолда уйга қайтган. «Фалокат оёқ остида» дейилгандек, йўлда бахтсиз ҳодиса соқ берди. Гарчи судда Суҳроб ўтиришда эмас, йўлда икки шиша пиво ичганлигини айтса-да, бу уни оқлашга сабаб бўлмайди. Қолаверса, у жабрланганларга биринчи ёрдамни кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан кетиб қолган...

Суд ҳукмига қўра Суҳроб Юнусов саккиз йил муддатга озодликдан бундан ташқари уч йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.
Тўғри, айбдорга жазо тайинланди. Аммо, ёшгина умри хонадан бўлган аёл билан норасидада нима гуноҳ? Қолаверса, соғлом қўлиқ ҳар қандай одам спиртли ичимлик ичгандан кейин машина рулига ўтирмастик кераклигини билиши билди. Йўқса...

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шахар
прокуратурасининг бўлим катта прокурори



Муаммога ечим изланмоқда

Украина бош вазири Юрий Ехануров Россия ҳукуматининг мамлакатга Украина ҳудуди орқали кириб келаётган ўшмақсулотлари босқинчилик норозилигини асосли деб топди. Гап шундаки, Россия вакиллари Украина орқали кириб келаётган ўшмақсулотларининг сифати талаб даражасида эмаслигини билдириб, 20 январдан ушбу давлат орқали кириб келаётган барча озик-овқат мақсулотлари учун Россия эшикларини ёпиб қўйишга қарор қилган. Шанба кuni бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ехануров бу масала юзасидан изоҳ берар экан, Россияга Украина орқали учинчи давлатлардан ўшмақсулотлари кириб келишини ва кўп ҳолларда ушбу давлатлар ўз мақсулотига ноқонуний равишда Украина белгисини қўйишганини билдирди. Бироқ бош вазири Россия томони нима сабабдан барча талабларга жавоб берувчи Украина сут мақсулотлари учун ўз бозорларини беркитганига тушунмай қолганини айтиб ўтди. Душанба кuni Москвада бўлиб ўтган муозакарларда томонлар ушбу муаммоларга атрафилича тўхталиб, яқин орада ўтказилаётган текширишлардан сўнг барча муаммолар бартараф этилиб, озик-овқат бозоридоги икки томонлама экспорт-импорт операциялари яна изига туртишини қайд этишди.

«Эҳтиётсизлик қилган» офицер

6 соатлик муҳокамадан сўнг АҚШ ҳарбий суди АҚШ армиясининг катта офицери кичик Луис Уэлшофер қамқонхонада сақланаётган ироклик маҳбусни эҳтиётсизлик оқибатида ўлдириб қўйган деган хулосага келди. Қизиги шундаки, Уэлшофер Ироқ армиясининг генерали Обид Ҳамид Мовхушни сўроқ қила туриб, ундан маълумот олиш мақсадида генералнинг кўкрагига ўтириб олиб, озини қўли билан ёпиб қўйган. Натижада генерал ўлган. Суднинг ҳукмига кўра Уэлшофер ҳарбий хизматдан ҳайдалиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Норози йўловчилар



«Куин Мэри-2»

пассажир лайнери йўловчилари маъмуриятга норозилик билдиришмоқда. Мазмуротларда айтилишича, мазкур сайёҳлик кемаси бортидаги йўловчилар билан Кабриб ҳавзасидаги оролларда тўхтаб, дам олиш дастурини амалга ошириши лозим эди. Лекин Майами портига кираётиб лайнернинг айрим мосламалари ишдан чиққан, шу сабаб кема сайёҳларни олиб кириши лозим бўлган жойларда тўхтамай, тўғри охириги манзил бўлган Рио-де-Жанейро портига йўл олган. Кўплаб йўловчилар кема раҳбариятининг бу қароридан норози бўлиб, лайнер Рио-де-Жанейро портига боргач, ундан тушмасликларини билдиришди. Уларнинг айтишича, кўплаб йўловчилар умри давомида биринчи марта бундай саёҳатга чиққанлар ва шу турдаги саёҳат чиптасини сотиб олишга яна имкони бўладими-йўқми? Шу сабаб улар моддий ва маънавий зарар қолганини талаб қилишмоқда.



Жосусларнинг қилмиши фош этилди

Буюкбритания ташқи ишлар вазириликта Россиянинг «Россия» телеканалида тарқатилган ахборотга нисбатан норозилик билдирди. Гап шундаки, мазкур канал орқали намойиш этилаётган «Специальный корреспондент» кўрсатувининг яқинда кунги сонида бир гуруҳ британиялик жосуслар ҳақида гап келди. Кўрсатувнинг бу галги сони мамлакат Федерал хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда тайёрланган. Унда айтилишича, Буюкбританиянинг Россияга элчихонасининг бир гуруҳ хизматчилари турли нодавлат-нотижорат ташкилотларини ривожлантириш ниёзи остида бир ево жосуслик қилишган. Кўрсатувда ФХХ ходимларининг интервюлари далил сифатида келтирилган. Улардан бирининг маълум қилишича, Буюкбритания элчихонасининг 30 ёшли архивчи-коғизчи Кристофер Пирт Москвадаги хибонлардан бирида тошларнинг остига яширин мосламани беркитади. Мазкур мослама юқори технологияли асбоб бўлиб, у 20 метр масофагача узоқликда бўлган компютер ёки шунга ўхшаш бирор техникадан ахборот ёзиб олиш ёки ўзидоги маълумотни унга ўтказиш қудратига эга бўлган. Масалан, инглиз разведкаси томонидан сотиб олинган Россия фуқаросини ушбу мослама олдидан ўқатиб, ўзининг компютеридоги маълумотини унга бир неча сонияда кўчиради. Сўнг Буюкбритания жосусли келиб, мазкур маълумотларини ўзининг компютерига кўчириб олади. Буни ҳеч ким сезмайди. Қизиги шундаки, ушбу мослама герметик модда билан қопланган бўлиб, унга сув ёки бошқа ташқи факторлар таъсир қилмаган. Шу билан бирга махсус кодсиз ундаги маълумотларини кўчириш ёки аниқлаш имкони бўлмаган. Россия ФХХ ходимлари кузатуви давомида ушбу жойга Буюкбритания элчихонасининг ходимлари Пол Кроуфорд, Эндриу Флеминг, Марк Доулар тез-тез бориб туришган. Буюкбритания ташқи ишлар вазири тарқатилган ахборотга изоҳ берар экан, юқорида номлари зикр этилган шахслар Россиядаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан мамлакатда соғлом демократик муҳитни барпо этишда ҳамкорлик қилганини, ammo ҳеч бир жосуслик фаолиятини амалга оширини таъкидлади. Бироқ, далиллар бунинг аксини кўрсатмоқда.

Москвада қутб совуғи



ПЕНСИОНЕРЛАР ДОҒДА

Догистоннинг Кейкуни қишлоғида номмаълум кишилар почтачига ҳужум қилиб, пенсионерларга тарқатилиши лозим бўлган бир неча юз минг рубл пулни ўғирлаб кетишган. Гергебел тумани ички ишлар бўлими томонидан маълум қилинишича, жиноят ўтган ҳафта жума кuni содир этилган. 68 ёшли почтачининг уйига иккита ниқобли киши бостириб кириб, тўппонча ўқталиб, 900.000 рублча пулни олиб кетишган. Почтачининг гапига қараганда, жиноятдан бир кун аввал у бир неча пенсионернинг уйига бориб, пул тарқатишга улгурган холос, қолган пулни уйда сақлаган. Энди қолган пенсионерлар номмаълум муддатга пенсиясини кутиб туришларига тўғри келади...

Ёшларнинг бебошлиғи

Эстония президенти Арнолд Рюйтел жуда ноқулай аҳолига тушиб қолди. Ўтган ҳафта пайшанба кuni Эстониянинг ЕТВ телеканали орқали мамлакат президентининг неваралари — 15 ёшли Хелена ва 13 ёшли Мария президент саройида ўртоқлари билан ўтказган базм намойиш этилган. Ўспиринлар бу ерда алкоғол ва наркотик моддаларни истеъмол қилиб, вақтинчалик қилишгани кўрсатишган. Базмда эллика яқин ўсмир қатнашган. АҚШга қилган расмий сафарида қайтган Рюйтел бу ҳолат ўрганилиб, тегишли чоралар қўлланишини биорум қилди. Бироқ ҳеч ким президент саройидаги махфий ҳужжатлар маълум қилди. Эстония полиция департаменти мазкур ҳолат юзасидан текширув ишларини бошлади. Департамент раҳбарининг гапига кўра, текширув натижасида президент саройини кўриқловчи полициячилар ўз вазиқларини талаб даражасида адо этгани-йўқми, аён бўлади. Лекин Таллин комендантлик гарнизони лейтенанти Мадис Морел кўриқлаш полицияси факатгина президент саройининг асосий дарвозасини кўриқлашини билдириб, базм уюштирилган канцелярия биноси ва яшаш жойларини кўриқлаш уларнинг ваколатига кирмаслигини айтиб ўтган.



Янги президент

Португалияда ўтказилган президентлик сайлови нихоясига етди. Унда ўнгмарказчилар партияси номзоди Анибал Каваку Силва ғолиб бўлди. Португалия марказий сайлов комиссияси тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатнинг собиқ бош вазири Каваку Силва 50,59 фоиз овоз тўплаган, унинг асосий рақиби бўлган социал-демократлар партияси номзоди ҳуқуқшунос Мануэл Алегре 20,72 фоиз овоз йўққан, холос. Янги сайланган президент ўз нутқида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида ҳукумат билан кенг миқёсли ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Йўлни қисқа қиламан деб...



Об-ҳавонинг совуб бориши Россиянинг қатор ўлкаларида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Камчатканинг Вистринск туманидаги Бистрая дарёси музлаб қолиши натижасида кўплаб фуқаролар музлаган дарёни кесиб ўтадилар. Анавағай қишлоғи яқинида рўй берган фожеа йўлни қисқа қилмоқчи бўлган фуқароларга сабоқ бўлиши мумкин. Мақтаб фарроши, 13 ёшли ўқувчи ва 1982 йилда туғилган аёл ўзининг тўрт ёшли қизчаси билан дарёни кесиб ўтаётган вақтда муз ёрилиб, чўкиб кетишган. Воқеа жойига етиб келган кутқарувчилар аёллар ва ўқувчи қизнинг жасадларини муз остида олиб чиққанлар. Тўрт ёшли қизчалок эса бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда.



Асос қолмаган

Туркия адлия вазирилик турк ёзувчиси Орхан Памук устидан олиб борилаётган суд жараёнини тўхтатишга қарор қилди. Мазкур ишни кўраётган Истамбул судига мамлакат адлия вазириликдан юборилган хатда айтилишича, Туркия жиноят кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ёзувчи устидан суд жараёнини давом эттиришга ҳеч қандай асос қолмаган. Мазкур суд жараёни ўтган йилнинг 16 декабрида бошланган бўлиб, машҳур ёзувчига Туркия образини қоралаганлик айби қўйилганди. 2005 йилнинг феврал ойида Орхан Памук Швейцарияга э-

таларидан бирига берган интервюсида миллион нафар арман ва ўттиз мингга яқин курдлик турклар кириб юборилганлиги ҳақида гапиришга мендан бошқа ҳеч ким журъат қилмапти деб айтган ва шу масала юзасидан ўз фикрларини билдирган. Агар суд жараёни нихоясига етганида ёзувчи уч йилгача қамқоқ жаозасини олиши мумкин эди. Таъкидлаш керакки, Памукка нисбатан жиноят иши қўзғатилиши Евроиттифок томонидан кескин танқид қилиниб, Туркияда сўз эркинлиги бўғилаётганлиги таъкидланган эди.

Эслатиб ўтамиз, бир неча йиллардан буён Туркия ҳукумати Арманистон раҳбариятининг 1915 — 1917-йиллар давомида Усмоғийлар империяси томонидан бир ярим миллионга арман ўлдирилганлиги ҳақидаги айбловини рад этиб келмоқда.

АЖАБТОВУР ДУНЁ

Дунё ажабтовур деганлари рост экан. Кимларнингдир умуман тасаввурига сиймайдиган ҳолатлар бошқалар учун оддий туолганидан кейин ажабланмай бўлади. Маълумки, Америка юриспруденцияси прецедентлар тизимида, яъни қачонлардир бир марта содир этилган қилмиш учун чиқарилган ҳамда кейинги шундай ҳолатлар учун намуна бўлиб хизмат қиладиган ҳукмлар тизимида асосланади. Ҳукм қанчалик ажабтовур бўлмасин, барибир қонун кучида қолади. Айова штатида севишганлар жамоат жойларида беш дақиқадан кўпроқ ўпишиб туришлари ман этилади. Қонунни бузганлар жазога тортилади. Флорида штатида эса турмушга чиққан аёллар яқинба кучи самолётдан парашют билан сакраши ман қилинган. Машҳур «Бурбон» вискиси ишлаб чиқариладиган Кентукки штатида шаробга тўйиб олган пиёниста умуман оёқда туролмайдиган ҳолатга келгунига қадар расман маст эмас деб тан олинади.

Турри, бундай ўйлаб кўрилса, юқорида тан олинган, қонун кучига эга бўлиб қолган ҳукмларни киши ҳали озми-кўпми тасаввурига сиғдириши мумкин. Аммо Иллинойс штатида ёниб турган сигаретни мушук, ит ёки бошқа бир ҳайвоннинг лабларига қистириб қўйишни таъқиқловчи ҳукмнинг чиқарилишига нима сабаб бўлган экан, ўйлаб ўйингга етолмайсан.

Маълумки, Шимолий Америкага биринчилардан бўлиб кўчиб борганларнинг асосий қисми Англия киборларидан ташкил топган. Бу ерда ҳозиргача амалда бўлган илк қонунларни ҳам ўшалар ижод қилган. Эътибор беринг, Теннесида эр хотинни хоҳлаган нарсаси билан уриши мумкин, фақат у куча супурадиган супургининг дастасидан узун бўлмаслиги лозим.

Хотин эса бошқа аёл билан ачомлашиб турган эрини ҳам, ўша аёлни ҳам ўзи чарчаб, ҳолдан тойгунча қамчилашга ҳақлидир. Бирор қор-қол содир бўлганда ҳам урган аёл айбдор деб тан олинмайди.

ТДЮИ талабаси
Отабек ТУРСУНХУҲЖАЕВ
тайёрлади



НИҲОЯТ...

22 феврал куни Тошкентда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2007 йили Катарида ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш турнири доирасида Бангладеш термасига қарши майдонга тушади. Қизиги шундаки, ушбу муҳим учрашувгача бир ойдан камроқ вақт қолган бўлишига қарамастан ҳалигача терма жамоамизга бош мураббий тайинлангани йўқ. ЎФФ расмий сайтида Федерация мутахассислари бу борада россиялик икки мутахассис — Валерий Непомняший ва Виталий Шевченколар билан музокара олиб борилаётганини, ҳаммасига Москвадаги МДХ чемпионлари кубоги турниридан сўнг ойдинлик киритилишини маълум қилишган эди.

Ниҳоят, ўтган ҳафтада Валерий Непомняший пойтахтимизга етиб келиб, ЎФФ раҳбарияти билан учрашди. У инзоланажак шартнома билан танишиб чиқиб, яқуний қарорини келаси ҳафтанинг бошида эълон қилади.

Асли келиб чиқishi туркменистонлик бўлган В.Непомняший бир пайтлар Самарқанднинг «Динамо» клуби бошқарган. Бундан ташқари Япония, Хитой, Туркия клублариди, Камерун терма жамоасида ишлаган бу мутахассис 1990 йили ўтказилган жаҳон чемпионатида камерунликларни Африка жамоалари орасида биринчи бўлиб ЖЧнинг 1/8-финалига олиб чиққан бош мураббий сифатида мухлисларнинг ёдида қолган.

Элмурад НИШОНОВ,
ЎзДЖТУ 1-курс талабаси

Қочиш учун озиш

Австралия қамоқхоналаридан биридаги маҳбус шунчалик озишга муяссар бўлдики, у панжара орасидан бемалол ўтиб, қамоқхонадан қочиш кетди. 36 ёшли Роберт Коул қуролид босқинчилик учун жазони ўтаётган эди. Қамоқхонага келтирилганда унинг вазни 70 кило бўлган бўлса, қочаётган пайтида 56 кило бўлган. Коул бир неча ҳафта ичда 14 килога озган. Бундан ташқари қамоқхона панжарасини номаълум предмет ёрдамида бироз қайириб, орасини кенгайтиришга муяссар бўлган. Бундан Янги жанубий Уэлс штати маъмурияти хавотирга тушди. Чунки бу билан сўнгги ҳафта ичда қамоқхоналардан қочган кишилар сони унчага етди.



Қизиқарли факт

Бурга ўз танаси узунлигидан 350 баробар узоққа сакраши мумкин. Буни одамнинг футбол майдони устидан сакраб ўтиши билан таққослаш мумкин.

Афоризм

Қандир орфингдак тўнурса,
билликки,
сен ондиндасан.

Бир киши сотувчидан сўради:
— Пайпоғингиз борми?
— Йўқ!
— Сотувда-чи?..

Шифокор қабулида.
— Битингиз борми?
— Ҳа, бор.
— Давосига нима қилиб кўрдингиз?
— Ҳеч нарса. Битларим соппа-соғ...

Марказий Осиёдаги энг улкан маърифий масканлардан бири — Ўзбекистон тарихи давлат музейи хазинасида 250 мингдан ортиқ археологик осори-атикалар, нумизматика, этнографияга оид экспонат ва архив маълумотлари сақланмоқда. Яқинда унинг кўргазмалар зали Тошкент вилоятидаги Обираҳмат ғоридан қазиб олинган ноёб топилмалар билан бойиди.

Ноёб топилмалар

Қариб саккиз йилдан буён изланаётган Ўзбекистон-Россия қўшма экспедицияси аъзолари ғорда тош даврига оид йигирма икки маданий қатлам мавжудлигини аниқлади. Ун олтинчи қатламини ўрганиш давомида ибтидоий одамларнинг бош суяги парчалари, тишлари ва тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилди.

Тегиришлар топилмаларнинг инсоният тарихини ўрганишдаги аҳамияти беқиёс эканини кўрсатди. Хусусан, тишларнинг таркиби, томографикси ва қолиги ишлаб чиқилди. Бош суяк парчаларни антропологик жиҳатдан ҳар томонлама ўрганилди. Натижада тишлар 8-9 ёшли, суяк парчаларни эса 4-8 ёшлар чамасидаги болаларга тегишли экани, уларда ҳозирги замон одамларига хос белгилар билан бирга қадимги неондертал инсонларга хос жиҳатлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳулоса оламшумул аҳамиятга эга. Зеро, бугунга қадар дунё илим-фанида мусте даврдан илк юқори палеолит даврига ўтиш босқичида яшаган одамнинг антропологик типини маълум эмасди. Шунинг учун кўпгина олимлар ҳозирги замон одамини революцион тарзда пайдо бўлган деб ҳисоблаб келарди. Обираҳмат ғори топилмалари бу фикр унчалик тўри эмаслигидан, ҳозирги одам неондертал одамнинг эволюцион ривожланиши асосида пайдо бўлганидан далолат бермоқда. Ҳордан топилган тош қуроллар Евроосиёнинг турли ҳудудларидан топилган 50-40 минг йил аввалги даврга оид ана шундай ёдгорликларга типологик ва техник жиҳатдан ўхшашдир. Бу ўтиш даврига хос тош индустрияси мазкур минтақанинг турли жойларига муайян даврда тарқалган ва улар ўртасида алоқа мавжуд бўлган деган фикр учун асос бўлади. Шундан келиб чиқиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини Евроосиёнинг илк инсонлар тарқалган марказларидан бири бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Обираҳмат ғоридаги археологик изланишлар давом этмоқда. Бундай тадқиқотлар халқимиз тарихини янги-янги саҳифалар билан бойитиши шубҳасиз.

Франция мудоффа вазирлигининг архивидан антиқа мактуб топилган. Мактуб 1960 йилда ҳарбий хизматга қақриилган йигитдан мудоффа вазирига йўлланган. Уша даврда Жазоир билан давом этаётган урушга бормаслик мақсадида уддабурон йигит аjoyиб мактуб ёзган:
«Жаноб мишистр!

Менинг ёшим 24 да. 44 ёшли аёлга уйланганман. Унинг 25 ёшли қизи бор. Отаи шу қизга, яъни менинг ўғай қизимга уйлангани сабабли менга куёв бўлиб қолди. Энди ўғай қизим отамнинг рафиқаси бўлгани туфайли менга ўғай она бўлди. Мен ўғайли бўлдим. Ўғайли ўғай онамга ука саналади. Демак, менга амаки. Отамнинг рафиқаси ҳам фарзанд кўрди. У отамнинг ўғай бўлгани сабабли менга ука ҳисобланса, рафиқалининг қизининг ўғай бўлгани учун менга набира ҳам бўлади. Шундай қилиб, кимнингдир орасининг эри унинг отаси бўлса, мен онамнинг отаси, ўғайимнинг акаси ҳисобланаман. Юқоридашларни инобатга олган ҳолда менинг демобилизация қилинишни учун барча чораларни кўришигини сўрайман. Қонун талабига биноан мен бир вақтинчи ўзида ўғай, ота ҳам бува бўлганим учун мени ҳарбий хизматга жалб қилиш мумкин эмас».

Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).

КОНСТИТУЦИЯ

Я О Н Г
И К С Т
Ц У Т И

П И Н
К К
Е Н И

О Д П О
П П Л
И К В К
Н В О

Я Е В
И Д О Л
Ц А В Ё Л

М А Н
С Д У
О С М Б

К И Т
А Б Л
А Б Л

Ч М Н Г
П И Т
И

Ф О Г
О Н
Д

А С В
И Я
О М Т

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriiddin VALIYEV, Pirmuqol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'ib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nestr ko'rsatkichi — 231

Tahriryatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahriryat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»-dan olinganligi ko'rsatishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 358. 18.926 nusxada chop etildi. Gazeta tahriryat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbanchi muharriri: F. MAMASHARIPOV
Musohihlari: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2 3 4 5 6 7 8